

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
“СЕРВИС” факультети
“МЕНЕЖМЕНТ” кафедраси
“БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИ” фанидан

*Маърузалар
матни*

Тузувчи:

доц. Д. Саидахмедова

ҚИСҚАЧА АННОТАЦИЯ

Иқтисодиётда таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда ушбу курс муҳим аҳамият касб этади.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида давлатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги саъй-ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳалардаги, шу жумладан, транспорт тизимидаги чуқур ислохотлари билан бевосита боғлиқдир.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт йўналишидаги бакалавриат талабалари учун мўлжалланган, шунингдек, автотранспорт корхоналари иқтисодиёти соҳасидаги билимларга қизиқувчи барча мутахассислар (профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, малака ошириш курслари тингловчилари) ҳам ушбу ўқув қўлланмадан фойдаланишлари мумкин.

Маърузалар тўплами “Менежмент” кафедрасининг мажлисида муҳокама килинган ва маъқулланган

Менежмент кафедраси муdiri

Котиба

С. Абдуназаров

доц. С. Абдуназаров

С. Бозорова

кат.ўқ. С. Бозорова



Мундарижа

Мавзулар номи	Бетлар
1-Мавзу. Билим иқтисодиёти фанининг мақсади ва вазифалари	4
2-Мавзу. Билим иқтисодиёти ва илмий-техник сиёсат	7
3-МАВЗУ. Таълим ва таълим муассасаларининг классификацияси	21
4-МАВЗУ. Билим иқтисодиётининг менежменти	27
5-МАВЗУ. Билим иқтисодиётида интеллектуал салоҳиятнинг таҳлили	39
6-МАВЗУ. Интеллектуал мулк баҳолаш объект сифатида ва уни баҳолаш	67
7-МАВЗУ. Тадқиқотларнинг илмий-техник ва иқтисодий самарадорлиги	93
8-МАВЗУ. Инновацион лойиҳаларнинг рискинни баҳолаш методлари	103
9-МАВЗУ. Комплекс дастурларни ишлаб чиқишнинг халқаро тажрибалари	113
10-МАВЗУ. Илмий-техник тараққиётни ривожланиш жараёнининг прогнозлаш	120

1-МАВЗУ. БИЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1.1. Билим иқтисодиёти фанининг мақсад ва вазифалари

1.2. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида олий таълимнинг тутган ўрни ва аҳамияти

1.1. “Билимлар иқтисодиёти” фанининг мақсад ва вазифалари

Инновация атамаси инглиз тилидаги "инновацион" сўздан олинган бўлиб "янгиликлар, янгиликларни жорий етиш" деган маъноларни англатади. Инновация атамасининг моҳиятидан инновацион менежментнинг объектив зарурлиги келиб чиқади, бошқача илиб айтганда инновация бошарувни талаб етадиган ўзгаришдир.

Ўзгаришларнинг сабаблари турли-туман бўлиши мумкин, жумладан :
андайдир ани турдаги маҳсулот ёки хизматларга бўлган талабнинг пасайиши;
савдо компанияларининг ўзаро бирлашиши (яъни, монополлашув имконияти) ёки фаолликнинг умумий пасайиши;

истеъмолчи афзалликларининг ўзгариши (масалан, саломатлик тўрисидаги амхўрликнинг ижтимоий жихатдан ўсиши);

янги технологиялар, янги турдаги товарлар ва хизматларнинг пайдо бўлиши (масалан, хонаки шахсий компьютерлар ва уларнинг аксессуарлари);

махаллий ва умуммиллий раҳбарликнинг ўзгариши;

табiiй тарзда рўй берадиган офатлар (зилзила, ёнгин, сув туфони ва бошқалар) ва техноген тарзда рўй берадиган офатлар (ишлаб чиаришдаги ёки уй-жой-коммунал соҳадаги фалокатлар);

бошқалар.

1-расм . Инновацияларнинг намоён бўлиши.¹



Инновацияларнинг дастлабки тўлиқ таърифини иқтисодий фанга австриялик иқтисодчи олим Й.Шумпетер ўзининг “Иқтисодий тарайёт назарияси” номли асарида киритган. Инновацияларнинг классик назарияси мана шу тадиотдан бошланади. Й.Шумпетернинг фикрича,

Инновациялар – нафаат янгилик, балки ишлаб чиариш омили ҳисобланади. “Янги инновациялар”нинг бирданига кўпайиши, Й.Шумпетернинг

фикрича, иқтисодиёт ўсишининг бошланганлигини билдиради².

Бу даврда “инновация” тушунчасидан фойдаланмасдан, Й.Шумпетер уларни ишлаб чиаришнинг бешта “янги комбинатсиялари” тушунчалари билан алмаштиради:

Янги техникалардан, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиаришни таъминлашнинг янги бозор усулларида фойдаланиш;

¹ <http://www.marketing-soft.ru>

² Dirk Czarnitzki and Otto Toivanen. EUROPEAN ECONOMY. Innovation Policy and Economic Growth Economic Papers 482. European Union, 2013.

Янги маҳсулотларни яратиш ёки машур бўлган маҳсулотларни янги сифатларда яратиш;

Хом-ашё ва яримфабрикатларнинг янги турларидан фойдаланиш;


Ишлаб чиаришни ташкил қилиш ва унинг моддий-техник таъминотини ўзгартириш;

Сотишнинг янги бозорларига кириб бориш.

Й.Шумпетер инновациялар тушунчасига иқтисодий категория сифатида таъриф беради:

Билимлар иқтисодиётида инновацион технологиялар-иқтисодий ривожланишнинг асосий омили. Ўзбекистон Республикасида мустаилликнинг 20 йиллиги даврида жуда катта иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар рўй берди.

2-расм. Билимлар иқтисодиётида инновацион технологиялар-иқтисодий ривожланиш.³



Йигирма йиллик мустаил тарайётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши 3,5 баробарни, аоли жон бошига ҳисоблаганда еса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши еса 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир.

2008-2010 йилларда дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий

ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиариш пасайган бир ватда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 %ни, 2009 йилда 8,1 %ни, 2010 йил 8,5 %ни ташкил этган, 2011 йилда еса 8,3 % даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халаро тузилмалар эксперт ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтказилган тадбирий талиллар шуни кўрсатмодаки, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда озирги давр объектив талабларидан келиб чиққан ҳолда янги инновацион ғоялар ва ишланмаларни хал хўжалигига татбиқ этиш орққали юори самарадорликка еришиш мумкинлигини ҳаёт тасдиқламода. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 24.02.2008 йилдаги 145-Ф-сонли қарорида Ўзбекистон Республикасида инновацион ғоя ва ишланмаларни ривожлантириш ва уни хал хўжалигига татбиқ этиш бўйича махсус кўрсатмалар берилган. Бу ужатда республикамиздаги ишлаб чиариш корхоналари амда ЎЗР ФА илмий-текшириш институтлари, ЎЗР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олийгоҳларнинг кафедраларида яратилаётган янги замонавий инновацион ғоя ва ишланмаларни хал хўжалигига татбиқ этиш учун илм-фан интегратсияси ишлаб чиаришда тайёрланган товар ва хизматларнинг раобатдошлигини ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва илмий-техника янгиликларини хал хўжалигига тез ва сифатли татби этиш амда ишлаб чиаришлараро илмий ва амалий ишланмаларни бозор талаблари асосида кенгайтириш ҳамда хал хўжалигига замонавий технологияларни киритиш ва янги ассортиментдаги маҳсулотларни яратиш, уларни бир-бирига боланган самарали механизмни ишлаб чиқиш ҳамда бундай инновацион оя ва ишланмаларни хал хўжалигига татби етаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш

³<http://www.marketing-soft.ru>

учун венчурли инновацион кредитларни амалга ошириш зарур. Янги инновацион ғоялар, ишламалар ва технологиялар ишлаб чиқиш, уни ишлаб чиаришга жорий илиш республикамиз иқтисодиётини кўтаришнинг асосий омили исобланади.

1.2. Мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётида олий таълимнинг ўрни

Тошкентда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ИВ Республика ярмаркаси ноясига етди. “Ўзэкспомарказ”да 13-15 апрел кунлари бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ИВ Республика ярмаркасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган истиқболли ишланмаларни жорий қилиш тўғрисида умумий йўл йўналиши арийб 10 миллиард сўмлик 400га яқин шартнома ва англашув протоколлари имзоланди.

Инновациялар ярмаркаси Республикасиз Президенти томонидан мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш, ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда реал сектор тармоларини янада модернизатсиялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида ташкил этилди. Унда вазирликлар, идоралар, уюшмалар, банклар, йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, фермерлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, илмий марказлар, тажрибаконструкторлик ташкилотлари, шунингдек, ихтирочилар иштирок етди.

3-расм. Мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётида билимлар иқтисодиётининг ўрни⁴



Ярмаркада ишлаб чиаришни кучайтириш ва мақбуллаштириш, ресурсларни тежаш, мааллий хом-ашёдан фойдаланиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт тузилмасини кенгайтиришга аратилган арийб 600 инновацион технология ва лойиҳалар намоиш

етилди. Улар саноат ва қишло хўжалиги, солиқни сақлаш, фарматсевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соалари учун


мўлжалланган. Шуниси эътиборга лойикки, улар асосан мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва ихтирочилари томонидан яқинда яратилган мутлақо янги ишланмалардир. Ишлаб чиариш вазифаларини ҳал этишга бундай турлича ёндашув ва оялар Ўзбекистон илм-фанининг катта имконият ва салоҳиятга эга эканидан далолатдир.

Бозор муносабатлари канчалик кенг таркалган булсалар, шунчалик равшанки, товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобат афзалликлари улар томонидан танланган стратегия ва уни амалга оширишнинг муваффақиятига яқинроқ боғлиқликда булади. Шунинг учун корхона стратегиясига борган сари каттарок эътибор қаратилади. Унинг умумий яхлитлигида у бир неча элементларнинг суммаси сифатида куриб чиқилиши мумкин. Улар орасида - тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, илмий-техник, маркетингли ва инновацион бор. Охиргисининг моҳияти шундан иборатки, у стратегиянинг колган барча

⁴<http://www.marketing-soft.ru>

элементларини белгиланган маънода “ютиб юборади”: улардан ҳар бири сапчиш билан “маъкулланган” янгиликлар, яъни инновациялардан фойдаланиш имкониятига эгалар. Ушбу нуктаи назардан инновацион стратегияни товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳал қилинадиган муаммоларнинг бутун доираси учун таянч сифатида қуриб чиқиш тугри бўлади.

4-расм. Илмий - техник тараққиётни бошқариш стратегиясини шакллантириш.⁶



Қорхона стратегияси илмий - техник тараққиётни бошқариш стратегиясини шакллантиради ва юлга солади, яъни инновацион фаолиятнинг роли, урни, базаси ва маъносини белгилаб беради. Уз навбатида инновацион стратегия қорхона стратегиясини чуқурлаштиради, аниқлаб беради ва амалга ошишига қумаклашади. У

яна мақсадларга эришиш ва миллий иқтисодий нуктаи назаридан қорхона ташқарисидаги устуворликларни қуйишга ёрдам беради, масалан:

ресурслардан раціонал фойдаланишга;

юқори самарали ва қулай сотсиал - иқтисодий натижаларга еришишга; - ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотларининг барча тармоқларида ва бутун “Фан. Тадқиқот. Конструкторлик ишлари - тажрибавий ишлаб чиқариш фойдаланишга киритиш” давраси бўйича вақт ва ҳам ишларни амалга оширишнинг раціоналлиги ва сифати нуктаи назаридан янгилик киритишларнинг тежамқорлигига ва амалга оширилишига эришиш.

2-МАВЗУ. БИЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК СИЁСАТ

Режа:

1. И.Қаримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асарида фан тараққиётини ривожлантириш борасидаги масалалар
2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» олий таълимни бошқариш методологиясининг асоси сифатида
3. Қадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий жиҳатлари
4. Олий таълимни бошқариш тизими ва тузилиши
5. Олий таълимни бошқариш тамойиллари, мақсади ва вазифалари

2.2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури» олий таълимни бошқариш методологиясининг асоси сифатида

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади ва шу йўлдан шахдам қадамлар ташламоқда. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатлантирувчи қучи инсон, уни ҳар томонлама қамол топтириш ва унинг фаровонлигини оширишдир.

Мамлакатимиз истиқлолининг энг дастлабки қунлариданоқ, буюқ маънавиятимиз ва қадриятларимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим - тарбия тизимини

шакллантириш, заминини мустаҳкамлаш, уни давр талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига олиб чиқиш мақсадларига катта аҳамият берилди. Шу боисдан ҳам, таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича ҳукукий кафолат – “Таълим тўғрисида”ги Қонун, бош дастуримиз ҳисобланмиш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ана шу тарзда юқоридаги вазифаларни бажариш мақсадларини кўзланган ҳолда ишлаб чиқилди ва улар 1997 йил 29 август куни Олий Мажлис IX сессиясида тасдиқланди.

Аввалам бор, бу икки Қонунни таълим муассасалари амалиётига татбиқ қилиш мақсадида алоҳида истикбол дастури ишлаб чиқилиб, бу ҳужжатларнинг мақсад ва моҳияти барча воситалар орқали таълим муассасаларида, ота оналар. Аҳоли ўртасида кенг тушунтирилди. Таълимга оид меъёрий ҳужжатлар: концепциялар. Даслат таълим стандартлари, талаблари, ўқув режалари ва дастурлари, Низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар юқоридаги икки Қонун моддаларига мувофиқлаштирилди. Рсепубликада узлуксиз таълим тизими шакллантирилди.

Иқтисодиёт, фан, маданият ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мамлакат ривожланишининг муҳим омили сифатида эътироф этилган. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимининг мазмуни ва тузилишини, шу жумладан уни бошқаришни модернизация қилишга қаратилган.

Таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас. Амалдаги таълим тизими замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмайди.

Мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаган.

Мактабгача таълим ва тарбия аҳоли қониқарсизлигича қолмоқда. Боғча ёшидаги болаларнинг 25 фоизигина мактабгача тарбия муассасаларига қамраб олинган, холос. Мактабгача болалар муассасаларидан ва оиладан мактабга келган болаларнинг тайёргарлик даражаси ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қолапти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик йўқ. 9-11 синфларни тамомлаган ёшлар мустақил ҳаётда ўз ўрнини аниқлай олмайди. Уларда ўзларига ишонч шаклланган эмас. ўрта мактаб битирувчиларининг 10 фоизигина олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда, холос.

Мажбурий тўққиз йиллик таълимга асосланган ўн бир йиллик умумий ўрта таълим илмий асосланмагандир, у ўқувчиларда касбга йўналтириш ва таълимнинг амалий йўналганлиги етарли даражада бўлиши ҳамда мустақил фикр юритиш, меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланишини таъминламайди. Ҳар йили таянч мактабларнинг 100 минг нафарга яқин битирувчиси ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда касб-хунар таълимини давом эттириш учун талаб этилмай қолдирилмоқда.

Таълим тизимидаги мавжуд умумтаълим ва касб-хунар дастурлари ўртасида узвийлик ва ворисликнинг йўқлиги сабабли таянч ва ўрта мактаб битирувчиларида касбга йўналтирилганлик ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмай қолапти. Натижада йигит ва қизлар ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳаёт йўлини белгилаб олишда жиддий қийинчиликлар сезмоқдалар.

Ўқув жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг иқтидорли ёшлар билан яқка тартибдаги ўқув дастурлари бўйича ишлаш каби механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти. ўқув дастурлари мафкуравий саркитлардан тўлиқ холи бўлганича йўқ, уларда маънавият ва ахлоқ асосларини ўргатувчи, ҳукукий,

эстетик билимларни берувчи фанларга етарлича ўрин берилмаяпти.

Хунар-техника билим юртларидан янги типдаги таълим муассасаларига ўтиш кўпроқ оғизда бўлиб, амалда эса уларда таълим эскириб қолган моддий-техника ва ўқув-услубий базасида, тегишли қайта тайёргарликдан ўтмаган ўқитувчи кадрлар билан амалга оширилмоқда.

Бир босқичли олий таълим меҳнат бозори эҳтиёжларини, ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришларни ва илғор халқаро тажрибани тўлиқ ҳажмда ҳисобга олмаётир. ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ўқув юртлари етарлича мустақилликка эга эмас, улар касбий меҳнат бозорининг ўзгарувчан шароитларига яхши мослашиб бормаяпти.

Илмий муассасалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий институтлар кадрларни тайёрлаш жараёнига етарли даражада кўшилганлари йўқ. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш вазифалари белгилаб олинмаган. ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш тизими объективлик ва тезкорликни таъминламайди.

Касб-хунар таълимининг обрўси ҳамда ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларнинг, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ижтимоий мақоми пасайиб бормоқда. Таълим хизмати кўрсатиш ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг мавжуд эмас, таълим тизимини кўп вариантли молиялаш схемаси ишлаб чиқилмаган. Олий малакали кадрлардан самарали фойдаланилмаяпти. Кадрлар билими ва улар тайёргарлигининг сифатини назорат қилиш ҳамда баҳолаш тизими қониқарсиз ишламоқда.

Ўқитувчилар, педагоглар ва тарбиячиларнинг каттагина қисми яхши тайёргарлик кўрмаганлиги, уларнинг билим ва касб савияси пастлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда, малакали педагог кадрлар етишмаслиги сезилмоқда. Мактабгача таълим соҳасидаги жами тарбиячи ва педагогларнинг атиги 20 фоизи олий маълумотлидир. Мактабларнинг ўқитувчилар билан таъминланганлиги ўртача 93 фоизни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич айрим вилоятларда 77-80 фоиздан, муайян фанлар бўйича эса 50 фоиздан ошмайди.

Илмий ва илмий-педагог кадрларнинг ўртача ёши “улғайиб” бормоқда. Республика олий ўқув юртларида 40 ёшга тўлмаган фан докторлари жами фан докторларининг 0,9 фоизини, 50 ва ундан катта ёшдагилари эса 79 фоизини ташкил этади. Фан докторлари илмий даражасига тасдиқланганлар ўртача 50, фан номзодлари эса 36 ёшдадир.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир

кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

2.3 Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий жиҳатлари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997-йил 29-августда қабул қилинган. Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва саркитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутади:

"Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқтаълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

"Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқтаълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чоратadbирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Ушбу босқичда болаларни олти-етти ёшдан мактабга қабул қилиш, уларнинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланганлигини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади. Тақозо этилаётган ўқувчи ўринлари зарур моддий-техника шарт-шароитлари ва педагог кадрлар билан таъминланган ҳолда изчил тайёрланади.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик

технологиялар билан тўлиқтаъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиққамраб олинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи тизим;

ишлаб чиқариш кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омиллари билан бирдир.

ШАХС - Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқбўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутди. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири билим олиш, ижодий қобилиятни намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқи рўёбга чиқарилади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-хунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқини ва кенг имкониятларини назарда тутди.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-хунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади.

Шахс таълим хизматларининг яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўргатишда иштирок этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожланишининг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қуйидагиларга;

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишига;

Мажбурий умумий ўрта таълим ҳамда академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълим олиш йўналишини танлаш ҳуқуқи асосида мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими олишга;

Давлат грантлари ёки пуллик-шартномавий асосда олий таълим ва олий ўқув

юртидан кейинги таълим олиш ҳуқуқига;

Давлат таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашга;

Таълим олувчиларнинг ўқиши, турмуши ва дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги вазифалар ҳал этилишида жамоатчилик бошқарувини ривожлантиришга;

Таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга; Соғлиқ ва ривожланишда нуқсонли бўлган шахслар таълим олишига қўлдош берадилар.

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.


Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

2.4. Олий таълимни бошқариш тизими ва тузилиши

Узлуксиз таълим тизимида олий таълим алоҳида ўрин эгаллайди. Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълими негизидаги олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ амалга оширилади.

Олий таълим тизимида бошқарувнинг вазифалари ва принциплари. Олий ўқув юртлиари Республика узлуксиз таълим тизимининг етакчи бўғини ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш **олий таълим тизимининг вазифаси** ҳисобланади.

Таълим муассасасининг бош вазифаси – таълим олиш ёки малака оширишга бўлган эҳтиёжларни янги таълим технологиялари ёрдамида ва ўқув жараёнини сифатли таъминлаш йўли билан қондириш.



Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

- *давлатга қарашли ва давлатга алоқадорсиз олий таълим муассасалари*, булар давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим-касб дастурини амалга оширади;
- *илмий-педагогик муассасалар*, булар олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боради;
- *таълимни бошқарувчи давлат идоралари*, шунингдек, улар тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

1993 йилдан республиканинг барча олий ўқув юртларига тест синовлари орқали абитуриентлар қабул этилмоқда. Талабалар олий ўқув юртларида икки босқичли таълим асосида бакалавр ва магистр даражаларини эгаллашлари мумкин.

Бакалаврият – ихтисосликлар йўналиши бўйича ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган назарий ва амалий билим берувчи таянч олий таълим.

Магистратура – бакалаврият асосида ўқув муддати икки йилдан кам бўлмаган, муайян ихтисослик бўйича олий таълим.

**Олий таълим тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар
ҳисобланади:**

давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий таълим-касб дастурлари асосида сифатли ўқитувни таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш

юқори малакали илмий-педагог кадрларни, жумладан хорижий илмий марказларда, тайёрлаш

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболи, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология, иқтисод ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашнинг таъминлаш ва усулини мунтазам такомиллаштириш;

- таълимни индивидуаллаштириш, масофадан ўқитишнинг янги педагогик ва информацион технологиялари, воситаларини жорий этиш

мустақиллик гояларига содиқлик, Ватанга, оилага ва атроф муҳитга муҳаббат руҳида, миллий уйғониш мафқураси ҳамда умуминсоний қадриятларни чуқур ҳис этиш асосида олий таълимнинг гуманитар йўналишини, ёшлар тарбиясини таъминлаш

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали уйғунланувчи усулларини амалиётга татбиқ этиш

таълим хизмати кўрсатиш бозорида, рақобат муҳитини юзага келтириш

-олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва мустақиллигини кенгайтириш

Олий ўқув юрти бу вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган стратегик вазифаларга таянади. Ўз хусусиятини сақлаган ҳолда, таълимнинг халқаро миқёсда интеграциялашувига мумкин қадар кўмаклашиш лозим.

2.5. Олий таълимни бошқариш тамойиллари, мақсади ва вазифалари

Малакали юқари маълумотли кишиларни зарур миқдорда етказиб берувчи бир-бирига уйғун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларисиз ҳеч бир мамлакатнинг аниқ ҳамда барқарор ривожланишини таъминлашга қурби етмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунларига мувофиқ Ўзбекистоннинг илмий-техникавий, иқтисодий ижтимоий ва маданий ривожланишини масаласини ривожланган мамлакатлар даражасида ҳал этишга қодир, юксак даражада маънавий, маданий ва ахлоқий сифатларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш олий таълим тизимининг вазифаси ҳисобланади.

Қуйидагилар олий таълим тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади :

- давлат таълим стандартларига мувофиқ замонавий таълим-касб дастурлари асосида сифатли ўқитувчи таъминлаш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш;

- юқори малакали илмий педагогик кадрларни, жумладан хорижий илмий марказларда тайёрлаш;

- мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқболи жамият эҳтиёжи фан техника технология иқтисод ва маданият замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашнинг ташкил этилиши ва усулини мунтазам такомиллаштириш;

- таълимни индивидуаллаштириш масофадан ўқитишнинг янги педагогик ва инфор­мацион технологиялари воситалари жорий этиш;

- Мустақиллик ғояларига содиқлик Ватанга оилага ва атроф муҳитга муҳаббат руҳида миллий уйғониш мафкураси ҳамда умуминсоний қадриятларни чуқур ҳис этиш асосида олий таълимнинг гуманитар йўналишини ёшлар тарбиясини таъминлаш;

- илмий-педагогик ходимлар ва таълим олувчилар илмий тадқиқотлари ҳамда ижодий фаолиятлари воситасида фан техника ва технологияни ривожлантириш олинган натижаларидан таълим жараёнида ва тармоқларда фойдаланиш иқтисодиёти;

- таълим фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали уйғунланувчи усулларини амалиётга тадбиқ этиш;

- таълим хизмати кўрсатиш бозорида рақобат муҳитини юзага келтириш;

- ривожланган мамлакатлар билан олий таълим соҳасида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш;

- олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш ва мустақиллигини кенгайтириш.

Олий таълим таркиби ва бошқарув тизими

➤ Олий таълим тизимининг мақсади ва вазифалари

➤ Олий таълимни бошқариш босқичлари

➤ Олий таълимни бошқариш тизимлари

➤ ДТС таълимни режалаштириш ва уни лойihalаштиришнинг янги шакли сифатида

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

- давлат қарашли ва давлатга алоқадорсиз олий таълим муассасалари давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим-касб дастурини амалга оширади;
- илмий-педагогик муассасалар олий таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини олиб боради;
- таълимни бошқарувчи давлат идоралари шунингдек, улар тасарруфидаги корхона муассаса ва ташкилотлар.

Олий таълимда икки босқич мавжуд бакалаврият ва магистратура

Бакалаврият - ихтисосликлар йўналиши бўйича ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган назарий ва амалий билим берувчи таянч олий таълим

Магистратура - бакалаврият асосида ўқув муддати икки йилдан кам бўлмаган муайян ихтисослик бўйича олий таълим

Республикада олий таълим университетлар академиялар ва институтлардан амалга оширилади.

Университет

- олий ва олий таълим муассасасини тугатгандан кейинги таълим-касб дастурини таълимнинг турли соҳалари ва тайёрлашнинг йўналишлари бўйича амалга оширилади;
- иқтисодиёт турли соҳаларининг мутахассислари олий таълим муассасалари касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар педагог ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг амалга оширади;
- фан турли соҳалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боради;
- фанларнинг тегишли соҳаларида илмий ва методик марказ ҳисобланади.

Академия

- фаннинг муайян соҳалари ва тайёрлаш йўналишлари бўйича олий ва олий таълим муассасасини тугатганидан кейинги таълим-касб дастурини амалга оширади;
- билимнинг муайян соҳалари ва тайёрлаш йўналишлари бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишини амалга оширади;
- фан техника ёки санъатнинг бирор соҳасида назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боради;
- ўз фаолияти соҳасида етакчи илмий ва методик марказ ҳисобланади.

Институт

- олий ва олий таълим муассасисини тугатгандан кейинги таълим-касб дастурин қоидага кўра билимнинг бир соҳасидаги тайёрлайди ва малакасини оширади конструкторлик ишлари олиб боради.

Юқорида қайд этилган вазифаларни самарали ҳал этиш олий таълим тизими ва унинг таркибий бўлинмалари (университет академия институт ва б.лар) учун тизим барча даражадаги раҳбарияти бошқарувини амалга оширишининг мазмуни тамойил ва усулларига сезиларли даражада боғлиқ.

Олий таълим бошқарув тизими ва таркибий қисмларининг вазифаси қандай

2. Олий таълимни бошқариш бошқичлари

Олий таълим соҳасидаги ўзгаришларни бошқариш учун катта куч жалб этилган. Бу миллий ва тузилмалар миқёсида таълим сиёсатини ишлаб чиқиш амалга оширишга масъул шахслар ўртасидаги ҳамкорликда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ олий таълимни бошқаришни қуйидаги бошқичлари кўзда тутилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси унинг ваколати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб боради;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатланган давлат идораларига шу жумладан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ)га раҳбарлик қилиш;
- таълим муассасаларини барпо этиш қайта тузиш тағатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациялаш педагог ва илмий ходимларни аттестациялаш тартибини белгилаш;
- Ўзбекистон Республикасидаги бошқа давлатлар таълим муассасаларига таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун руҳсат бериш;
- чет давлатларнинг таълим стандартларини тасдиқлаш;
- маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжатларини тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грант миқдорини ва таълим муассасаларига қабул тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олаётганларини аккредитацияланган бир таълим муассасасидан бошқасига кўчириш тартибини белгилаш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

2. Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги(ОЎМТВ) унинг ваколатига қуйидагилар қиради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;
- таълим ва бошқа муассасаларга методик раҳбарликни амалга ошириш ва раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандарти талабалари таълим даражаси ва мутахиссисларни касбий тайёрлаш сифатига бўлган талабалар бажарилишини таъминлаш;
- ўқув жараёнига ўқитишнинг илғор шаклларини янги педагогик технологиялар ва ўқитишнинг информацион воситаларини жорий этиш;
- ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратиб ва нашр этишини ташкил этиш;
- таълим олаётганларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги ва таълим муассасидаги экстернет тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш;
- педагог ходимлар тайёрлаш малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат олий таълим муассасаларига ректор тайинлаш тўғрисида таклиф киритиш;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатлар.

Олий таълим соҳасидаги бошқарув билан шуғулланувчи шахсларга юксак даражадаги масъулиятлилик ваколатлилик ҳамда тартиб маъмурий қоидаларни ички ва ташқи воситалар ёрдамида мунтазам самарали баҳолаш қобилияти хос бўлиш лозим.

3. Олий таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган ректор томонидан бошқарилади Давлатга алоқадорсиз ОТМда ректор таъсисчи (мулк эгаси) томонидан тайинланади.

Ректор «Олий таълим тўғрисида»ги низомга мувофиқ таълим муассасасининг иш натижалари учун масъулдир. У Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ таълим муассасалар ва корхоналар билан уни намоён этади мулки тасарруф этади шартномалар тузади ишончнома беради банкда таълим муассасининг ҳисоб рақамини очади кредитларни тақсим қилувчи ҳисобланади.

Ректор ўз ваколати доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- бош муҳосибни ишга тайинланади ва ундан бўшатади;
- илмий-тадқиқот тажриба-эксперимент ва бошқа таълим муассаси таркибига кирувчи ташкилотлар бўлинмалар ваколатини белгилайди;
- ишчи хизматчилар шунингдек, илмий-педагогик ходимларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ва меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишни амалга оширади;
- таълим муассаси ходимлари лавозим маошига устама ва қўшимчалар белгилайди;
- ички тартиб-қоидалари касаба уюшмаси ёки бошқа ваколатли орган ходимлари билан келишиб тасдиқлайди;
- қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Таълим муассаси фаолияти асосий масалаларини кўриб чиқиш учун унда Илмий кенгаш тузилади. Унинг таркиби ваколати шакллантириш тартиби ва фаолияти таълимни бошқариш бўйича давлат ваколати идораси-ОЎМТВ тасдиқланган «Илмий кенгаш тўғрисида»ги низомда белгиланади.

ОТМда жамоатчилик бошқаруви органи бўлмиш Мураббийлик кенгаши тузилади. Унинг таркибига таъсисчининг вакилий ҳокимият маҳаллий органининг ишбилармонлар доирасининг бошқа таълим муассасаларининг жамоат ташкилотларининг фондларнинг хомийларнинг вакиллари киради.

Амалдаги қонунчилик ва ОТМ уставига мувофиқ жамоат ташкилотлари, илмий ва кўнгилли жамятлар, илмий-методик кенгаш, комиссиялар, ёш олимлар кенгаши ва бошқалар тузилиши мумкин.

Талабалар ва илмий-педагог ходимлар манфаатини ёқлаш, уларни ҳимоя қилишни таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси амалга оширади.

Олий таълим соҳасидаги раҳбарлик вазифаси жиддий ижтимоий масъулиятдир. Унинг аҳамияти шу соҳадаги барча ҳамкорлар, шу жумладан ўқитувчи ва таълим олаётганлар барчаси билан эркин мулоқат йўли билан сезирларли даражада оширилиш мумкин.

Умумий манфаатлар, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосидаги ҳамкорлик олий таълимни янгилашнинг асосий усулидир. Ҳамкорлик таълим сиёсатини миллий ва тузилмавий миқёсда ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишда масъул шахслар ўртасида, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, ОТМ маъмурияти техник ходимлар, меҳнат соҳаси, ОТМлар, жамоатчи гуруҳлар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин.

Жамият таълимнинг барча соҳаларига, шу жумладан олий таълимга ҳам ёрдам кўрсатиш керак, чунки у иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишда муҳим ва жиддий ўрин тутади.

3. Олий таълимни бошқариш тизимлари

Бошқаришнинг асосий мақсади олий таълим муассасаларининг тузилмавий вазифаси ўқитишнинг, олий кадрлар тайёрлашнинг ва илмий тадқиқотлар олий даражасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятга хизмат қилишдан иборат бўлиши керак.

Жаҳонда таълимни бошқаришнинг икки тизими шаклланган: марказлашган ва марказлашмаган.

Бошқаришнинг марказлашган тизими Франция ва собиқ иттифоқли яққол намоён бўлган. Мазкур тизимга мувофиқ таълим дастурлари ва ўқув режалари, педагог кадрларни тайинлаш, кўчириш ва ишдан бўшатиш, таълим муассасасидаги тартиб ва ҳамда булар Маориф вазирлигининг меърий хужжатлар, қарорлар, буйруқлар, фармойишлар ва йўриқномалари билан қатъий чегараланган.

Шундай марказлашган бошқарув муайян вақтгача француз таълим тизимнинг афзаллиги бўлиб келган. Бироқ, таълим муассасаларининг миқдор ошиши билан бошқарув тизими сезирларли даражада кенгайди ва ходимларнинг ташаббусини чеклаб қўяди. Шунинг учун ҳозирги пайтда бу тизим таълим муассасаларига эркинлик бериш, марказлашишдан четлашиш томон қайта қурилмоқда.

Марказлашмаган бошқарув тизими АҚШ Англия, Германия ва бошқа тараққий этган мамлакатларда барқарор шаклланган. Бу тизим таълим муассасаларига кенг мухторият беришни кўзда тутди.

конференцияси мавжуд, у таълим сиёсати бўйича келишув тавсиялари Германияда таълим тизими ҳар бир федерал ер тасарруфидадир. Бироқ, федерал ерлар ўртасида таълимнинг турларини уйғунлаштиришни таъминлаш учун федерал орган - Ер таълим ва маданият вазирлари конференцияси мавжуд, у таълим сиёсати бўйича келишув тавсиялари ишлаб чиқади.

Таълим, фан, тадқиқотлар ва технология федерал вазир сиймосида федерал ҳукумат қўйидагиларга жавобгардир:

- касб таълимни тизимидаги бир хилликка (ОТМлар учун тартибга солувчи қонунчили: таълим муддати, ўқишга руҳсат бериш, дипломлар ва б);
- таълимдаги моддий таъминотга, айниқса моддий кам таъминланганларнинг;
- илмий тадқиқотлар ва инновация лойиҳаларини молиялаш;
- халқаро ҳамкорлик.

Германия ОТМлари ўқув жараёнини ташкил этиш ва таъминлаш борасида кенг мухториятга эга. Бир қилишдаги режа асосида, яъни фанлар рўйхатини ва улар меҳнат талабчилигини белгиловчи режалар асосида профессорлар ўқув машғулотлари ва фан мазмунининг тузилишини ўзлари белгилайдилар.

АҚШда таълим муассасалари фаолиятига мактаблар округига ажралувчи Штатлар томонидан томонидан амалга оширилади. Округга Ўўмита бошчилик қилади, унга одатда, бизнесменлар, зиёлиларнинг барча-бюджет, ўқитувчиларини ишга олиш ва бўшатиш, уларнинг маоши, дарсликларни танлаш ва тавсия қилиш ва б.қ. масалаларини ҳал этиш унинг вазифасига киради.

АҚШда таълим муассасалари кенг мухториятга эга ва бошқарув идораларидан муайян даражада мустақилликка эга. Шунга кўра улар таълим дастурлари тавсифи ва сифатига кўра бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Шунга кўра таълим сифати таянч даражасини таъминлаш учун таълим муассасаларини аккредитациялашдан кенг фойдаланилади. Бу таълим муассасаларини, фойдаланилаётган таълим дастурларини ҳукуматга алоқадорсиз, эксперт текшириши ва назоратини амалга ошириш воситасидир.

3. 01.-жадвалда бошқарувнинг марказлашган ва марказлашмаган тизимининг эътиборга лойиқ афзаллиги ва камчилиги келтирилади. Ҳозирда марказлашган ва марказлашмаган тизим ижобий томонларини тадбиқ этувчи аралаш бошқарув тизимини яратишга бўлган уриниш кўзга ташланмоқда.

Бошқарув тизимининг муҳим белгилари, афзалликлари ва камчиликлари

Бошқарув тизими

Марказлаштирилган тизим

1

- Марказлаштирилган раҳбарият таълим муассасаларида узоқда (тўғри ва кўчма маънода)
- Таълим сиёсати марказлаштирилган ва бевосита бажарувчилар билан камдан-кам ҳолда келишиб қабул қилинади
- Таълим сиёсати ҳамиша «раҳбар ҳар доим ҳақ ва бизга фармойиш бериши керак» қобилида олиб борилади
- Бўйстнувчи ташаббус кўрсатишдан кўрқади «гапирдим тегди бошимга таёқ»
- Раҳбар услуги автократик-юқоридан пастга
- Самарасиз иш
- Коммуникациянинг асосий тури юқоридан пастга, коидага кўра, раҳбар монологи
- Хатти-ҳаракатнинг тажовузкор, қинғирлик ва сусткашлик тури кенг тарқалган. Кўпчилик бўйсунувчилар ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдан кўқадилар
- Ҳокимиятнинг битта қўлда тўпланиши бўйсунувчиларга нисбатан адолатсизликка, маҳаллийчилик ва ўзбошимчаликка лавозимни суистеъмол қилишга олиб келади
- Бошқарув вазифаларни ҳал қилишда ягона кўрсатма

Марказлаштирилмаган тизим

2

- Раҳбарият ҳокимияти бошқарув-нинг маҳаллий ва таълим муассасалари тақсимланган
- Таълим сиёсати минтақа, жамият ва ўқув муассасасининг ривож-ланишини қаноатлантирувчи уму-мий қарор асосида қабул қилинади
- Таълим сиёсати маҳаллий миқёсдаги сиёсат бўлганлиги учун маҳаллий ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланишлиги туфайли ўз тадбиқини топади
- Ташаббус ва экспериментлар маҳаллий миқёсда кенг қўллаб-қув ватланади ва раҳбарлантирилади
- Раҳбарлик услуги демократик ва-колатнинг бир қисми ходимларга қа рор қабул қилишда бериб қўйилади
- Қарорқабулқилишдақатнашганходиммаъ сулиятни ўзиммасигаолишгавасамаралиишлашгат айёр
- Кўпёклама алоқа, касб бурчи ва самарали муҳокама
- Бўйсунувчиларнинг ўзини дадил тутиши. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга зарурат сифатида қараш
- Ҳокимиятнинг тақсимланиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бир хил имкониятлар бериш раҳбарият томонидан адолатсизлик, хизмат вазифасини суистеъмол қилишликни бартараф этади.
- Бошқарув вазифасини ҳал қилиш бўйича таклифларнинг турли туманлиги ва улардан энг маъқулини танлаб олиш

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, олий таълим тизимининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунларда белгиланган Бу вазифалар университетлар, академиялар ва институтларда ҳал этилади Олий таълим соҳасидаги тзгаришларни самарали бошқариш учун ҳам миллий, ҳам институционал миқёсда таълим сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда масъул бўлган шахслар ўртасида, профессор-

Ўқитувчилар таркиби ва талабалар, меҳнат соҳаси, ОТМлар ва жамият ўртасида яқиндан ҳамкорлик зарур Бошқаришдан асосий мақсад олий таълим бериш, кадрлар тайёрлаш юқори даражасини таъминлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш йўли билан мустаҳкамлашдан иборат бўлиши лозим.

3-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Режа:

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва унинг моҳияти
Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими тузилиши
Таълимни бошқаришнинг илмий асослари ва умумий қоидалари
Таълимни бошқариш стратегияси ва унинг асосий вазифалари
Таълим муассасасининг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш йўллари
Таълим тарбия жараёнини баҳолашнинг инновацион йўналишларини ўрганиш

3.1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва унинг моҳияти

Мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечилиб, янгича тамойилларга, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб, ҳаётимизни тубдан янгилаш, узоқ ва давомли мақсадларимизни амалга ошириш учун таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилиб, бор куч ва имкониятлар шу йўлда сафарбар этилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асослари унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгилаб берилди.

Мустақил давлатимиз раҳбарияти энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан бошлади. Собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда “Таълим тўғрисида”ги Қонунини қабул қилди. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислохотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди. Кейинчалик ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

“Таълим тўғрисида”ги (1997 йил 29 август) Қонуни . Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессияси (1997 йилда 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991-1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни танқидий баҳолади. “Собиқ иттифоқ даврининг охириги йилларида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил ва ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим... Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади”.

Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикаимизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади.

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса - гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда».

Шу боисдан ҳам 1997 йил 29 августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганда катта маъно бор. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;
- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ушбу қонунда тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмаслиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ушбу қонунда таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш жумладан: таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болаларни ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болаларни ўқитиш, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирларни ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари таълим тизимини бошқариш ва бошқариш жараёнида тегишли давлат органларининг ваколатлари кўрсатиб ўтилган.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими тузилиши

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳаракат қилар экан, ҳар томонлама ривожланган, эркин шахсни шакллантиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билади. Таълим соҳасида мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини олиб бориш ва бу вазифани ечишда асосий воситалардан биридир.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига (1948 йил) асосланиб берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди.

Таълим олиш ҳуқуқига тегишли ҳалқаро ҳужжатлар (1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция) шуни эътироф этадики, “таълим” ибораси ўқитишнинг барча турларини ва босқичларини қамраб олади ва таълим олиш имконига эга бўлиш, таълимнинг даражаси ва сифати, шунингдек, таълим бериш шароитларини ўз ичига олади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бошланғич таълимнинг мажбурий ва бепул қилишни, ўрта таълимни унинг барча турларида умум эришадиган қилишни ва ундан ҳамманинг фойдаланишини таъминлашни; олий таълимни тўла тенглик асосида ва ҳар бир кишининг қобилиятидан келиб чиқиб барча эриша оладиган қилишни; қонунда белгиланган ўқишнинг мажбурийлигини таъминлашни тавсия этади.

Ўзбекистон Республикаси ўзи олган мажбуриятларга амал қилиб узлуксиз таълимнинг барқарор тизимини яратди, шахснинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш механизминини мустахкамлаб қўйди. Таълимнинг ягона тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Таълим шакли ва босқичларининг кўп хиллилиги шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда унинг таълим олиш ҳуқуқини иложи борида тўлароқ амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

-давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

-таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

-таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қаршли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасида таълим мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим турларида амалга оширилади.

Таълим олиш ҳуқуқининг мазмуни шундан иборатки, у Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун таълим ва тарбиянинг барча шаклларида тенг фойдаланиш имкониятини беради.

Таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш қуйидагилар орқали таъминланади:

- таълим олиш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шароитларни яратиш;
- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг тармоғини яратиш;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг барча учун имконияти борлиги;
- давлат таълим муассасаларидаги таълимнинг бепуллиги;
- таянч маълумоти олишнинг мажбурийлиги;
- таълимнинг турли шакллари қўллаш;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга қарам эмаслиги.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир” деб кўрсатилган.

Давлат фақат таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун шароитлар яратишга қолмай, мамлакатдаги мактаб ишларини назорат ҳам қилиб туради.

Хозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир кишининг эҳтиёжига кўра таълим олиш ҳуқуқини таъминлашнинг ишчан механизми шаклланган бўлиб, у тегишли моддий - техник шарт- шароитлар билан мустаҳкамланган.

3.3. Таълимни бошқаришнинг илмий асослари ва умумий қоидалари

Бошқарув фаолиятининг моҳияти тўғрисида ғоялар, тушунчалар, мулоҳазалар, уни маданий тарзда амалга ошириш тамойиллари, шакллари ва усуллари ҳақида тизим мавжуддир. Инсоният томонидан фан-техника, иқтисодиёт ва ижтимоий муваффақиятлар тобора оширилиб боришига кўра бошқарув фаолиятининг **илмга бўлган талаби** ҳам тўхтовсиз ўсиб боради. Бир томондан, фан бошқарув фаолиятини концептуал бойитишдан манфаатдор бўлса, иккинчи томондан амалиётчи бошқарувчилар ўз фаолиятини илмий идрок этиш, уни назарий асослашга интиладилар.

Бундай илмий ёндашиш эҳтиёжини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, бошқарувнинг нодир хусусияти: бирор йўқдан муайян ниманидир қилиш, тарқоқ унеурлардан тизим тузиш, бунда келишув ва тартибга солиш унга хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Иккинчидан, раҳбар тасарруфида бўлган ёки у жавобгар ҳисобланган қадриятлар кўламининг жадал ошиши.

Учинчидан, инсонлар куч-ғайратига асосланган бошқарувнинг яратувчилик самараси раҳбариятдан ҳар томонлама маълумотлилик, ўз касбининг устаси бўлиши ва тизимли ёндашишни талаб ўилади. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бошқарув фаолияти ўз моҳияти ва хусусияти бўйича жамият ҳаётида ақлий тартибга солиш аҳамиятига эга.

Бошқарувнинг моҳияти объектив ва субъектив шарт-шароитларни шундай нисбатда уйғунлаштиришни таъминлашдан иборатдир, бу мўлжалланган мақсадга эришиш имконини беради. Шунинг учун яхши раҳбар одамларга камроқ буйруқ беради, бунинг ўрнига уларнинг меҳнат фаолияти учун зарур бўлган **самарали шароит** яратади. Раҳбар тўғрисида фикр юритар эканмиз раҳбар - менежер, у одамлар билан ишлайди, уларнинг касбий ютуқлари ва хавфсизлиги учун жавоб беради, вазифаларни бажариш учун улар куч-ғайратини уюштиради ва уйғунлаштиришни амалга оширади.

Маъмурий раҳбарлар бошқарув бўйича куч-ғайратининг учдан икки қисмини ўз ходимлари орқали амалга оширади, яъни уларнинг кадр-қиммати **мақсадни кўзлаш, ходимларни ишга жалб эта билиш, жамоадаги ўзаро муносабатни белгилай билиш иқтидори билан ўлчанади.** Бошқарув эса, бу ҳамиша **ҳукмронлик, инсонлар устидан амр этишлик имкони, лекин ҳокимлик оқилона бўлиши лозим.**

Шубсиз раҳбар учун ҳукмронликка эга бўлиш одамларга буйруқ қилиш (кўпинча «қош қўяман деб, кўз чиқариш») имконидир, **шудли раҳбар** учун эса, бу - ўз иқтидорини намоиш этиш, ижтимоий фойдали жиҳатларини кўрсатиш соҳаси. Юқори малакали менежерларнинг мавжудлиги жамоа иши самарадорлигининг ҳал қилувчи шартидир. Чунки, ҳар қандай ташкилотнинг меъёрда фаолият кўрсатиши бошқарув тизимидаги ҳокимиятни тўғри тақсимлашга боғлиқ.

Ташкилот учун ҳокимиятни мутлақлаштириш ва ҳокимият ваколоти унинг менежерда етарли бўлмаслиги бирдек салбий ҳолдир. Биринчи галда бу ташкилот маъмурий ўзагини ҳосил қилувчи раҳбарларга тааллуқли.

Ҳар бир раҳбарнинг ҳокимлик имконияти унинг **лавозим ваколатига** кўра белгиланади, бу улар хизмат вазифасини бажариш учун зарур. *Олдиндан кўра билиш, режалаштириш, уйғунлаштириш, назорат қилиш, рағбатлантириш, ўқитиш, ижтимоий ақлни тузиш* раҳбарнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Энг юқори ҳокимлик имкониятига «биринчи шахслар» - тузилмага бошчилик қилувчилар (ОТМ ректори, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни директорлари ва б.лар) эгадир. Улар ташкилот ҳаётининг фаолияти Истиқбол дастурини белгилаб беради, кадрлар сиёсатини амалга оширади. Анча қуйи даражадаги раҳбар («иккинчи» ва «учинчи» даражали шахслар) биринчи шахслар уларга берган ваколат доирасида иш юритади. Чунки, бошқарув тизимидаги тартибга туширилган мақомлар исталган тузилманинг меъёрида фаолият кўрсатишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Турли раҳбарлар лавозим ваколати катта-кичиклигига қарамай улар учун қуйидаги **тамоийилларга** кўра бошқарув ахлоқининг умумий негизи хосдир:

- *ваколатлилиқ - лавозим ваколатини малакали бажариш учун зарур билим, тажриба ва укувга эга бўлиш;*

- *инсонпарварлик - хизмат ҳулқидаги инсонни севиш ва эзгу ахлоқий хислат, одамлардаги энг яхши шахсий ишга қобиллик сифатларини очишга интилиш;*

- *инновациявийлик - янгилек ишлаш, унга интилиш иштиёқи, асосли таваккал қила билиш қобилияти;*

- *прагматика - натижаларга кўра ишлаш, иш вақтидан самарали фойдаланиш, фаол инвестиция фаолияти;*

- *ортоботиклик - ўз ҳаётини қадрлай билишни англаш, келажакка бўлган барқарор ишонч, атроф муҳитга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш.*

3.4. Таълимни бошқариш стратегияси ва унинг асосий вазифалари

Стратегик менежмент - бу таълим муассасасининг истиқболдаги мақсади ва имконияти билан ходимлар манфаатини уйғунлаштиришга мўлжалланган узоқ муддатли бошқарув усулидир, бошқача қилиб айтганда, стратегик мақсадни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир.

Стратегик менежментнинг асосий мазмуни, таълим муассасасининг ташқи муҳит ўзгаришларига ташкилий кетма-кетлик асосида мослашуви, ҳар қандай бошқарув масалаларини ҳал қилиш ва тўлиқ бошқарув тизимини ташкил этишдан иборат.

У таълим муассасаси фаолиятининг асосий саволларига жавоб бера олади:

- *Бизнинг таълим муассасамиз эртага қандай бўлиши лозим?*
- *Бугунги кунда асосий фаолиятимиз нимадан иборат?*
- *Бизнинг мақсадимиз, вазифаларимиз ва ютуқларимиз нима?*
- *Қўйилган мақсадларга эришиш учун нималар қилишимиз лозим?*

Стратегик менежмент уч босқичдаги жараёни ўз ичига олади:

- Стратегик режалаштириш босқичи (стратегиялар ишлаб чиқиш, стратегик таҳлил ва танлов)
- Стратегик ташкиллаштириш босқичи (стратегияни тадбиқ этиш, амалга ошириш)
- Стратегик назорат ва тартибга солиш босқичи (стратегияни баҳолаш, ишонтириш ва ижрони баҳолаш)

Стратегик режалаштириш - бу таълим муассасасининг рақобатбардошлигини таъминлаш ва ривожлантириш мақсадида, унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни, таълим муассасасининг мавжуд ҳолатини таҳлил этиш жараёнидир.

Стратегик ташкиллаштириш - таълим муассасасининг танлаган стратегиясининг нисбатан тўлиқ ва самарали бажарилишини таъминлашни ташкил этишга мослашув

жараёнидир. Аслида бу мослашув қабул қилинган стратегиядан келиб чиқиб, таълим муассасасининг мақсад ва вазифалари тизимини ишлаб чиқиш, уни ўзгартириш ва ресурслар билан таъминлашдан иборат. Стратегик ташкил этиш кўпинча бутун стратегик бошқарув жараёнининг энг қийин бўғини ҳисобланади, чунки бу ҳар бир кишидан ўзига хос талабчанликни тақозо қилади. Буни самарали амалга ошириш раҳбарнинг ходимларини тўғри рағбатлантиришига боғлиқ, бу эса, санъат ҳисобланади.

Стратегик назорат ва тартибга солиш - таълим муассасаси эришган ҳолатининг таҳлили ва баҳолаш жараёни бўлиб, пировардида стратегик мақсадларга тўлиқроқ эришишни ташкил этишдан иборат.

3.5. Таълим муассасасининг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш йўллари

Кўпчилик таълим муассасалари асосан ягона қабул қилинган режаларга асосан ишлайди. Баъзи раҳбарлар шунчалик даражада «банд» бўладиларки, уларни режа тузишга вақтлари етмайди. Бошқа бир раҳбарлар эса, шу кунга қадар ўз фаолиятимизни режалаштирмасдан туриб ҳам кўзланган мақсадга эришяпмиз, режа тузишни у қадар аҳамияти йўқ деб ҳисоблайдилар. Аниқроғи, режани ёзма шаклда тайёрлашга вақт сарфлашни хоҳламайдилар. Уларнинг сўзлари бўйича, меҳнат бозоридаги вазият жуда тезлик билан ўзгаради ва режалаштиришдан ҳеч қандай наф йўқ, охир оқибат режа жавонда чанг босиб ётади, деб ҳисоблайдилар.

Аслида, режалаштириш таълим муассасаси асосий фаолиятининг етакчи бўғини ҳисобланади. Самарали режалаштириш рақоботбардош кадрлар тайёрлаш ва турли таълим хизматлари кўрсатиш орқали бюджетдан ташқари даромад топиш, шунингдек битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади.

Шунингдек, режалаштириш бир қанча қулайликларга эга:

1. Режалаштириш раҳбарларни келажакни кўрган ҳолда аниқ фикрлашга ўргатади.
2. Таълим муассасаси томонидан бажарилаётган вазифаларни янада аниқ мувофиқлаштиришга олиб келади.
3. Кейинги назорат учун фаолият кўрсаткичларини белгилашга имкон беради.
4. Режалаштириш таълим муассасасини ўз вазифалари ва сиёсий қарашларини тўғри аниқлашга мажбур қилади.
5. Режалаштириш таълим муассасасини кўзда тутилмаган ўзгаришларга доимо тайёр туришга ундайди.
6. У барча лавозимдаги шахсларни мажбуриятларини ўзаро алоқасини кўргазмали намойиш этади.

Режалаштириш жараёни ҳар қандай бошқарув моделининг асосий негизи ҳисобланади. Қолаверса, ҳар қандай вазиятда стратегик режа камида учта таркибни: фаолиятининг бошланғич ҳолатини, фаолиятининг кутилаётган (охирги) ҳолатини ва ушбу икки ҳолатни боғлаб турувчи воситаларни қамраб олади.

Стратегик режалаштириш – таълим муассасасининг стратегиясини шакллантириш жараёни бўлиб, бу жараён таълим муассасасининг асосий иш фаолияти ва мавжуд ҳолатнинг таҳлили, ички ва ташқи омиллардан ташкил топади. Стратегик режалаштириш жараёнида асосан қуйидаги саволларга жавоб берилади:

Биз ким? Биз қандай фаолият билан шуғулланамиз?

Ҳозирги пайтда қаерда турибмиз? Фаолиятимизнинг ҳозирги ҳолати қандай ?

Кеча қаерда бўлган эдик? Кеча бизнинг фаолиятимиз нимадан иборат эди?

Таълим муассасамизнинг кучли ва заиф томонлари нимадан иборат? Қўлимиздан нима иш келадию, нима иш келмайди?

Эришмоқчи бўлган мақсадларимизга нималар тўсқинлик қиляпти?

Фаолиятимизни ривожлантиришда қандай омиллар ижобий таъсир кўрсатмоқда?

Биз қаерга кетаяпмиз? Тўғри йўлдан кетаяпмизми?

Биз ўз миссиямизни қанчалик яхши даражада бажараяпмиз? Бу миссиямизни ундан ҳам яхшироқ бажаришимиз учун нималар қилинмоғи зарур?

Яна нималар қилишимиз мумкин? Қандай муқобил стратегия мавжуд?

Бизнинг стратегиямиз қандай бўлиши даркор?

Бизнинг стратегиямиз ўзгарувчан муҳитдаги ўзгаришларга қанчалик бардош бера олади?

1-саволга жавоб таълим муассасасининг миссиясини шакллантириш жараёнида аниқланади.

2- ва 3-саволларга жавоб, стратегик муҳитда ўз ўрнини аниқлаб олиш, таълим муассасасининг ўтган даврдаги ва ҳозирда эгаллаб турган ўрни билан изоҳланади. SWOT таҳлилини амалга ошириш 4, 5 ва 6- саволларга жавоб беради.

Биринчи олтита саволларга жавоб олингач, 7-саволга ҳам жавоб олиш мумкин, яъни фаолиятимизнинг амалдаги ривожланиши қаерга қаратилганлиги ва ўз мақсадларимизни эришишда қанчалик олдинга ўтиб олганлигимизни аниқлашимиз мумкин. Бундан кейин эса қолган саволларга мустақил равишда жавоб топиш босқичи амалга оширилади.

Бизни ўраб турган муҳит жуда кўп элементларнинг ўзаро муносабатидан юзага келадиган турли воқеа ва ҳодисаларнинг мураккаб тизимидан иборат. Бирон бир воқеага муносабат билдиришда, ҳеч қачон ишонч билан мақсад сари эришилган барча ютуқларни шу воқеа йўққа чиқара олмайди, деб айтиб бўлмайди. Аммо воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирмай туриб, ўз мақсадимизга эришишга умид қилмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ижобий ютуққа эришиш имкониятини ошириш учун воқеаларга ва у билан алоқа тизимига фаол таъсир этиш, бир сўз билан, бошқариш зарурдир.

Демак, стратегик режалаштириш мавжуд имкониятлар ва очилаётган имкониятларни қиёслаш йўли билан бутун таълим муассасаси ёки унинг бирор йўналиши учун узоқ муддатли мақсадлар ва стратегияларни шакллантириш жараёни ҳисобланади. У узлуксиз ва тизимли жараён бўлиб, бунда одамлар фараз қилинган натижалар, бу натижаларга қандай қилиб эришиш мумкинлиги, муваффақият қандай ўлчаниши ва баҳоланиши тўғрисида қарорлар қабул қилишади.

4-МАВЗУ. БИЛИМ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МЕНЕЖМЕНТИ

Режа:

Таълимда бошқарув психологияси тушунчаси

Шахснинг ижтимоий- психологик сифати

Таълим соҳаси менежерининг замонавий модели

Менежернинг инсонийлик жихатлари ва унинг таълимни бошқаришда тутган ўрни

Бошқарув педагогикаси ва этикаси ҳақида тушунча.

Мехнатни рағбатлантиришнинг психологик асослари

Бошқарув одоби ва унинг ўзига хос томонлари

4.1. Таълимда бошқарув психологияси тушунчаси

Менежмент психологияси тушунчасининг мазмуни. Менежмент тарихий ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг психологиялашувидир. Ҳозирги вақтда ташкилотда инсон салоҳиятини фаоллаштириш йўллари излаш ва ходимларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш омилларидан бири ҳисобланади.

Менежмент психологиясида ўрганиш *объектисифати*да мазкур ташкилот ходимлари амал қилади. Уларнинг фаолияти ижтимоий фойдали мақсадлар билан белгиланади,

уларнинг самарадорлиги мезонлари бўлиб даромаддорлик, моддий ва маънавий фаровонлик хизмат қилади. Ташкилотнинг психологик ҳодисалари менежмент психологияси *предмети* ҳисобланади. Уларга ижтимоий-руҳий муҳит, мулоқот, лидерлик муаммолари, меҳнатни мотивлаштириш, меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш киради.

Менежмент психологиясининг айниқса фаол ишлаб чиқиладиган вазифаларига менежерларни психологик жиҳатдан танлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш киради. Аксарият ҳолларда раҳбар касб сифатида эмас, балки лавозим сифатида қаралади, шу боис таълим тизими профессионал раҳбарлар тайёрлашга лозим даражада қаратилмаган.

Менежерлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг психологик жиҳатларига алоҳида эътибор берилади. Бу ерда бошқарув, мулоқот, қарорлар қабул қилиш услубларини такомиллаштириш биринчи даражали аҳамият касб этади. Менежерларнинг жисмоний ва айниқса руҳий саломатлигини таъминлаш борасида амалда жуда кам иш қилинган.

Сўнги йилларда республикамизнинг хўжалик организми анча ривожланди ва мураккаблашди, одамларнинг ўзаро алоқалари мураккаб тус олди, одамларнинг ўзи ҳам ўзгарди. Мазкур мураккаб организмни бошқариш, раҳбарликнинг ижтимоий-психологик усулларидан фойдаланиш муаммолари янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу усуллар буюришни эмас, балки ишонтириш маҳоратини, одамлар руҳиятини тушунишни, уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутди.

Шахснинг индивидуал-типологик ва ижтимоий-психологик хоссалари. Инсон шахси ва унинг шаклланиши муаммолари билан педагогика билан бир қаторда фалсафа, психология, социология, генетика, тиббиёт каби фанлар шуғулланади.

Шахснинг ривожланиши жараёни бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади. Булар ирсият, яъни биологик омил, муҳит, таълим ва тарбия, шахс фаоллиги – шахсни шакллантиришнинг асосий омиллари деб тушунилади.

Ҳар бир жамоа ходимлар мажмуасидан иборатдир. Жамоодаги ҳар бир ходим ўз интилиш ва мақсадларига эга. Жамоани бошқариш, аввало, унинг таркибий қисми бўлмиш ходимларнинг хусусиятини инобатга олишни талаб қилади. Шахснинг ўзига хослиги эса кўп омиллар таъсирида шаклланади. Бу омиллар қаторида ёшлик даври, оила муҳити, ирсий белгилар ҳам ўз ўрнини топган. Жамоа миқёсида турли характерли ходимлар ягона мақсад сари бирлашадилар ва раҳбарнинг асосий вазифаси шу турли туманликни ягона йўлда бирлаштиришдир. Ташкилот доирасидаги ташқи муҳит объектларидан асосийси ходимлар бўлиб, раҳбар ўз бошқарув фаолиятида уларга хос бўлган индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Шахс типологияси деганда, турли индивидуал психологик хусусиятлари бўйича инсоннинг бирон тоифага мансублиги тушунилади.

4.2. Шахснинг ижтимоий- психологик сифати

Инсон ижтимоий тизимда асосий бўғим, бошқарув объекти ва субъектидир. Инсонни доимо кимдир бошқаради. Ўзини муваффақиятли бошқариш учун ўз қизиқишларининг тавсифини, ўз имкониятлари ва турли вазиятларда нуқтаи назарини яхши вазиятларда нуқтаи назарини яхши билиши лозим. Аввало ўз имкониятларини, кейин эса улардан фойдаланиш йўллариини англаб олган бўлиши керак. Онг инсоннинг воқеликни тўғри акс эттириш қобилияти сифатида, инсоннинг ижтимоий-руҳий воситалари йиғиндиси сифат фаолияти дастурини тузиш, яқин ва мақсадлар қўйиш, уларга эришишга ёрдам беришга имконият яратади. Чунки, кишиларнинг билими раҳбар касбий ваколатининг кўрсаткичидир.

Кўпинча раҳбарлар нутқида **"инсон"**, **"шахс"**, **"индивидуаллик"** каби сўзлар тез-тез учраб туради.

Инсон ижтимоий муносабатлар тизимига кўшилганда ва мустақил фаолият учун арзигулик ижтимоий сифатга эга бўлганда **шахс** бўлиб қарор топади. Инсон ўз эҳтиёжини қондиришга интилиб шахс турли меҳнат ва ижтимоий фаолият соҳасига кириб боради. Бунда шахснинг эҳтиёжи ранг-барангдир. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

биологик эҳтиёж: озиқ-овқат, ҳаво, кийим-кечак, ҳаракат ва ҳ. к.ларга бўлган талаб;

ижтимоий эҳтиёж: ижтимоий фаоллик, шахснинг жамиятда ўз ўрнини излаши ва ҳ.к;

маънавий эҳтиёж: ташқи дунёни идрок этиш, ахборотлар (илмий, ахлокий, мафкуравий ва б.) олиш.

Маслоу бўйича эҳтиёжлар даражаси қуйидагича: физиологик, хавфсизлик ва муҳофаза, тегишлилик ва севги, ўз-ўзини кадрлаш, ўз-ўзини фаоллаштириш (ўз-ўзини англаш).

Индивидуаллик нима? Бу - хулқ-атворнинг ўзига хослигини ва муайян фаолият турига мувофиқликни белгилловчи шахснинг хусусияти. Бу шахснинг биоижтимоий ўзига хослиги, унинг тақрорланмаслиги.

Айни шу турли индивидуал хусусият (жўшқинлик)га эга шахслар билан раҳбарнинг ишлашига тўғри келади. Жўшқинлик турини билиш унга муайян шахсга у ёки бу фаолият талаби билан тўғри ёндашишга, муомаланинг айни бўлган шакл ва усулларини танлаш, жамоани уюштиришга имкон беради.

Жўшқинликни қуйидаги турлари бир-биридан фарқ қилади: *сангвиник, флегматик, холерик, меланхолик*.

Сангвиник: одамлар билан тезда чиқишиб кетади ва улар билан фаол алоқага киришади; бир тахлиддаги ишларни ёқтирмайди ва бир тур фаолиятни бошқа тур фаолиятга осон алмаштиради; серзавқ, ўз ҳиссиётларини осон бошқаради ва янги шароитга тезда мослашади. Баланд овозда, тез ва дона-дона ўйлиб гапирди, нутқига ифодавий хатти-ҳаракат ва имо-ишораларни кўшиб юборади. ўз ақлий қобилиятига нисбатан мулозаматларга фарқсиз эмас.

Флегматик: хатти-ҳаракати бир текис ва унга салмоқлаб кўрилмаган, шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш бегона, бир фаолиятдан бошқасига кўчиши суст, янги шароитларга узоқ вақт мобайнида мослашади ва кам хафсала. Уни бирор нима қилишга кўзғатиш учун ташқи кучли туртки керак. Чидамлилик ва ўзини тута билишлилик ўзига хосдир. Хотиржам сўзлайди, ҳиссиётларини кескин намоёиш қилмайди.

Холерик: ниҳоятда ишчанлиги билан ажралиб туради, жуда фаол ва кучини қаерга қўйишни билмайдиган бўлади; "бош кўтармай" ишлаши мумкин ва қийинчиликларни кўтаринки руҳда енгади. Кўпинча фаоллиги кучайгандан сўнг тушқунлик даври бошланади ва толиқиш юз беради, айниқса, бу ҳол фаол қилинган ҳаракат муваффақият келтирмаса, шундай вазият юз беради. Холерикнинг кайфияти барқарор эмас (майда-чуйда нарсалар ҳам унга таъсир этиши мумкин), у қизиққон, ўзига бино қўйган ва бир томонлама фикрлайди. Тутилинкараб тез сўзлайди.

Меланхолик: ҳаддан ташқари таъсирчан, тезда киришиб кетадиган ва арзимаган нарсаларни ҳам кўнгилга оладиган; танг вазиятларда кўпинча саросима ҳолатга тушиб қолади, эзилиш ва зерикашлик кайфияти унга хос; муваффақиятсизликдан қаттиқ қайғуради. Турмушдаги ўзгаришларни секинлик билан ўзлаштиради ва унга кўникиши

жуда суст; уятчан, чўчинқираб туради ва қатъиятсиз ҳазил ва учуриқларга одатда хавотируна муносабат кўрсатади.

Шахснинг меҳнат ва ижтимоий соҳадаги фаолиятининг муҳити ва натижасини белгиловчи индивидуал хусусият бўлиб, *ҳис-ҳаяжон ва сезги, укув ва ақлий фаолият, табиат ва ирода* ҳисобланади.

Хис-ҳаяжон - бу шахснинг атроф муҳитга, одамларга ва ўз-ўзига бевосита ташвиш шаклида муносабатда бўлиш усули. Ҳаётдаги кўпгина вазиятлар турли хис-ҳаяжонлар юзага келиши билан боғлиқдир: ижобий ва салбий, чуқур ва юзаки ва ҳ. к.

Сезги - шахснинг бирор нарса ёки ҳодисага муносабатини ифода этувчи барқарор муносабатига оид хис-ҳаяжон. Сезги куйидагича бўлиши мумкин:

- *маънавий* - шахснинг ўз ва бошқа кишиларнинг хатти-ҳаракатлари хусусидаги маънавий кечинмалари жараёнларида юзага чиқади (ижтимоий бурч, виждон, ғурур, севги ва б.);

- *интеллектуал* - шахснинг ижодий идроклаш эҳтиёжи ва манфаатларини қондириш билан боғлиқ (эксперимент натижаларидан олимнинг хурсанд бўлиши ёки кўнгли тўлмаслиги, конструкторнинг яратган техникавий объектдан мамнун бўлиши ёки кўнгли тўлмаслиги ва ҳ. к.);

- *эстетик* - шахснинг ўзини қуршаб турган оламдаги ва санъатдаги гўзалликлардан таъсирланиши белгилайди.

Укув, бу - шахснинг табиий қобилиятининг ривожланган ҳолати. Укув куйидагича бўлиши мумкин:

- *умумий* - диққат, кузатувчанлик, эслаб қолиш, ижодий тасаввур, мулоҳазалилик ва б.;

- *маҳсус* - тасаввурий (чизиклар, мутаносибликлар ва бошқаларни сезиш), математик (абстракт фикрлаш, таҳлил ва синтезга мойиллик), ташкилотчилик ва бошқа хислатлар.

Бундай укувлар инсонни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнида белгиланади, шунингдек унинг фаол меҳнат ва ижтимоий фаолияти мобайнида шаклланади.

Ақлий фаолият: прагматик маънода - бу ҳаётнинг мазмунини англаш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, уларни ҳал этишнинг самарадор усуллариини излаш. Бу ноаниқликни камайтиришга йўналтирилади. Америкалик шахсшунос Д. Келли таъкидлашича инсонлар асосан келажакни кўзлайдилар: "ўтмиш эмас айна шу келажак инсонларни хавотирга солади. У ҳамиша "ҳозир" деб аталмиш дарча орқали келажакка интилади".

Табиат (характер) - бу индивидуал рухий хусусиятлар мажмуи. Инсонда одатдаги шароитларда намоён бўлади ва шундай шароитларда унга хос хатти-ҳаракат усулларида ифодаланади. Табиатнинг умумий кўриниши шахснинг фуқаролик масъулияти, бурчи, одамларга ва ўз-ўзига муносабатида акс этади. Инсон табиатининг бу жиҳатлари (ижобий ва салбий) 1- жадвалда келтирилди.

1- жадвал

Инсон табиатининг умумий жиҳатлари

№	Шахснинг муносабат тури	Инсон табиатининг жиҳатлари	
		Ижобий	Салбий
1	Фуқаролик масъулияти ва бурчга муносабат	<i>Меҳнатсеварлик, соф виждонлилик, қатъиянлилик, тежамкорлик ва ҳ.к.</i>	<i>Палапартчилик, лоқайдлик, исрофгарчилик ва ҳ.к.</i>
2	Одамларга бўлган муносабат	<i>Одамохунлик, мулоимлик, ҳайрихлик ва ҳ.к.</i>	<i>Биқиклик, фаросатсизлик, ичиқоралик ва ҳ.к.</i>
3	Ўз-ўзига булган	<i>Камтарлик, субитлик,</i>	<i>Каламдимоқлик,</i>

муносабат	<i>тартиблилик.</i>	<i>мақтанчоқлик, ўзини юқори тутушлик.</i>
-----------	---------------------	--

Инсон - ижтимоий, жамоавий мавжудот.

Авлоддан авлодга генетик йўл билан ўтадиган (суяк сурачиган) ва ҳар бир шахсда турлича бошланғич имконият асосида ривожланувчи индивидуал-психологик сифатдан фарқли ўлароқ, **ижтимоий-психологик сифат** ижтимоий орттирилган (юзага чиққан) ҳисобланади. Булар жамиятнинг турмуш тарзи, шахс атрофидаги одамлар ва ўзини ривожлантириш учун олиб борган фаолият таъсирида шаклланади.

Қуйидагилар шахснинг ижтимоий-психологик сифатлари ҳисобланади: ижтимоий-сезги, кўзланган кадриятлар, ижтимоий мезон, иштиёқ-умидворлик, қилиқлар, шахс "маънавий жамғарма"си.

Ижтимоий сезги - кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжи, уларнинг ижтимоий мулоқотга бўлган эҳтиёжини қониқишлиги, шунингдек, маълум тоифа одамлар гуруҳига тааллуқлилиги оқибати ўлароқ юзага келадиган хиссиётлик, диний хиссиётларни, шунингдек, ватанпарварликдек ижтимоий сезгини келтириш мумкин.

Ижтимоий сезги одамларни бирлаштириши ёки қарама-қарши, битта жамоага уюштириши ёки тарафма-тараф қилиб қўйиши мумкин.

Кўзланган кадриятлар - шахснинг моддий ва маънавий бошликларни танлаб муносабатда бўлиши. Булар унинг учун унинг мақсади ёки ўз эҳтиёжини қондириш воситаси ҳисобланади. Уларнинг шаклланишида бошланғич гуруҳ, ижтимоий муҳит, демографик қатлам ва бошқалар муҳим аҳамият касб этади

Ижтимоий мезон - руҳий ҳолат, бунда инсон объект ёки субъектга ўз турмуш тажрибаси асосида илиқ ёки совуқ муносабатда бўлади. Ижтимоий мезон шахснинг информацияни қабул қилиш, шунингдек унга кўрсатадиган муносабат омили сифатида намоён бўлади.

Иштиёқ-умидворлик шахснинг жисмоний ва қалб иштиёқи ранг-баранглиги ва нозиклигини акс эттиради. Масалан, махсус маълумот олиш, қандайдир турмуш муаммосини ҳал этиш, раҳбарият томонидан қандайдир эътиборга молик бўлиш ва ҳ. к. Иштиёқ-умидворлик раҳбарнинг ходимлар билан яқка тартибда ишлашида катта аҳамият касб этади.

Қилиқлар - шахс онгида барқарор сақланиб қолган тимсоллар ва тасаввурлар. Булар эмоционал-экспрессив бўёкути одатлар ёки муҳим баҳо ҳисобланади. Шахс онгида чуқур ўрнашиб қолган у ёки бу қилиқ ижодий идрок этишга рағбатлантириши ёки тўсқинлик қилиши, бошқача фикрловчиларга ижобий ёки салбий муносабатни белгилаши мумкин. Қилиқлар кўпинча раҳбарга янги ғояларни қабул қилишга ҳалақит қилади, ташкилот фаолиятини тизимли идрок этишга тўсиқ бўлади.

Шахс «маънавий жамғармаси» - туб ахлоқий кадриятларга таянувчи илмий дунёқараш. Булар шахс онгининг «маънавий ўзаги» ҳисобланади. Ўзлигини намоён этиш қай даражадалиги, дунёқарашнинг руҳий кадрияти шахсий эътиқоднинг етуқлиги ва барқарорлигига кўра белгиланади. Чин эътиқод шахснинг ижтимоий ҳулқини энг яхши тартибга солувчиси, меҳнат ва ижтимоий фаолиятда асосий тўғри мўлжалдир.

Шахс индивидуал-руҳий ва ижтимоий-руҳий сифатини билиш раҳбарнинг кадрлар муаммосини ҳал этишида, ходимлар касбий мувофиқлигини белгилашида кўл келади.

4.3. Таълим соҳаси менежерининг замонавий модели

Менежер шахсига қўйиладиган талаблар тизими. Ҳозирги замон менежментини таълимни бошқариш амалиётига жорий этиш вазифаси таълим муассасаси менежерлари фаолиятининг мазмуни ва уларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги масалани кун тартибига қўяди.

Менежер одамларни ва уларнинг ўртасидаги муносабатларни бошқариш, чунончи: ходимларни умумий мақсадлар атрофида жипслаштириш, уларда касбий эҳтиёжларни шакллантириш ва уларни қондириш учун шароитлар яратиш, ишга доир муносабатларни тартибга солиш, меҳнатни мотивлаштириш ва рағбатлантириш, жамоада ҳурмат, ишонч ва муваффақият муҳитини яратиш маҳоратига эга бўлиши муҳимдир.

Ҳозирги вақтда менежер инновацион жараён ташкилотчиси бўлиши лозим. Инновация (лот. – янгилаш, ўзгартириш) янги маҳсулот турлари, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, бошқарувнинг янги шакллари ва усуллари амалга жорий этишга қаратилган ижодий фаолият маҳсулидир.

Менежер муваффақиятининг “сири” нимада? Бу саволга икки қарама-қарши жавоб бор. Биринчи – математика методлари ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланишда. Ҳар бир иш амали математик жиҳатдан пухта ҳисоб-китоб қилиниши, чунончи: даромадлар ва харажатлар ҳажмларининг прогнози тузилиши, қарорларнинг энг самарали вариантлари танланиши, иш графиклари ва режалари тузилиши, ресурслар ҳисобга олиниши лозим.

Таълим соҳасидаги менежер модели. Назарияда қабул қилинган уч даражали таснифдан келиб чиқиб, олий ўқув юртлари раҳбарларини *олий бўгин* (ректор, проректорлар), *ўрта бўгин* (деканлар) ва қуйи, *базавий бўгин* (кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари)га ажратиш мумкин.

Педагогик жамоага раҳбарлик қилиш – жамоа хусусияти, унинг вазифалари, таркиби, муайян вазиятларнинг хусусиятлари билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча функцияларни амалга ошириш. Вазифалар қай даражада аниқ бўлса, ходимлар шу даражада ҳамжиҳат ва уюшқоқ, раҳбариятга уларнинг муносабати шу даражада яхши бўлади.

Педагогик жамоа сиёсий етук, ташкилотчилик қобилиятлари ривожланган, юксак маданиятли, ишни яхши биладиган обрўли раҳбарга муҳтож бўлади. Булар раҳбарга иш натижаларига тўғри баҳо бериш, қўл остидагиларни ишга рағбатлантиришга ёрдам беради.

Раҳбар энг аввало ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур фазилатларга эга шахс бўлиши лозим. Шунингдек раҳбар фаолияти ва иш натижаларига унинг мижози, феъл-атвори, шахсияти, иш услуби таъсир кўрсатади. Бу ерда гап энг аввало шахснинг касбий, психолого-педагогик, ахлоқий, ташкилий-раҳбарлик фазилатлари ҳақида боради.

Раҳбар ҳамиша ўз сиёсатини амалга ошириши, мустақил фикрлаши, доим ижодий изланишда бўлиши лозим. Унинг энг муҳим вазифаси – прогрессив инновацияларни амалга фаол жорий этиш.


Раҳбар энг аввало ўз қўл остидагиларга ўрнатилган бўлиши лозим. Вазиятлар ранг-баранглиги, у ёки бу муаммоларни ечишга нисбатан ёндашувларнинг кўплиги замонавий раҳбарга қўйиладиган талабларни таърифлаш учун замин яратган.

1. Умумий ташкилий-бошқарув фаолияти.
2. Ижтимоий иш (одамлар билан ишлаш).
3. Ўқув фаолияти ва илмий фаолият.
4. Раҳбар шахси.

Олий ўқув юрти раҳбари ўз вазифаларини самарали амалга ошириш учун турли даража кишилари (талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар, ота-оналар, тадбиркорлар, бошлиқлар) билан ўзаро муносабатларга киришиши, ҳамкасблари билан ишга доир ва ижодий муносабатлар ўрнатиши, ахборотни ўзлаштириши ва ундан фойдаланиши лозим. Буларнинг барчаси олий ўқув юртлари таркибий бўлинмалари раҳбарларининг касбий тайёргарлиги даражасига юксак талаблар қўяди.

Олий ўқув юртида замонавий раҳбар танланган стратегияни амалга оширишда инсон ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ташкилий, ижтимоий-педагогик ва психологик воситалар мажмуига эга бўлиши лозим.

Раҳбар ташкилий-бошқарув модели



Раҳбарнинг шахсий фазилатлари ҳақида гапирганда, муҳим жиҳат – одамларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эътибор бериш лозим. Бунда одамларга раҳбарлик қилиш касбий ва маънавий ҳуқуқи ҳақида гапириш ўринли бўлади. Касбий ҳуқуқ энг аввало билимдонлик, ташкилотчилик қобилиятлари билан, маънавий ҳуқуқ эса – раҳбарнинг ахлоқий фазилатлари ва сиёсий маданияти билан таъминланади.

4.5. Бошқарув педагогикаси ва этикаси ҳақида тушунча


«Раҳбарлик қилиш» деган сўзга луғатларда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш деган турли изоҳлар берилган. Ҳозирги даврда раҳбарларга қўйиладиган талаблар жуда кўп. Жумладан, маънавий етуклик, интизом ва меҳнатга бўлган муносабати, билим даражаси, ташкилотчилик қобилияти, бошқариш самарадорлигини таъминлай олиши ва бошқалардан иборат.

Раҳбарда қандай ижобий хислатлар мужассамлашган бўлиши керак? Раҳбарнинг ижобий хислатларини белгиловчи мезонлар: довураклик, яхши ниятлилик, соғлом шубҳалилик, камтаринлик, самимий хушмуомалалик, раҳимдиллик, хушхулқлик, қаноатлиликлардан иборат деса тўғри бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш керакки, раҳбар ўз ҳуқуқ ва ваколатидан умумдавлат манфаатларини жамоа ва ходимларнинг шахсий манфаатлари билан уйғун олиб боришда моҳирона фойдаланиши зарур.

Раҳбар вазмин, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тута биладиган, одобли ва хушмуомала бўлиши зарур.

Раҳбарнинг фаолияти кўп жиҳатдан педагогик фаолиятдан иборат бўлиши лозим. Чунки, раҳбар бажарувчиларга ўтғият билан ўз ғоясини ўтказади ва буларни амалга оширишни ўргатади. ўтказади ва буларни амалга. Ҳар бир раҳбар психологик билимлар билан бир қаторда муайян педагогик билимга ҳам эга бўлиши керак. Чунки, шулар ёрдамида у ходимларга уларни тарбиялаш ва мукамаллаштиришларига таъсир этувчи шакл ҳамда усулларнинг янада самаралилигини топиш мумкин.



Тарбия жараёнида раҳбар қуйидаги педагогик муаммоларни ҳал этиши керак:

- ақлий ривожланиш (ходимларнинг умумий ва касбий маълумоти);
- маънавий бойиш (маданий тадбирлар ташкил этиш, этик муаммоларни ечиш);
- муомалани дориломонлаштириш. Бунда эса қуйидаги педагогик тамойилларга риоя қилиш лозим;
- эзгу идеаллар билан машғул бўлиш;
- шахсий ҳислатларни такомиллаштириш.

Тарбиявий таъсир усуллари бошқарув педагогикасининг асоси ҳисобланади.

Тарбиявий таъсир раҳбарнинг қуйидаги омилларни билишга боғлиқ:

- ходим маданияти ва маълумот даражаси, унинг ахлоқий касбий ва ҳаёт тажрибаси қай даражада ривожланганлиги;
- жисмонан соғломлиги, маънавий баркамоллиги;
- индивидуал, ижтимоий-руҳий сифатлари;
- меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий вазият;
- ахлоқий-маъмурий чорага ходимнинг муносабати.

Табиики, тарбиявий таъсир умумий ва қотиб қолган бўлмаслиги лозим, чунки юқорида қайд этилган омиллар ҳар бир муайян шахс учун фарқлидир. Шунинг учун тарбиявий таъсир ҳар бир шахснинг ўзига қаратилган бўлиши керак, бу раҳбар тарбиянинг турли-туман усулларида хабардор бўлишини тақозо этади. Раҳбарнинг тарбиявий таъсир усулларида оқилона фойдаланиши, яъни педагогик саводли бўлиши ходимда ҳуқуқий фаросат ва кўникмаларни шакллантиришни таъминлайди.

Раҳбар тарбиявий таъсирни амалга оширишининг қуйидаги, таъбир жоиз бўлса, «технологик тамойиллари» мавжуд:

- *руҳий ўзига хослик*, яъни шахсга тарбиявий таъсир ўтказишдан олдин унинг индивидуал, ижтимоий-руҳий сифатларини англаш лозим;
- *маънавий мотивлар* - ўзига бўйсунувчилар олдида юқори даражадаги ҳулқ-атвор эгаси эканликни шахсан намоён этиш, бу раҳбар «мендек бўл» деб талаб қилиш имконини беради;
- *якка тартибда (индивидуал) ёндашиш*, бу - ҳар бир шахснинг ўзига хос бўлган «аъло» томонини излаш;
- *меҳнат фаолиятининг талабларига мослашиш*, бу - хочим ақлий имкониятини аниқлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича педагогик муаммони ҳал этиш;
- *шахсий мўлжал*, бу - ходимда ноёб қобилият куртакларини ўстириш ва уларни ривожлантириш;
- *тизимли ёндашиш*, бу - шахсни, ҳар жиҳатларни идрок этиш ва унииг ҳулқига таъсир этувчи устувор омилларни аниқлаш.

Бошқарув тарбияси шаклларида куйидагиларни таъкидлаш зарур:

- *дунёқарашни кенгайтириш таълими*, бу - иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий ва экологик таълимни ўз ичига олади, унинг кўлами менежер ёши, маданий савияси ва иш тажрибасига боғлиқ бўлади. Дунёқарашни шундай ўстириш туфайли **онг маънавий замини** барпо этилади;
- *меҳнат мусобақаси*, бу - **касбий мусобақалашув**, малака оширишда кучли омил саналади. Бошқарув тарбиясининг бу шакли турли танловлар, рационализаторлик таклифлари ва ҳ. к.лар ёрдамида амалга оширилади;
- *бошқарувда иштирок этиш* - бошқарувга оид қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оддий ходимларни жалб этиш (бошқарув қарори лойиҳасини жамоа бўлиб муҳокама қилиш, ижро фаолиятида жамоатчилик асосида қатнашиши ва ҳ.к.).

Раҳбар ходимга тарбиявий таъсир кўрсатар экан Г. Сальенинг куйидаги сўзларини ёдда тутиши фойдадан ҳоли эмас: *«Шуни унутмангки, ҳамма учун мос андоза йўқ. Биз, ҳаммамиз - турли тоифадамиз ва муаммоларимиз ҳам турлича».*

-6. Меҳнатни рағбатлантиришнинг психологик асослари

Меҳнатни рағбатлантириш, аввало, психологик муаммодир.

Бошқарув фаолиятининг муваффақияти кўп жиҳатдан раҳбар ходимларни **меҳнатга манфаатдорона муносабатини** уйғота билишига боғлиқ. Меҳнатга қизиқтириш системаси ходимда ўз касбий фаолияти натижасидан фахрланишни уйғотадиган бўлиши лозим. Фақат ихтиёрий фаолиятгина инсонни яхши натижаларга етказди.

Меҳнатни рағбатлантириш тартиби қандай? Бу - мужассама ижтимоий-иқтисодий, этик, педагогик-психологик шартлар **кишилар онгида** меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, юқори натижаларга эришишга интилишни шакллантириш мақсадида уйғотишга йўналтирилган шакл ва усуллар.

Демак, биринчи ўринда кишилар онгига таъсир, яъни меҳнатга қизиқтиришнинг психологик усуллари туради. Қуйидагилар шундай усуллар ҳисобланади:

- асосий эҳтиёж ва манфаатларни кондириш усули;
- рағбат ва асослар биргаликда таъсир этиши усули.

Эҳтиёжлар ва манфаатлар кишиларни ҳаракатга ундайди, хатти-ҳаракатини асослайди ва муайян йўналиш бағишлайди. Лекин фаолиятга тайёргарлик аниқ кўринишга эга бўлиши учун рағбат ва асослар биргаликда ҳаракатланиш усули амалга ошиши керак. Ахир, инсон, фаолиятсиз қолиши, бунинг устига манфаатга эришишда иродасизлик қилиши мумкин.

Қуйидагилар меҳнат фаолиятида энг барқарор асослар бўлиши мумкин: *пул топиш иштиёқи, шахснинг ўзини кўрсатиши (ўз қадрини баланд тутиши), Ватанни юксакка кўтариш (альтруизм), ҳуқуқий ёки ахлоқий жиҳатдан қораланишдан қўрқини.*

Инсоннинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишининг пси-хологик асоси - шахсий манфаатдорлик бўлиб, эҳтиёж ва манфаатларга тааллуқли мақсадларни амалга оширишдир. Шахсий манфаатдорликни уч бурчак тарзида тасаввур қилиш мумкин, унинг бир томони - иқтисодий манфаат (меҳнатга ҳаў тўлаш), иккинчиси - ижтимоий манфаат (дориломон муомала), учинчиси - маънавий манфаатлар. ҳар бир томон қанчалик узун

бўлса уч бурчак эгаллаган майдон шунча катта, демак, инсон шахсий манфаатдорлиги ҳам:

- моддий ва маънавий рағбатлантириш бирлигини таъминлаш лозим;

- рағбатлантириш ва жазолаш кишиларни моддий ва маънавий моҳиятлашнинг аниў чораси бўлиши лозим.

Мазкур ҳолда қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир: **ўз вақтидалик** (рағбатлантириш ёки жазолашнинг ўз маврудидалиги); **ошкоралик** (кенг хабардорлик ва рағбатлантириш чораси ҳамда меҳнат натижаларининг таққосланарлиги); **кўргазмалилик** (рағбатлантириш чорасининг яққол кўринарли бўлиши).

Юқорида айтилган фикр, мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда хулоса қилиб, айтиш мумкинки, раҳбарнинг касбий ваколатлигининг кўрсатгичи бўлиб, одамларни билиш: улар индивидуал ва ижтимоий-психологик сифатлари ҳисобланади. Эмоция ва ҳис этиш, уқув ва ақлий фаолият, хусусият ва ирода индивидуал-психологик сифатлар саналади, Бу ҳислатлар авлоддан-авлодга қон орқали ўтади. Булардан фарқли ўлароқ ижтимоий-психологик сифатлар ижтимоий орттирилган ҳисобланади. Қуйидагилар шуларга киради: ижтимоий ҳиссиёт, кўзланган қадриятлар, ижтимоий мезон, иштиёқ-умидворлик, қилиқлар, шахснинг «маънавий жамланмаси». Бошқарув фаолиятидаги муваффақият кўп жиҳатдан раҳбарнинг ходимларни меҳнатга қизиқиб муносабатда бўлишдан қанчалик

манфаатдор қила билишига боғлиқ. Меҳнатни рағбатлантириш усули ижтимоий-иқтисодий, этик ва психологик-педагогик шароитлар мажмуи, кишиларда меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, юўори натижаларга эришишга иштилишни шакллантириш мақсадида кишилар онгига таъсир этишга йўналтирилган шакл ва усуллардан иборатдир.

4.7. Бошқарув одоби ва унинг ўзига хос томонлари

Инсонлар қанчалик тажрибали ва билимдон бўлсалар уларни одоб масалалари шунчалик қизиқтира бошлайди.

Ходимларнинг ахлоқий юксаклиги замонавий раҳбарнинг бошқарув фаолиятининг муҳим сифат кўрсатгичи ҳисобланади. Бунга эришиш учун, аввало, раҳбарнинг ижтимоий-одобий тайёргарлиги (назарий ва амалий) зарур. Ана шу мақсадда **бошқарув одоби** тузилади. Унинг моҳияти ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчиларининг *хулқ-атвори тамойил ва меъёрларини* асослашдадир, хизмат ҳуқуқ ва мажбуриятига *касб бурчи* сифатида муносабатда бўлиш зарурлигидадир.

Бошқарув одоби маъмурий ва хўжалик фаолиятини сифатли адо этишга йўналтирилган назарий-амалий этика билимлари ва амалий тавсиялар тизи-мидан иборатдир. *Ижтимоий адолат, шахс эркинлиги, касбий покизалик, масъулиятни хис этиш, табиатни асраб-авайлаш* унинг асосий тамойиллари ҳисобланади. Бошқарув одобида ахлоқий тавсифдаги, шахс хулқ-атворини ўрганиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, бошқарув фаолиятига бўлган ахлоқий талаблар, ишга алоқадор этика қоидалари ишланмалари ва менежер-нинг хизматдан ташқари хулқи, муомала одоби бўйича маслаҳатлар тўпламлари муҳим ўрин эгаллайди.

Қуйидагилар менежернинг асосий ахлоқий қоидалари ҳисобланади:

- одамларга кенг қўламда ўз фойдалилигини намоён этиш учун ҳокимиятга интилиши;

- бошқарув фаолиятида ўатнашиши учун ходмларни фаол жалб этиши;
- фойдали танқидни самимий қабул қилиши ва жамоат фикрини ҳурматлаш;

• бўйсунувчиларга ишонган ҳолда муносабатга мойиллик, уларни ўз ҳамфикрлари деб билиши.

Ахлоқий баркамоллик раҳбарнинг ишбилармонлик сифатларидан бири ҳисобланади. Раҳбарнинг иши - кундалик хатти-ҳаракатлар занжири, бунда унинг бўйсунувчиларга, жамоага ўз фаолиятига муносабати намоён бўлади. Бу муносабатлар **инсонни севишлик, фуқаролик виждони, касб шаъни** каби ахлоқий кадриятлар асосига қурилмоғи лозим. ўз хулқ-твори билан раҳбар ўзига бўйсунувчиларни тарбиялабгина қолмай, балки «**мендек иш тут**» тамойилига амал ўилишга ҳам ўргатади. Инсонлар ўз раҳбарини, аввало, улар хулқий жиҳатлари ва одатларига кўра баҳолайдилар («уст-бошига ўараб кутиб оладилар, ақлига қараб кузатиб қўядилар»).

Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси - умумий, муайян ва ўзига хос хулқ сифатлар тизимидир.

Қуйидагилар умумий ахлоқий сифатлардир:

- ўз Ватанига садоқат;
- уз халқининг энг яхши анъаналарига амал қилиши ва уларни кўпайтириши;
- шахс эркинлигини ва унинг қадр-қиммати дахлсизлигини тан олиши;
- инсондаги яхши хислатлар туганмаслигига ишонч;
- кишилар шахсий-ишбилармонлик сифатлари ва улар фао-лиятини объектив баҳолаш, улар индивидуаллигини тан олиши;
- муомалада очиқ кўнгиллик ва ўзига танқидий ёндашиши;
- табиатдан тежаб тергаб фойдаланиш.

Ўуйидагилар муайян ахлоқий сифатлар ҳисобланади:

- фуқаровий виждон - шахсий жавобгарликни кучли ҳис этиш;
- ахлоқий ирода - кишилар ҳурматини қозона билиш;
- ҳалоллик - ишга астойдил киришиш, ишда талабчанлик ва тўғри фикрлай билиш;
- ўзини тута билиш - шахсий кўнгилсизлик ва ишдаги муваффақиятсизликни энгш кечириш;
- субутлиш - ўз ахлоқий нуқтаи назарида собит туриш;
- жамоавийлик - ижтимоий уюшганлик ҳиссиёти.

Бу сифатлар раҳбар ахлоқий қиёфасини белгилайди.

Қуйидагилар ўзига хос ахлоқий сифатлар ҳисобланади:

- меҳнатсеварлик - жисмоний қувватни ва ақлий қобилиятни тўлиқ ўз ишига бахш этиш;
- камтарлик - ҳокимиятдан оқилона фойдаланиш, ўз ютуқ ва камчиликларига танқидий муносабатда бўлиш;
- масъуллик - ишда «таваккал» қилишдан чўчимаслик, сўз билан иш бирлиги;
- очиқ кўнгиллик - кишиларга беғараз ёрдам кўрсатиш, улар камчиликларига тоқат қила билиш ва ранжитганларга кечиримли бўлиш.

Юқорида келтирилган сифатларнинг уч гуруҳи бир-бири билан боғлиқ ва раҳбар ахлоқий қиёфаси модулини ташкил этади.

Ахлоқийлик - кишилар жисмоний ва руҳий тўлақонлигининг муҳим субъектив омили. Жамоа фаолиятининг натижаси фақат раҳбарнинг ахлоқий сифатларигагина эмас, балки айрим шахснинг ва умумий жамоанинг ахлоқий соғломлигига ҳам боғлиқ.

Шахс ахлоқий соғломлиги қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади:

- ахлоқий хис-туйғулар, булар хайратланиш, ғурур, шуҳратпарастлик ва нафратланиш каби субъектив кечинмаларда ифода топади;
- хулқий нуқтаи назар, шахснинг ахлоқий тутган йўли, унинг дид-фаросати ва яшашдан мақсади йўналиши билан белгиланади, виждон ва бурч буларнинг асоси ҳисобланади;

- *ахлоқий одатлар;*
- *ўзини тута билиш хулқи* (ўзини ўзи баҳолаш, хатти-ҳаракатини назорат қилиш ва фидойилик).

Юқорида келтирилган жиҳатларни билиш раҳбарга иқтисодий ва ижтимоий қимматга эга бўлган шахсий таркиб ахлоқий соғломлик мониторингини ўтказишга имкон беради.

Кишилар мажмуини **ахлоқий соғлом жамоага** айлантириш раҳбарнинг муҳим бошқарув мақсади



ҳисобланади. Бунда раҳбар ва бўйсунувчигар бир-бирлари билан чиқишиб ишлайдилар. Жамоа ахлоқий соғломлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- *жамоа аъзолари ахлоқий қадриятларининг умуминсоний қадриятларга мос келишлиги.* Кишилар ўз меҳнат фаолиятининг фақат иқтисодий моҳияти ва технологик заруратинигина тушуниб қолмай, балки умуминсоний ҳиссиётлар, кайфият ва эътиқодлар мезонларига мувофиқ маънавий эҳтиёжларни ҳам ҳис этмоқлари лозим.
- *Зиммадаги вазифани бажариш учун ходимларнинг берилиб ишлашлиги.* Раҳбар берган топшириқни ҳар бир ходим зиммасига олиши ва уни чуқур тушуниши муҳимдир.
- *Онгли меҳнат интизоми* хизмат вазифасини қатъий тақсимланиши ва аниқ бажарилишига, ҳар бир ходим жамоанинг иўтисодий манфаатини яхши англашига асосланади.

- *Хизмат бўйича муносабатнинг маънавий қониқтирувчанлиги* жамоа аъзолари ўртасидаги расмий ва гайрирасмий муносабатларга асосланади.

Раҳбар қанчалик ахлоқий соғлом меҳнат жамоаси тузишга муваффақ бўлса, жамоанинг фаолияти натижаси шунчалик яхши бўлади. Шундай жамоа тузиш мураккаб бошқарув муаммоси ҳисобланади, бунини самарали ҳал этиш учун ходимларни ахлоқий ташхислашни ўтказиш керак. Ташхислаш хизмат ахлоқийдаги «ахлоқий чиқит»ларни аниқлашга имкон беради:

- *зарарли одатларга мойимик; хизмат мавқеидан қаноатланмаслик; ахлоқий иродаашик ва субутсизлик; ююпимот хасад ва б.*

Айтилганларни таҳлил қилиб, шунини таъкидлаш керакки, ходимларнинг маънавий юксаклиги замонавий раҳбар бошқарув фаолиятининг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобамишди. Бунга эришиш учун бошқарув одоби - ишлаб чиқариш ташкил этиш ва бошқаришнинг барча иштирокчилври хулқ-атвори тамойиллари ва меъёрлари яратилган.

Жамоа фаолиятининг натижаси раҳбарнинг ахлоқий сифатларигаги асосий боғлиқ эмас, балки ҳар бир шахс ва умумжамоа ахлоқий соғломлигига ҳам боғлиқдир. Кишилар мажмуини ахлоқий соғлом жамоага айлантириш раҳбарнинг муҳим бошқарув мақсади ҳисобланади.

Таянч иборалар

- | | |
|-------------------------|------------------------|
| • Педагогика | • Касб эгаси |
| • Педагогик билим | • Бошқарув одоби |
| • Ақлий ривожланиш | • Ахлоқий баркамоллик |
| • Тарбиявий таъсир | • Ишбилармонлик сифати |
| • Технологик тамойиллар | • Инсонни севишлик |
| • Маънавий мотивлар | • Ахлоқий ирода |
| • Тизимли ёндошиш | • Ҳалоллик |
| • Меҳнат жамоаси | • Ахлоқийлик |

5-МАВЗУ. БИЛИМ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОХИЯТНИНГ ТАҲЛИЛИ

Режа:

Ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш тушунчаси ва уни ташкил этиш муаммолари

Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функцияси

Таълим сифатини бошқариш ва унга таъсир этувчи омиллар

Аккредитация ва аттестация қилишнинг ахамияти ва уни ташкил этиш асослари

Мустақил таълимни бошқариш

Таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш

5.1 Ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш тушунчаси ва уни ташкил этиш муаммолари

Таълим олувчиларнинг ўзи ОТМдаги ўқув-тарбия жараёнининг асосий ва яқуний натижаси ҳисобланади: унинг шахсини, қобилиятини ривожлантириш, ваколатлиликни ва касбий билим, ўқув ва малакаларини таъминлаш.

Ўқув-тарбия жараёни (ЎТЖ) ташкилий томондан икки асосий босқичга бўлинади:

- қидирув тадқиқоти ва лойиҳалаш;
- амалга ошириш ва назорат.

Қидирув тадқиқоти тегишли мутахассисларга талабни истиқболи, уларга олдиндан бўладиган малакавий талабни белгилаш, мазкур талабларни рақобатбардошлик даражасида амалга ошириш имкониятларини ўрганишдан иборатдир. Тегишли мутахассисларни тайёрлаш зарурлиги ва имкониятлари ҳақидаги ваколатли ижобий (ёки салбий) хулоса мазкур тадқиқотларнинг натижаси ҳисобланади.

ЎТЖни лойиҳалаш ЎТЖ меъёрий ва ўқув-методик базасини ташкил этувчи ўзаро боғланган ва ўзаро алоқадор ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборатдир. Қуйидагилар шуларга тааллуқли:

1. ДТС «Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори». Мазкур меъёрий ҳуқуқий ҳужжатда тайёрловнинг янги йўналиши (ёки ихтисослиги) белгиланган тартибда берилади. Агар тайёрлов йўналиши (ёки ихтисослиги) классификаторда кўзда тутилган бўлса, унда дарҳол кейинги ҳужжатни ишлаб чиқишга киришилади.

2. ДТС «Мажбурий минимум мазмунига ва йўналишлар бўйича бакалавр (ёки ихтисослик бўйича магистр) тайёрлаш даражасига бўлган талаблар». Мутахассисга

нисбатан олдинда бораётган режалаштирилган малакавий талабларни фан, техника ва технология, иқтисод, таълим ва маданият замонавий ютуқларини, шунингдек мамлакат ва чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш учун муқобил таълимий-касбий программа ишлаб чиқилади. Бу - ўқув фанларининг тизимли мажмуи бўлиб, мазмунининг кўп магнат талаблилиги ва минимумига тегишли ҳисобланади ва тайёрлов йўналиши ёки ихтисосликнинг «юзини белгилайди». Муқобил таълимий-касбий программа малакавий талаблар билан қўшилиб кўриб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат - ДТСни ташкил этади.

3. Намунавий ўқув режаси. Бу ДТСга мувофиқ ишлаб чиқиладиган ўқув-тарбия жараёнининг чеклови ва қуйидагиларни белгилайди:

- ўқув жараёнининг жадвали;
- мутахассис кўп ўлчамли моделини тузишни таъминловни фанлараро алоқани ҳисобга олган ҳолда семестр ва курслар бўйича ДТСда кўзда тутилган ўқув фанларининг тизимли жойлашуви;
- аудитория машғулоти бўйича ҳар бир ўқув фанининг, шунингдек талаба мустақил таълими ва мустақил иши сермехнатлилигини тақсимлаш;
- ҳар бир фан бўйича ҳафталик аудитория юкласи;
- институционал ўзига хосликлар, талаба билимини назорат қилиш ва баҳолаш, мустақил таълим олишини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда ишчи ўқув режасини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар.

4. Ўқув фанлари намунавий программалари. Мазкур ўқув методика ҳужжатлари ДТС (давлат компоненти)да кўзда тутилган ҳар бир муайян ўқув фанлари бўйича мутахассисга бўлган талаб ва мазмун минимумига мувофиқ шунингдек фан, техника ва технология, иқтисодиёт, таълим ва маданият замонавий жаҳон ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.



Ўқув фанлари ишчи дастурини ишлаб чиқишда миллий анъаналар ва илмий педагогик маданият, ОТМнинг атроф ижтимоий, маданий ва иқтисодий муҳитлар билан ўзаро алоқаси ҳисобга олинади (институционал компонент). Фанлараро алоқаларни белгилаш ва ҳисобга олиш ҳам намунавий, ҳам ўқув фанлари ишчи дастурини ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутади.

Ўқув фанлари бўйича программаларда аудитория машғулоти турли хилларини, талабалар мустақил таълим олиши ва мустақил ишларини талаб этилаётган даражада ўтиши ва бажарилиши учун зарур бўлган асосий ва қўшимча адабиётлар кўзда тутилади.


5. Ўқув режасидаги фанлар, малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишларини ўқув методик таъминоти. Бу ҳужжатлар тизимли мажмуи бўлиб, ўтказиш ва (ёки) бажариш методикаси мазмуни, шунингдек ўқитувчи ва талабалар турли хил ўқув фаолиятининг назоратини белгилайди. Қуйидагилар шундай ҳужжатлар ҳисобланади:

- маърузалар матни;
- методик материаллар: лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, семинарлар, курс лойиҳалари (ишлари), уй вазифалари, мустақил таълим олиш, малакавий амалиёт, битирув малакавий ишлар ва ҳоказо.
- кўргазма қўлланмалар ва тасвирий материаллар;
- программавий ва информациявий таъминот: системани назорат қилувчи ва таълимни автоматлаштирувчи;
- ташкилий методик таъминот: талабалар билими, ўқуви ва малакасини назорат қилиш ҳамда баҳолаш.

6. Аудитория машғулотларининг жадвали. Бу ишчи ўқув режаси асосида ишлаб чиқиладиган аудитория машғулотларининг семестр миқёсидаги чеклови. Анъанавий тарзда мазкур чехлов бутун семестр мобайнида бир неча фанларни бир вақтда ўрганишни кўзда тутди. Мазкур ҳолда аудитория юкласи унча катта бўлмаган фанлар учун ҳафтасига бир-икки соат режалаштирилади, бу уларни ўрганиш самарасига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур камчилик ўқув жараёнини модул асосида ташкил қилиш билан бартараф этилади. Бунда у ёки бу модулдаги фанни ўрганишга семестрдан қисқароқ вақт оралиғи ажратилади. Натижада кам ўқув юкласига эга бўлган фан учун ҳам ҳафтада камида белгиланади, бу талабаларни фаол меҳнат қилишга ундайди ва улар ижодий ташаббуси ривожланишига кўмаклашади.

Турли миқёсдаги қидирув тадқиқотлари ва лойиҳалаш босқичининг натижаси бўлиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатлар мажмуи ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-таълимни-олий таълим муассасасини бошқариш бўйича давлат ваколатли органи. Бу босқичда мутахассислар тайёрлаш сифатига талаблар белгиланади (лойиҳаланади).

ЎТЖни амалга ошириш ва назорат қилиш босқичига келсак бунда белгиланган сифат таъминланади. Буни таъминлаш сезиларли даражада ЎТЖни бошқаришга боғлиқ.



Ҳар қандай муваффақиятсизликнинг боиси-бошқарувдаги ўқувсизлик.

Кидирув тадқиқотлари ва ЎТЖни лойиҳалаш ЎТЖ ташкил этишнинг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Бунда ЎТЖ меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методика базасини ташкил этувчи ўзаро боғлиқ ва ўзаро тааллуқли ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилади. Бунда мутахассислар тайёрлаш сифатига бўлган талаб белгиланади.

5.2 Давлат таълим стандартларининг ташкилий бошқарув функцияси

-ўз тасарруфида мавжуд бўлган моддий-техникавий, ходимлар молиявий ва бошқа ресурсларни бериб, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишда узлуксиз таълим тизимига кўмаклашиш;

-турли шаклларда таълим ва фан уйғунлашишини ривожлантириш (ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мужассамалари, марказлар, технопаркалар, техноминтақалар ва ҳ.к).

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиши кўпгина томонлари белгилловчи муҳим унсурларидан бири **Давлат таълим стандарти** (ДТС)дир. У кўп ўлчовли йўриқнома бўлиб, йўналиш (бакалавриат) ёки ихтисослик (магистратура) умумий тавсифи, таълим-касбий программа тайёрлаш, унинг тузилиши ва мазмуни, жорий этилиши, кадрлар тайёрлаш сифатининг назорати ва ҳ.к. талабни ўзида акс эттиради.

Таълим стандарти таълимнинг мақсади, қиммати, унинг мазмуни ва натижаси (тайёрлов даражасига бўлган талаб), таълим-тарбия программавий хусусияти, таълим жараёнининг тузилиш тарихи, унинг мақсадга эришиш даражасини босқичма-босқич ва якуний диагностикасига мўлжалланган кўлам ҳамда вақтини, таълим ва маълумотлилик даражасини белгилайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ ДТС ишлаб чиқиш томоийлларнинг асосийлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади.

- гуманитирлаш ва инсонпарварлаш;
- назарийлаштириш (фундаментализация);
- умумтаълим ва касбий тайёрлов;
- касбий таълим дастурининг долзарблиги, талабаларнинг академик фаоллиги;
- фанлар қисмлари ва гуруҳларининг уйғунлиги;
- мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;
- сифатнинг кўп босқичли назорати;

Таълимни **гуманитарлаштириш** таълим олувчиларда дунёни тўла тасаввур этиш, юксак маънавият, маданият ва жаҳон миқёсидаги тафаккурни шакллантиришга йўналтирилган. Кадрлар тайёрлаш миллий моделида қайд этилган вазифаларни бажариш, фақат фан, техника ва технологиядагина эмас, балки табиатшунослик, фалсафа, этика ва эстетика, тарих, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, иқтисод, экология ва ҳ.к.ларга замонавий ютуқлар асосида ДТСлар ишлаб чиқаш орқали кўзда тутилади. Ҳозирги замон мутахассиси кенг гуманитар билимга эга бўлиш лозим. Бу унинг маънавият ва маданиятини белгилайди. Ахлоқий таянчга эга бўлмаган мутахассис қабул қилаётган қарорлари бўйича на ўзига ва на жамият олдида ҳисоб беришга қобил бўлмайди.

Таълимни **инсонпарлаштириш** инсонни олий ижтимоий қадрият бўлиб етишишига, унинг қобилиятини очиш, турли-туман таълимий эҳтиёжини қондириш, умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон ва атроф-муҳит муносабатидагина уйғунликка эришишга йўналтирилган. Таъкид этилган масалаларни ҳал этиш ДТСларда инсон омилини ҳисобга олган ҳолда фанлар ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали ҳал этилади.


Таълимни назарийлаштириш олий маълумотли кадрлар табиатдаги барча жонивор ва нарсалар, жараён ва ходисалар ҳақидаги яхлит тасаввурлари билимнинг илмий унсурлари ва тизимли ёндашиш асосида билимни яратиш, олға силжитиш ва ёйишлари мумкин. Мутахассас учун жиддий назарий тайёргарлик кўп илм талаб қилувчи ва информацион технологияларни ишлаб чиқиш, ўзлаштириш ва самарали тадбиқ этиш учун зарур.

Ворислик шунинг англатадики, узлуксиз таълимнинг навбатдаги босқичига чиқиш олдинги босқичдан чиқиш табиий узлуксиз таълим тизими барча босқичларининг ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини таъминланади. Биринчи галда бу занжирнинг кейинги босқич халқларига боғлиқ: ўрта махсус, касбий таълим-олий таълим (бакалавриат-магистратура)-олий таълим муассасаси тугагандан кейинги таълим-малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш.

Таълимнинг узлусизлиги унинг ташкилий ва функционал маънодаги узлуксизлигининг асоси ҳисобланади.

Кадрларни **олдиндан тайёрлаш**, мамлакат иқтисодий рақобатдошлигини, мутахассисларнинг ҳозирги ва келажакдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларга самарали мослашиб кетишини таъминлашга унинг ДТСнинг барча таркибий унсурлари фан, техника, технология, иқтисод, таълим ва б.нинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда йўналишларни ёки ихтисосликларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур.

ОЛИЙ МА'ЛУМОТЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ



**Бакалариат-
ўқишмуддатитўртйилданкамбўлмаганолийтаълимнинг
ўналишлариданбирибўйичаназарийбилимларберади**

6.1-расм. ДТС ишлаш тамойиллари.

Таълим-касб дастурларининг долзарблиги корхоналар, жамият давлат ва меҳнат бозори талабларини кузатиб боришни таъминлаш учун зарур. Бу долзарблик ДТСларда ОТМ кенгаши белгилайдиган курслар, кадрлар буюрмачиси билан ОТМ белгилайдиган махсус фанлар қисмлари ҳисобига таъминланади. Таълим-касб дастури қисмларининг долзарблиги талқинларини таълим берилаётганлар мустақил танлайдилар.

Талабалар академик сафарбарлиги (таълим йўналиши ёки ихтисослигини ўзгартириш имонияти) қуйидагича таъминланади:

бакалавриятда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисмларини таълимнинг барча йўналишлари, математика ва табиий фанлар қисмларини яқин йўналишлар учун уйғунлаштириш ҳисобига;

магистратурада умумметодолог фанлар (фан фалсафий масалалари, илмий ижод методологиясини, фан ва техникада тизимли ёндашиш асослари ва б.)ни бир йўналиш доирасида.

Мустақил таълим кўникмаларини ҳосил қилиш икки вазифани ҳал этишга қаратилган:

талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш, бу бўлажак мутахассаслар ижодий фиклаш кўнималарига эга бўлишини ривожлантириш учун зарур;

талабаларни билимни мустақил эгаллашга ўргатиш, уларга бутун ҳаёт мобайнида ўз касбий, маънавий ва маърифий даражаларини такомиллаштириш учун зарур. Шу мақсадда ДТСда бакалаврлар учун мустақил билим олишга ҳафтасига камида 6 соат, магистрлар учун ҳафтасига 16 соат мўлжалланган.

Сифатнинг кўп босқичли назорати, ДТСда кўзда тутилган бўлиб рақобатбардош кадрлар тайёрлашга йўналтирилган. Бу олий таълим бошқаршининг уч босқичида амалга оширилади.

Биринчи босқичда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қуйидагиларни амалга оширади:

олий таълим муассасаси, унинг раҳбар ва илмий-педагог кадрларни аттестациялаш, унинг асосида ОТМни таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича аккредитациялаш масаласи ҳал этилади;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлиги кадрлар тайёрлаш сифатини эксперт баҳолаш.

Иккинчи босқичда таълимни бошқариш бўйича ваколатланган давлат идораси тасарруфида ОТМлар бўлган вазирлик ва муассасалар билан ҳамкорликда назорат қилиш:

ДТСларда кўзда тутилган тайёрлов мазмун ва даража минимумини таъминлаш;

ДТСларда кўзда тутилган касбий масаларни ҳал қилиш асосида курслар тайёрлаш сифатини.

Учинчи босқичда олий таълим муассасаси, талаба билим, ўқув ва кўникмасини ўқув жараёнида, шунингдек улар билимини фанлар ва битирув малакавий ишлар бўйича Давлат аттестациясини комиссиясини назоратини амалга оширади.

ДТСнинг ташкилий-бошқарув функцияси таълим тизимини сифат ва миқдор тавсифларини тартибга солиш чегаралашдан иборат. Булар воситасида шахс, давлат, жамият, иш берувчи ва б. томонидан назорат этиш таъминланади.

Ҳар бир таълим хизматини талаб этувчининг таълимдан ўз мақсад ва кадрияти бор:

шахс бундай таълимда ўзининг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш ва имкониятларини намоён этишни кўзлайди;

жамиятга таълимдан юқори даражадаги ижтимоий ва ахлоқий самара лозим;

давлат таълим тизимидан фуқароларни ўқитиш ва тарбиялашни, миллий уйғониш мафқураси ҳамда умуминсоний кадриятлар устуворлиги асосида уларда маънавият ва ахлоқий сифатларни ривожлантиришни кутади;

кадрларни **талаб этувчилар таълимдан** рақобатбардош товарлар ишлаб чиқарувчи ва хассислар тайёрлашни кутади.

ДТС мувофиқлашган мужассам мақсадни излашга даъват этади. Шундан сўнг мезонлар ёрдамида стандартда кўзда тутилган мақсадга ва сифатга эриш орқали ижтимоий тартибга солишни бошқариш ва таълимни бошқариш амалга оширилади.

Шахс таълимий хизмат истеъмолчи сифатида ДТС га мувофиқ танлов асосидаги курслар ва фанлар кўламида ўз таълимини бевосита бошқаради, булар ДТСнинг институционал таркибларини ташил этади. Мазкур тарибининг йўналиши, мазмуни ва тузилиш таълим муассасаси томонидан ўз анъаналари, илмий-педагог маданияти ҳисобига олган, атроф ижтимоий маданият ва иқтисодий муҳит билан бирга ҳаракат қилган ҳолда белгиланади. Шунини таъкидлаш жоизки, фанлар ва танлов кўзда тутилган таълим касб дастуридаги барча фанлар бўйича ДТСда кўзда тutilади.

Давлат бошқаруви таълимда ДТСнинг давлат компоненти- таълим умуммиллий меъёрлари билан белгиланади. Давлат шахс, жамият ва ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бакалаврият йўналиши ва магистратура ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрлаш мазмуни ва даражаси мажбурий минимумига талабларни шакллантиради.

Бакалаврият таълим-касб дастурида давлат талабига кўра қуйидаги вазифаларни бажаради:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисми.

Миллий истиқлол ғояси ва демократияни, илмий дунёқарашни, юксак ахлоқ ва маданиятни, демократик, ҳуқуқий ва иқтисодий тафаккурни шакллантиради;

таълимнинг миллий йўналиши;

таълим ва тарбия бирлигини таъминлайди.

Математик ва табиий-илмий фанлар қисми:

математик билимлар ва моделлаштириш, информацион технологиялар тўғрисида таассуротларни шакллантиради:

табиий фанлар асоси бирлиги, замонавий табиий билимлар концепцияси, табиий фанлардан энг янги нашлар ва фанда, техника, технологияда улардан фойдаланиш истиқболли тўғрисида табиатдан ва инсон фаолиятидан одилонга фойдаланиш экологик тамойиллари хусусидаги тасаввурларни шакллантиради;

фан тегишли соҳалари учун зарур назарий фанларни ўрганишни чуқурлаштиришни таъминлайди.

Умумтаълим фанлар қисми:

умумкасбий фанлар бўйича чуқур билимни шакллантиради;

таълим йўналишлари бўйича махсус фанларни ўрганиш учун замин тайёрлайди;

касбий фаолият малака ва кўникмаси ҳосил қилади;

Махсус фанлар қисми:

таълим йўналишлари бўйича касбий фаолиятга доир билим, малака ва кўникмаларини шакллантиради;

муайян ихтисослик бўйича кейинги таълимни онгли танлашни белгилайди;

илмий-техникавий ютуқлар, таълим йўналиши муаммолари ва ривожланиш истиқболли ҳақида тасаввур беради.

Магистратура таълим-касб дастуридаги давлат қисмида икки асосий масала ҳал этилади: умумметодологик ва бакалаврият негизида юқори малакали кадрлар, етиштириш махсус тайёрлов.

Меҳнат бозори малакали талабалар воситасида, кадрлар касбий фаолияти соҳаси, объекти ва турларини, шунингдек, улар касбга кўникишини аниқлаб таълимни бошқаради. Бу талабларни қондириш учун ДТСларда таълим-касб программалари ва кадрлар тайёрлаш даражаси мажбурий минимумига тегишли талабалар кўзда тутилади, малакавий талаблар ва тегишли таълим-касб программалари ДТСни ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, кадрлар тайёрлаш миллий модели Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлашга асос бўлиб ҳисобланади. Таълимнинг мақсади ва қимматини, унинг мазмуни ва натижасини (тайёрлов даражасига талабни), таълим-касб дастурлари асосий хусусиятини, таълим жараёни шаклий тузумини, унинг мақсадга эришиш даражасини, босқичма-босқич ва якуний ташхислаш мўлжалланган кўламини ва вақт меъёрини, кўрсатувчи ҳужжат таълим стандарти ҳисобланади.

5.3. Таълим сифатини бошқариш ва унга таъсир этувчи омиллар

Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари-ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳим фаравонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак.

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

-инсонлар профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар ўқув-ёрдамчи фаолит ходимлари, маъмурий ходимлар ва б.;

-технологиялар педагогик тарбиявий, информациявий бошқарув, назорат қилувчи ва б.;

-моддий-техникавий таъминот бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б.;

-меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;

-рағбатлантиришлар ва асослар;

-ташқи таъсислар бозор иқтисодиёти талабалари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади.

Мазкур омиллар 1-расмда келтирилган, унда таълим ва касбий тайёрлов шартли тарзда кўп ўлчамли тузилма-«уйчалар» кўринишида берилади.

Асос (фундамент) ўрта махсус, касбий таълим муассаси битирувчиларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ омилларга алоқадордир ҳамда олий таълим билан ворислигига боғлиқ.

Ўнг девор профессор-ўқитувчилар таркиби билан боғлиқ омилларга алоқадор касбий малака, психологик тайёргарлик, маънавият-маърифат ва маданият, асослаш ва рағбатлантириш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик даражаси

Таълим муассасаси ўзида ишлаётган ўқитувчилардан яхшироқ бўла олмайди.

Сўл деворга Давлат таълим стандарти (ДТС)да белгиланган омиллар-ўқув режалари ва фанлар дастурини, ўқув-методик таъминот, моддий-техникавий таъминот, малакавий амалиёт ва б.лар таъсир этади.

Яхши меъёрий-ҳуқуқий асос-яхши ташкил этилган ўқув тарбия жараёни ва уни бошқаришнинг асоси.

Олд девор таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлашуви билан боғлиқ омилларга алоқадор ўқув жараёнида малакали мутахассислар, фан ва техниканинг замонавий моддий- техникавий базасидан фойдаланиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда иштироқ этишга.

Таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг уйғунлашуви-рақобатбардош иқтисодиёт гарови.

Орка деворга таълим муассаси ва унинг бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ омиллар таъсир этади бошқариш тизими, бошқариш усули ва услуги, раҳбарнинг индивидуал, жамоавий-руҳий сифатлари.

Бошқарув фаолияти ўз мазмун ва тавсифига кўра меҳнат жамоаси ҳаётида ақлий-тартибий аҳамият касб этади.

Том бозор иқтисодиёти рақобат муҳити ва истиқболлари белгилайдиган омиллар таъсир этади корхона эҳтиёжи ва манфаатлари, меҳнат моддий ва маънавий рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза.

Эшик-омиллар учун кириш, у билан боғлиқ:


-ўқитилаётган шахсларнинг индивидуал ва жамоавий-руҳий сифатларини шакллантириш;

-ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш.

Таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифати муаммоларига **тизимли ёндашиш** зарур. Омиллар бутун мажмуини улар боғлиқлиги ва алоқадорлигида, бир занжирнинг халқлари сифатида бошқариш зарур. Мазкур занжирдан бирор халқа (омил) ёки халқлар (омиллар)нинг тушиб қолиши таълим сифатини бошқариш тизимида узилиш содир бўлишига олиб келади. Мазкур тизимидаги узилишлар бирор омил йўл қўйилган чегарадан чиққанида ҳам содир бўлади. Шунинг учун омиллар мажмуини бозор иқтисодиёти, корхона, жамият ва давлат белгилайдиган талаб чегарасида тутиб туриш таълим сифатини бошқариш тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Сифат омилларнинг ҳақиқий қиммати қандай белгилайди?

Бу саволга Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси (таълим тизимини бошқаришнинг биринчи босқичи) тасарруфидаги таълим муассасаларини аккредитациялаш ва аттестациялаш тартибидан жавоб олиш мумкин.



5.4. Аккредитация ва аттестация қилишнинг аҳамияти ва уни ташкил этиш асослари

Таълим муассасаларини аккредитациялаш-таълим муассасасини ўз мақомига мослик даражасини баҳолаш ва тан олиш бўйича тадбирлар тизими, шунингдек, улар тавсия қилган тайёрлов дастурларини мазмунини, ўқитиш даражаси ва унинг сифатини тан олиш.

Ривожланган мамлакатларда таълим муассасасини ва унинг дастурини аккредитациялаш таълим тизимининг ва ўзи хизмат қиладиган кенг жамоатчиликнинг унга ишонч билдириш маросимидир. Аккредитация ихтиёрий-ҳукуматга алоқадорсиз (АҚШда) ва мажбурий-ҳукуматга алоқадор (Ғарбий Европа мамлакатларида) бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам аккредитациядан ўтказувчи ташкилот тан олиш мезонини белгилайди, мазкур мезонларга таълим муассасалари мувофиқлигини белгилаш мақсадида жойларда текширувлар ташкил этади ва таълим муассасаси ҳамда унинг тайёрлов дастурларига аккредитланган мақомини бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Таълим муассасасига аккредитацияланган мақоми нима беради? Унга интилиш лозимми?

Биринчидан, мазкур мақом бир қатор молиявий муаммоларни ҳал этиш имконини беради. Масалан, АҚШда федерал бюджет агентлиги аккредитацияга муайян таълим муассасасига молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарор чиқариш учун асос сифатида қарайди.

Шу билан бир вақтда мактаб консультантлари касабга йўналтиришда аккредитация мақомидан, муҳим омил сифатида, бўлажак талабаларга муайян таълим муассасаси ва ўқув дастурини тавсия этишда фойдаланади.

Нихоят, аккредитация жараёни таълим муассасалари учун таълим мезонлари ва таълим сифатини яхшилашга юқори талабалар қўйиш учун зарур.

Аккредитация жараёни ўз-ўзини (ўзини-ўзи аттестациялашдан) бошланади. Бунда таълим муассасалари ўзининг аҳволи ва фаолиятини, ўз тайёрлов дастурларини эришилган муваффақиятини ва унинг ўз олдига қўйган аввалги мақсадларига мослигини ҳар томонлама аниқлаш мақсадида баҳолайди. Ўз-ўзини аттестациялашда қатнашчилар-таълим олаётганлар, ўқитувчилар, маъмурият, собиқ талабалар уюшмаси, ҳомийлик кенгаши, қатор ҳолларда маҳаллий жамоа кенг доираси манфаатлари объектив тарзда тадқиқ этилади. Мазкур тадқиқот аттестация комиссияси томонидан, шу жумладан ўқитувчилар таркиби бўйича тадқиқот натижалари ҳам уларнинг ўз-ўзини аттестациялаши асосида умуман таълим муассасасини баҳолашга асос бўлади. Аккредитация комиссияси яна ўқитувчи ходимлар ташқи аттестацияни ўтказди ва унинг натижаларини ўз-ўзини аттестациялаш натижалари билан таққосланади. Ташқи аттестация нозирлар гуруҳи томонидан ўтказилади, булар таълим тизими мутахассис ходимлар (ўқитувчилар ва маъмурлар) дан иборат аттестация комиссияси таркибига киради.

Таълим муассасалари, шу жумладан ўқитувчи ходимлар ташқи аттестацияси ва ўз-ўзини аттестациялаш деярли барча ривожланган мамлакатларда ўтказилади. Ҳар икки тур аттестация ўз афзаллик ва камчилик томонларига эга бўлган ҳолда бир-бирини тўлдирди ва таълим муассасаси ҳақида тўлиқ тасаввур беради.

Ташқи аттестация давлат таълим стандартларини жорий этишда таълим муассасаларини ҳолис текшириш кафолатини беради. У ўқув-тарбия жараёни буткул муаммоларини очишга ва унда яхши томонга ўзгариш яшаш кенг истиқболини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз-ўзини аттестациялашда таълим муассасасидаги иш маромини бузишга ҳожат йўқ. Ўз-ўзини аттестациялаш асосий эътиборни ўқитувчилар малакасига қаратади ва уларга ташқи аттестациядан фарқли ўлароқ камроқ руҳий таъсир ўтказди. Шу билан бирга ўз-ўзини аттестациялар озми кўпми мунтазам жараён ҳисобланади ва таълим муассасасини ҳар қандай фаолият турига таалукли бўлиши мумкин. Лекин ўз-ўзини аттестациялаш

таълим муассасасини ва унинг ўқитувчилари таркибининг фаолияти объектив баҳоланишини кафолатламайди. Аттестацияда ва ўз-ўзини аттестациядан ўтказишда (таълим муассаси ва ўқитувчилар таркибини) талабалар ва уларнинг ота-оналаридан сўраб ўтказиш муҳим ўрин тутди. Ваҳоланки, талабалар беосита таълимий хизмат талабгори ҳисобланадилар.



Ривожланган мамлакатларда аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш бир-бири билан турлича муддат ва функциявий боғлиқликка эга. У норвег маърифатпарвари Тронд Алевик таснифига кўра, бир вақтда, кетма-кетликда ёки биргаликда ўтказилиши мумкин.

Бир вақтда (параллел) ўтадиган аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашда ташқи идора ҳамда таълим муассасаси ҳар бири ўз баҳосини беради. Текшириш сўнггида натижаларни алмашадилар ва уларни қиёслайдилар.

Кетма-кет аттестацияда ва ўз-ўзини аттестациялашда аввал таълим муассасаси тз фаолиятини баҳолайди, сўнг ташқи идора булардан ўз назоратида асос сифатида фойдаланади.

Биргаликдаги аттестацияда томонлар баҳолаш жараёни хусусида келишиб оладилар. Бунда манфаатлар турлилиги ва шу билан бир вақтда барча нуқтаи назарлар эътиборга олинади.

Ҳозирги вақтда кўпчилик ривожланган мамлакатларда аттестация ва ўз-ўзини аттестациялашни кетма-кет ёки биргаликда ўтказишга ҳаракат қилинади, бунда таълим оловчилар ва улар ота-оналар сўровини ўтказишга катта эътибор берадилар.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, ривожланган мамлакатларда таълим муассасасини аккредитациялаш жараёнида ўз-ўзини аттестациялаш ва ташқи аттестацияга алоҳида аҳамият қаратилади.

Ўзбекистонда таълим муассасасини давлат аккредитациясидан ўтказиш Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази таркибидаги “Олий таълим муассасаларини аккредитация қилиш ва кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог ходимлар ва таълим муассасасини аттестациялаш бошқармаси” томонидан ўтказилади. Агар таълим муассасаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан таъсис этилган бўлса, унда у аттестациядан ўтгунига қадар аккредитациядан ўтган ҳисобланади.

Узликсиз таълим тизимини давлат аттестациясидан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тўғрисидаги қонунларга мувофиқ амалга оширилади. У қўйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим муассасаларини, уларнинг ўқув, методика, илмий ва тарбиявий фаолияти натижалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат таълим стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларининг талабларга мувофиқлиги аниқланади;

- таълим муассасалари раҳбарларини, улар касбий сифатларини ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини бажариш (давлат таълим стандартларини жорий этиш, ғоявий-маърифий ишларини такомиллаштириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлаштиришни ривожлантириш ва б.);

- педагог мутахассислар, улар касбий сифатларини, ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқий фаолиятлари оқибат-натижаларини объектив баҳолаш мақсадида.


Давлататтестацияси 5 йилда камида бир марта ўтказилади.

Таълим муассасасини аккредитациялаш бўйича мамлакатимиз моделининг камчилиги бўлиб, ўз-ўзини аттестациялашнинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Бу эса ўзига хос хусусиятига эга ўз-ўзига ташхис қўйишдир. Ривожланган мамлакатларда мазкур тартиб натижаларига кўра таълим муассасасини ривожлантириш йиллик режаси тузилади ва амалга оширилади. Бу Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизими учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таълимни соҳасида ракобатбугунги кунда тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда. Ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар, иш берувчи муассасалар битирувчилар олдида қаттиқ талабларни қўймоқдалар. Таълим сифатини энг аввало таъмиловчилар бу профессор ўқитувчилар, ОТМ ходимлари, унинг раҳбарлари, таълим бошқарув идораларидир. Меҳнат бозорининг бугунги талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрларини тайёрлашда қўйидаги саволлар туғилади;

- ўқитувчилар қай даражада талабаларни муваффақиятли ўқитмоқдалар?
- Таълим муассасасининг ютуқлари қандай?
- Таълим муассасаси раҳбарлиги қандай даражада муваффақият билан олиб борилмоқда?
- Таълим муассасасининг кучли томонлари нималардан кўринади?
- қайси йўналишларда ҳали ишлашга тўғри келади?
- кадрлар малакаси иш берувчилар талабларига жавоб берадими?

ОТМ муассасаси, унинг профессор ўқитувчиларини аттестация ва ўз-ўзини аттестациялаш жараёнини ўтказилади.



Таълим муассасасини ташқи аттестацияси ва ўз-ўзини аттестациялаш фаолиятини айти бир жабҳасини қамраб олади. Гар икки ҳолда ҳам таълим

самарадорлигини айти бир хил кўрсаткичларидан фойдаланиб, у баҳоланади. Масалан, ташқи аттестацияда таълим стандартлари ва буларнинг бажарилиши нуқтаи назаридан Миллий қўламда таълим муассасаси фаолиятига баҳо берилади.

Бу таълим самарадорлиги кўрсаткичлари ва ўқитилаётганлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар фикри, шунингдек, имтихон натижалари билан боғлиқ кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади.

Таълим самарадорлик кўрсаткичи нималарга таалукли бўлади? Булар таълим сифатига таъсир этувчи ва муайян тарзда таълим муассасаси назорат қиладиган омиллардир.

Таълим сифати самарадорлигининг барча кўрсаткичлари етти асосий қисм (соҳа)га ажратилади:

1. Таълим дастури.
2. Эришилган ютуқ.
3. Ўқув ва дарс ўтиш.
4. Ўқувчиларга ёрдам.
5. Тамойиллар ва кадриятлар.
6. Ресурслар.
7. Бошқарув, раҳбарият ва сифатни таъминлаш.

Булар таълим муассасасининг асосий фаолият функционал жиҳатлари билан боғлиқ.

Ҳар бир асосий қисмда таълим самарадорлиги бир тақлиддаги кўрсаткичлари мавжуд. Масалан, 3-асосий-ўқув ва дарс ўтиш-қисмга қуйидагилар тааллуқли:

- 1.1. Таълим жараёни сифати.
- 1.2. Таълим сифати ва таълим олаётганларнинг баҳолаш.
- 1.3. Ўқиётганлар эҳтиёжини қондириш.
- 1.4. Билимни таълим жараёнининг қисми сифатида баҳолаш.
- 1.5. Ўқитувчиларни малакасини ошириш қайта тайёрлаш.
- 1.6. Ота-оналар билан алоқа.

Ҳар бир самарадорлик кўрсаткичи яна бир неча мавзу (савол)га эга. Масалан, самарадорлик кўрсаткичи-Таълим жараёнининг сифати қуйидаги мавзу (савол)ларни ўз ичига олади:

- уй ишларидан фойдаланишни ҳам қўшганда таълимга ёндошиш кўлами ва муқобиллиги;
- таълим кўргазмаллиги ва ўқитувчи тушунтиришларининг аниқ ва мақсадга йўналтирилганлиги;
- суҳбатнинг сифати (ўқитувчи-таълим олувчи).

Самарадорлик кўрсаткичларини баҳолашга бундай ёндошиш таълим муассасаси фаолияти соҳасини тезкор белгилашга имкон беради. Буларда кучли томон ёки ташвиш туғдирувчи томон устунлик қилади. Бундан ташқари, текширувнинг одатдаги туркуми билан қамраб олинган ёки миллий ёки маҳаллий ўзига хосликлар билан боғлиқ таълим муассасалари фаолиятининг бошқа соҳасини баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Олий таълим соҳасидаги сифат, унинг қуйидаги функциялари ва фаолият турларини қамраб олувчи кўп ўлчамли концепция ҳисобланади: ўқув ва академик программалар, илмий тадқиқотлар ва стипендиялар, кадрлар билан таъминлаш, ўқувчилар, бино, моддий-техникавий асос ва жиҳозлар, жамият фаровонлиги йўлидаги ишлар сифат муаммосини ҳал этишда унга таъсир этувчи омилларнинг бутун мажмуини улар ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро ҳаракатида бошқариш лозим, яъни тизимли ёндошишдан фойдаланиши керак.

Яна шуларни таъкидлаш лозимки, таълим сифати ва кадрлар тайёрлашни бошқаришда таълим муассасаси ва унинг таълимий-касбий программаларини аккредитация ва аттестациядан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда таълим муассасалари ва унинг дастурини аккредитациялаш, унга таълим тизимини ва ўзи хизмат кўрсатиши лозим бўлган кенг жамоатчилик ишончининг намоёниши ҳисобланади.

5.5. Мустақил таълимни бошқариш

Педагогика ўз мазмун моҳиятини бойитишда, янгилашда мавжуд педагогик ходиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Ушбу илмнинг илмий-тадқиқот усуллари деганда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва ўқитишнинг реал жараёнларга хос бўлган ички алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йўллари, услублари ва воситалари мажмуи тушунилади. илмий-тадқиқот усуллари канчалик тугри танланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади.

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари – маъруза, семинар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, маслаҳат дарси аудиторияда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Ишлаб чиқариш амалиёти аудиториядан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш талабалар дунёка-рашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари улар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди.

Мустақил иш фаолиятида билимларни эгаллаш билан бирга, кўникмаларни шакллантириш ҳам мустақил амалга оширилади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага эътибор қаратиш керак:

А) мустақил иш - ўқишнинг, ақлий меҳнатнинг алоҳида тури.

Б) ахборотнинг асосий қисмини талаба мустақил равишда олади. Айниқса, интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Таълим беришнинг анъанавий усуллари орқали ўқувчиларни мустақил фикрлаш, фаолликка ўргатиш қийин. Анъанавий таълимда тушунтириш, сўраш, мустаҳкамлаш, баҳолаш тартибига амал қилинади.

Бугунги кунда қуйидагилар анъанавий таълимнинг камчилик-лари сифатида эътироф этилмоқда:

✓ таълим жараёнида ўқитувчининг кўпроқ фаоллик кўрсатиши, фақат тушунтириш, буйруқ бериш, ўз сўзини ўтказишга ҳара-кат қилиши;

✓ таълим жараёнида ўқувчиларга асосан назарий билим (маъ-лумотлар) берилиши;

✓ таълимда мажбурийлик, насиҳатгўйлик, қаттиққўллик, авторитаризм тамойилларига амал қилиш;

✓ ўқувчиларнинг фаоллик кўрсатмаслиги, фақат ўқитувчининг маърузасини тинглаши ва топшириқларни бажариши, уларнинг мустақил фикр юритишга, ташаббускорликка ўргатилмаслиги;

✓ таълимнинг ўртача даражада билим олувчи ўқувчилар учун мўлжалланганлиги.

Бугунги кунда таълим тизимида ўқитишнинг интерфаол усул-лари кенг қўлланилмоқда. Бу усуллар ўқувчиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришни тақозо этади. Ўқитиш-нинг интерфаол усуллари афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

✓ ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тенг ҳамкорлик ўрнатилади;

✓ дарс жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ички мотивацияси-га таянилади: мажбурлаб ўқитилмайди, ўқувчиталабалар табақа-лаштирилиб ўқитилади;

✓ таълим беришда ўқувчи-талабаларнинг ақлий ривожлан-ганлик даражаси, қобилияти эътиборга олинади;

✓ ўқувчи-талабалар кўпроқ мустақил таълим оладилар;

✓ таълим жараёнининг объекти ўқитувчи эмас, ўқувчи ҳисоб-ланади;

Таълим жараёнига янги педагогик технологияларни, ўқитиш-нинг интерфаол усулларини қўллаш ўқитувчининг ижодкорлик маҳоратини, қолаверса, масъулиятини янада оширади. Бундан келиб чиқадики, янги педагогик технологиянинг мақсади ўқитиш эмас, балки уларни мустақил ўқишга ўргатишдир. Демак, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ўқув-чиларда мустақил таълим олиш малакасини шакллантиришда, му-ҳим омил ҳисобланади.

Талаба мустақил ишлаш кўникмасини эгалламаса, замон талаби даражасидаги мутахассис бўлиб етиша олмайди, чунки талабанинг ўқиш йиллари давомида олган билимларининг кўп қисми у фаолият бошлагунга қадар эскиради, кўпгина билимлар эса унутилади. Билимнинг эскириши тез, ахборот оқими ниҳоятда катта бўлган ҳозирги даврда мустақил ўқишга, ўз устида тинмай ишлаш, изланишга ўрганиш ҳар бир мутахассис учун ниҳоятда зарур.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилишдан мақсад, рақобатбардош мутахассис ва талабга жавоб берадиган, юксак даражадаги касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис тайёрлашдир. Бу мақсадни амалга оширишда талабаларни ўқув-тарбиявий, илмий фаолияти, мустақил ишлаш вақт бюджети, тадқиқот объекти алоҳида аҳамиятга эга.

Таълимнинг рейтинг тизими, айниқса, ўқиш жараёнига кириб келаётган янгиликлар, ахборот ҳажмининг катталиги талабалардан мустақил ишлаш ва вақтдан тўғри фойдаланишни, уни тежаш заруриятини келтириб чиқаради.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, талабаларни дунё-қарашини шакллантиришда аудиторияда ўтиладиган дарслардан ташқари талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ҳам катта роль ўйнайди. Демак, талабаларнинг ўз устларида мустақил ишлашларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларнинг мустақил ишини ташкил этишнинг асосий ва биринчи тамойили унинг систематик тарзда, яъни доимий, узлук-сиз равишда амалга оширишдир. Маълумки, ўқув жараёнини таш-кил этишда қатъий кетма-кетлик, узвийликни мунтазам олиб бо-риш талаб қилинади. Талаба аудиторияда олган билимини мустаҳ-камлаш, шу билан бирга навбатдаги янги мавзуни пухта ўзлаш-тириш учун ҳар куни мустақил равишда тайёргарлик кўриши ке-рак.

Бугунги ўтиладиган мавзуни яхши тушуниши ва ўзлаштириши учун ўтилганларни ўз қобилияти ва олган билими даражасини янада чуқурлаштиришга интилиши, мустақил такрорлаши, ўрга-ниши зарур. Чунки маърузада талабага йўлланма берилади. Дарс давомида мавзуга тегишли барча асосий саволларни муҳокама қилиб бўлмайди. Унинг иложи йўқ, маърузада ўтилган, муҳокама қилинган масалаларни психологларнинг тадқиқоти натижаларига кўра, атиги 5 фоизи талабалар ёдида қолар экан. Ўзи ўқиб ўргангани, ўрганганларини бошқаларга ўргатиши эса бир неча баравар кўп ёдида қолар экан. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, талабанинг ўзини мустақил тайёрланиб ўқиши фанни ўрганишда, уни асосий мазмунини тушуниш ва ўзлаштиришида, таҳлил қили-ши, ўз фикрини ифодалашда муҳим роль ўйнайди.

Талабанинг мустақил ишидан мақсад ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати асосида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шаклла-нтириш ва ривожлантиришдир. Талабанинг мустақил иши вазифа-лари қуйидагилардан иборат бўлади:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кў-никмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, уларнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳуж-жатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;

- интернет тармоғидан самарали фойдаланиш;
- берилган топшириқни мунтазам ва меъёрида бажариш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- топшириқларни бажаришгатишимли ва ижодий ёнда-шиш;
- натижаларни муҳокамага тайёрлаш ва кўрсатилган кам-чиликларни қайта ишлаш.

• ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш, мута-хассислар жамоасида химоя қилиш ва бошқалар.

Мустақилишниташкилқилишнингшакллари, хусусиятлариватамойиллари

Талабаларнингмустақилишиниташкилқилишшаклларитурличабўлиб, уларнибирқисмиўкуврежасидакўздатутилган. Униҳарбирталабабажаришишарт. Иккинчиқисмиихтиёрий, яъниталабаларўзхоҳишибиланмустақилбажаришларимумкин.

Мустақилишниташкилэтишнингмуҳимхусусияти-униталабанингўзиташкилқилади.Шунинг учун уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашда талабага ёрдам лозим.

Мустақил ишни бажариш учун талаба ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Талабаларни мустақил ишини ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб, умумий принциплар мавжуд. Мустақил ишни шу принциплар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда оддий элементар принципларни ўзлаштириш би-ринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараённи тўла-лигича қамраб олади.

Ҳар бир талаба мустақил ишни ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Унга қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилишини аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас. Мустақил ишни қандай бажаришни ҳар бир талабанинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун талабанинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан кўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни эса тала-банинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ҳар бир талаба индивидуал та-рзда вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаш-тириши керак. Ундан келиб чиқиб, талаба ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда талабага ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами йўқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аълочи талабалар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажариш-га ҳаракат қиладилар.

Ўзлаштириш бўйича факультет муваффақиятини ҳам талабаларнинг ўз вақтларини тўғри режалаштириши, уни бажа-риши билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 17-25 ёш даражасида меҳнатни рационал ташкил этганда бир суткада 9 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узок ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда аудиторияда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, аудиторияда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, аудиторияда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт талабани нормал тарзда диққат-эътибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда собит талаба ўзини зўрлаб дарс

тайёрласа, иккинчиси қизиқиб, предметни ўрганишга илҳом билан киришиб кетади. Учинчиси эса, умуман дарс тайёрлагиси келмайди.

Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

Мустақил ишни ташкил қилишда иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семестр давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни рационал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қондаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса семестр якунига, оралиқ назорат якунига яқин қолдирган, бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиш ижобий натижа бериши қийин. Бу талабанинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда талабанинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса талаба-нинг ўзига ҳам боғлиқ. Масалан доклад, реферат, назорат иши, се-минар дарсига тайёрланишга ҳар ҳафтада маълум вақт ажратилиб, мунтазам равишда олиб борилмаса, қутилган натижа бермайди.

Реферат ёки доклад ёзиш керак бўлса, уни орқага сурмай тезда киришиш керак. Бунда ўқитувчи талабага, айниқса, биринчи курс талабаларига реферат нима, доклад нима, уни қандай ёзиш, қандай тарзда адабиёт танлаш кераклигини тушунтириши зарур.

Талабаларга иқтисодий фанлардан дастур ва семинар дарслари режасида кўрсатилган адабиётларни таклиф қилиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги пайтда чоп қилинаётган китобларнинг кўпчилигида фойдаланилган адабиётлар рўйхати мавжуд. Ана шу рўйхатдан фойдаланиб, зарур адабиётларни кутубхонада, ўқув залида бўлса, олиб ўқиш мумкин. Ундан ташқари республикамизда чоп этилаётган «Бозор, пул, кредит», «Иқтисодий ахборотнома», «Жамият ва бошқарув», «Солиқ тўловчининг журнали», «Касб-хунар таълими» каби қатор журнал, ҳамда «Мулқдор», «Банк ах-боротномаси», «Ҳамкор» ва бошқа газеталарни кўрсатиш мумкин.

Мустақил ишлаш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Дарс ўтилгандан сўнг бажариладиган ишлар, уй вазифа-ларини бажаришда дарслик, ўқув қўлланмалари билан ишлаш, конспект тайёрлаш.

2. Типик топшириқларни ечиш. Бунда талаба аввалги билимларини хотирасида қайта тиклайди ва қисман қайта ўзгартириб, аниқ топшириқларда қўллайди. Масалан: маса-ла, машқ ечиш;

3. Ўрганилган билимларни типик бўлмаган шароитда қўллаш. Талаба ўрганган билимларидан янги шароитда фойдаланади. Ша-роитларда маълум умумийлик бўлиши мумкин.

1. Ижодий фаолиятга асос яратиш. Бунда талаба ўрганилаётган соҳанинг моҳиятига тушунади, унинг янги муносабат, боғла-нишларини аниқлайди, ғоялар ва тушунчаларни янги шароитга боғлайди.

Барча мустақил ишлар талабаларда ижодий ишлаш кўник-масини ҳосил қилишга қаратилган. Талаба ижодий ишлашга ўрга-тилмаса, у маълум мавзуга оид материалларни турли манбалардан кўчириб келиш билан кифояланиб қолиши ҳамда ўзи мустақил фикр билдиришга қийналиши мумкин¹.

Мустақил ишларни индивидуал – дидактик мақсадларни амал-га ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ун-дайдиган вазифалар. Бунда ўқувчи-талабалар мақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар – ахбо-ротларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаол-лаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

¹ Рочинский В.М. "Азбука педагогического труда" М: 1990 стр 33.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назар-дан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодаланишни талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унга бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчи, талабаларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсад талабаларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуалишлашдир.

Бу метод ахборотлароқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фан (курс) нинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;
- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- ҳисоб, график ишларини бажариш;
- назарий билимларини амалиётда қўллаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- макет, модел ва намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга докладлар, маъруза тезис-ларини тайёрлаш;
- ижтимоий, иқтисодий сиёсий мавзуларда бўлиб ўтадиган илмий, амалий конференция, семинар машғулотлар ва давра суҳбатларига тайёргарлик кўриш ва уларда қатнашиш;
- турли жамғармалар томонидан ташкил қилинган танловларда иштирок этиш;
- ўрганилаётган фан бўйича мавжуд асосий илмий адабиётларга аннотация ёзиш ва бошқалар.

Мустақил ишлар таркибида талабалардан алоҳида диққат-эътибор билан ишлашни талаб қиладиган мустақил иш ўрганилаётган фандан курс иши ҳамда битирув малакавий иши ёзиш ҳам бор.

Ўқитиладиган фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил ишни ташкил этишда бошқа шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мустақил бажариладиган ишлардан бири иқтисодий масалаларга бағишланган илмий адабиётларни ёки ўқув адабиётларини конспект қилишдир. Конспект қилиш - талабани фанни ўзлаш-тириши учун катта ёрдам беради. Лекин талабалар конспект

қилишни тўғридан – тўғри кўчириш деб тушунмасликлари керак.

Берилган топширикни бажариш ўқишдан бошланади. Ўқиш бу ҳали ўзлаштириш эмас. Ўқиш, ўқилган матнни англаш керак. Тушуниш, ўзлаштириш учун қўшимча равишда ақлни ишлатиш талаб қилинади. Ўзлаштириш бу ёдда сақлаш дегани эмас, албатта у ўзлаштиришга ёрдам беради. Бошқача айтганда, ўқиш бу ўқиш эмас. Тушуниш бошқа, тушунганни ўзлаштирилганини ёдда сақлаш эса яна бошқа нарса. Ҳаммаси ҳам ақлни ишлатишни талаб қилади. Ўқишга минимум вақт ва куч сарфлаб, ҳаракат қилиб, асосий диққатни тушунишга, тушунганини ёзишга, ёдда сақлашга ҳаракат қилиш керак. Сарфланадиган вақт, уни ўқишга қанча ва тушуниш учун ўйлашга қанча сарфланиши мавзуга, унинг мураккаблик даражасига боғлиқ.

Талабаларни иқтисодий фанларни ўрганишларида иқтисодий муаммоларга бағишланган энг яхши адабиётлар билан таниш-тириш, етакчи олимлар билан учрашувлар ташкил этиш муҳим рол ўйнайди. Ундан ташқари, илмий тўғарак ишини мунтазам ташкил этиш, талабаларнинг ижодий кунлари, илмий давралари, анжуманлари, конкурслари олимпиада ва кўрғазмаларини вақти-вақти билан ўтказиб туриш шубҳасиз талабалар фаоллигини оширади. Уларни фанни ўрганишга рағбатлантиради.

Талабаларни мустақил равишда ижодий изланишга ўргатишда кафедра томонидан ташкил этилган илмий тўғараклар катта аҳамиятга эга. Бунда кафедра ўрганилаётган фан бўйича талаба-ларнинг қизиқиши, фандаги янгиликлар ўрганилиши, тадқиқ эти-лиши лозим бўлган муаммоларни илмий тўғаракларда муҳокама қилинишини кўзда тутиши керак. Талабалар тўғаракда тайёрлаган илмий докладларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этар эканлар, тўғарак аъзолари ҳам уни муҳокамасида фаол иштирок этиш-ларини таъминлаш зарур. Тўғарак аъзоларини сони, муҳокама қи-линадиган масалалар, илмий докладлар миқдори, мавзуларнинг мазмуни ва бошқаларга кўра тўғарак раҳбари ой давомида илмий тўғараклар мажлиси ўтадиган кунларни белгилайди. Энг яхши баҳо берилган илмий докладлар талабаларнинг илмий конференцияларида қатнашишга тавсия этилади.

Ўтказиладиган конференцияни умумий мавзусини тасдиқлагач, докладларни мавзу йўналишига кўра гуруҳларга ажратган маъқул.

Ўтказиладиган талабаларнинг илмий конференциясида энг яхши деб топилган докладлар рағбатлантирилади, кейинги босқич-ларда қатнашишга тавсия этилади

Талабалар вақтини тақсимлаш

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариши бўш вақтни режалаштириш билан боғлиқ. Бунда дарсдан кейинги вақтни қандай ўтказишни режалаштириш муҳим роль ўйнайди.

Ақлий меҳнат қилиб чарчаганда кишининг мияси толиқади. Унинг психологиясига таъсир кўрсатади. Сурункали руҳан ва ақлан чарчаш жисмоний чарчашга қараганда кўпроқ соғлиқка салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун чарчаганда дам олиш керак. Ҳамма учун дам олиш тартиби бир хил бўлмайди. Бу ўз-ўзидан маълум. Ҳар бир талабанинг ўзи дам олиш ва ишлаш тартибини белгилайди. Лекин шунга қарамай ҳар бир талаба ёдида тутиш керак: аудиторияда дарс жадвали бўйича 6 соат ўқигач, маълум вақт мия дам олиши керак. Психология бўйича мутахассис - олимларнинг фикрича камида 3 соат бошқа юмушлар билан шуғулланиши, дам олиши, айниқса очик ҳавода сайр қилиши тавсия этилади. Дарс тайёрлаганда мустақил равишда адабиётлар билан ишлаганда ҳар бир ярим соатда 10-15 минут дам олиши маслаҳат берилади. Энг яхши дам олиш шакллари - бу ҳаракатга асосланган сайр қилиш, спорт билан шуғулланиш, уй юмушларини бажаришдир. Ҳатто радио эшитаётган чоғда ҳам тик туриб ҳаракат қилиш, чуқур нафас олиш, дам олиш пайтида ўрганилаётган предмет ҳақида ўйламаслик керак.

Кўзлаган ишни бажаргандан кейинги дам олиш, ишни бажармай дам олишга қараганда кўнгиллироқ бўлади. Буни ёддан чиқармаслик керак. Чунки одам бажарилиши зарур бўлган ишнинг ташвиш юкидан халос бўлади!

Талабанинг соғлом бўлиши, тўғри камол топиши, кўп жиҳатдан қатъий кун тартибига амал қилиши, гигиена маданиятига боғлиқ, қатъий кун тартибига амал қилиш инсонни ритм билан бир зайлда ишлашга одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги (вақтида овқатланмаслик, етарлича ухлмаслик, дам олмаслик ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) – буларнинг ҳаммаси аъзои-баданни бўшаштиради, тананинг бутун ҳужайраларини, ху-сусан, бош мия ҳужайраларини ишлашини ёмонлаштиради.

Кун тартибини режалаштиришда уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, аудиторияда ўқиш вақти, кунига 3-4 марта овқат-ланиш, очиқ ҳавода бўлиш, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмашилишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир қолипда бўлмаслиги керак. Талаба кундалик фаолиятини режа-лаштирар экан, албатта мустақил ишлашни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Талабалар мустақил ишларининг самарадорлиги вақт бюд-жетидан оқилона фойдаланишига боғлиқ. Бунда талабалар вақтдан фойдаланиш тажрибаларини ўрганиши, улардан келиб чиқиб, вақт-тини тақсимлаши зарур.

Талаба - ёшларнинг мустақил мутолаа қилишлари учун замо-навий кутубхона, ўқув заллари, компьютер марказлари, халқаро илмий ахборот марказлари бўлиши катта аҳамиятга эга.

Талабалар мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш, «Та-лаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилади. Мазкур Ни-зом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2005 йил 21 – февралдаги 34-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Талаба мус-тақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги» Низомга асосан ишлаб чиқилган ҳамда кадрлар тай-ёрлаш сифатини назорат қилишда талабаларнинг мустақил иш-ларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартибини бел-гилайди.

Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўз-лаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг таркибий қисми бў-либ, у услубий ва ахборот ресурслари жиҳатидан таъминланади ҳамда бажарилиши рейтинг тизими талаблари асосида назорат қилинади.

Таълим олувчиларни янгиликни лойиҳалаш ва яратишни уддалай олишга ўргатиш жуда муҳимдир. Аммо улар ўзлари такомилга эришувлари учун ўз шахсий фаолиятларини ижодий лойиҳалашга ўргатиш янада муҳимроқдир.

Ўзини такомиллаштириш ва ўзини фаоллаштириш эҳтиёжи-етук шахснинг асосий ўзлигидир. Бу эҳтиёж ўз-ўзидан улкан қимматга эга. Ўзини такомиллаштириш ва ўзини фаоллаштириш шахсий етуклик кўрсаткичлари ва шу билан бир вақтда унга эришиш шarti ҳисобланади. Булар инсоннинг боқий умри, манбаи ҳисобланади. Фақат жисмоний эмас, балки шахсий ижтимоий ҳам.

Ривожланган мамлакатларда ўқув фанлари программавий материалларнинг кўп қисмини талабалар мустақил ўзлаштирадилар. Бундай ёндашув ташкилий маънода ҳафталик аудитория юкланмасини камайтиришга имкон яратади, масалан, Германияда 20-22 соатгача, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Белгия ва бошқа мамлакатларда ҳар бир маъруза бўйича соатига 2 соат мустақил ишлаш режалаштирилади.

Мустақил ишлаш икки мақсадни кўзлайди.

- талабаларни мустақил ишлашга ўргатиш, бу бўлажак мутахассисларда ижодий фикрлаш малакасини ривожлантириш учун зарур;
- ўқитувчи раҳбарлиги остида индивидуал ишлаш тарзида талабаларни мустақил таълим олиш асосида билим эгаллашга ўргатиш.

Ўқув жараёни ва унинг компонентлари

(2004-2007 йилларда)

Ўқув-услубий ҳужжатлар асосида таълим сифати оширилди

Ўқув-услубий таъминот яхшиланди

Профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти ва масъулияти ортди

Ўқитиш технологиясидан самарали фойдаланиш таъминланди

Хорижий тажриба элементлари қўлланила бошланди

Давр янги талабларни қўйди

Ўқув-услубий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш зарурати юзага келди

Индивидуал иш (мустақил таълим) талабаларнинг ўқув машғулотларининг шаклларида бири бўлиб, ташкилий ва ўқув-методик жиҳатдан таъминланиши керак ўқитувчиларнинг вазифаси бўлиб, мазкур таъминотни ишлаб чиқиши, шунингдек мустақил таълим натижаларини назорат қилиши, консультациялар ўтказишдан иборат. Талабаларга келсак мустақил таълимга ажратилган фан программавий материаллари қисмини мустақил ўрганиши ва ўзлаштириши уларнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Мустақил таълимда ўрганилаётган материалнинг ҳажми эмас, балки асосий билимларни эгаллаш муҳимдир.

Таълим муассасаси таълимга иштиёқ уйғотиши, ўқувдан қониқиш ҳосил қилиши, ўрганиш имкониятини яратиши, қизиқувчанликни ривожлантириши зарур. Жак Делор.

Қуйида мустақил таълимни ташкил этишнинг турли шакллари кўриб чиқилади.

1. Дарсликлар ва ўқув-қўлланмалари бўйича фан боблари ёки мавзуларини ўрганиш (улар етарли миқдорда бўлганда). Ташкил этишнинг бундай шакли одатда мустақил тажрибага мутлақо эга бўлмаган 1-курс талабалари учун мақсадга мувофиқдир. Бу ишнинг натижалари семинарлар ёки коллоквиумларда, бажарилган рефератлар, индивидуал топшириқлар ва ҳоказоларда текширилади.

2. Маърузанинг муайян қисмини тарқатма материаллар бўйича ўзлаштириш ўқитувчига асосий материални баён этишга катта эътибор қаратиш имконини беради. Тарқатма материалнинг ҳажми машинка ёзувида ҳар бир маъруза учун 5-8 бетни ташкил этади. Мустақил таълимнинг бундай ташкилий шакли умумқасбий ва махсус фанларни мустақил ўрганишда мақсадга мувофиқдир, яъни қоидага кўра юқори курс талабаларига мўлжалланади. Мазкур ишнинг натижаси тегишли босқичларда рейтинг-назорат асосида текширилади.

3. Автоматлаштирилган таълим берувчилар ва назорат қилувчи системалар билан ишлаш ҳам маъруза дарслари доирасида ҳам, лаборатория ишлари ёки амалий машғулотларга тайёрланиш доирасида ҳам қўлланади. Мустақил таълимнинг бундай шакли барча курс талабалари учун мақсадга мувофиқ ва информация технологияси қўлланиладиган ОТМларда кенг тадбиқ этилиши мумкин.

4. Фан боблари ёки мавзулари устида ишлаш. Ҳисоблаш графика топшириқлари ёки рефератлар, курс ишлари ёки лойиҳалар, битирув малакавий ишлари бажаришда махсус ёки илмий адабиётлар (монография, мақолалар) бўйича амалга оширилади.

Мустақил таълимни бундай ташкилий шакли барча курс талабалари учун мақсадга мувофиқ. Унинг натижаси тегишли босқичларда рейтинг-назорат асосида текширилади.

5. Янги техника аппаратлари, кўп илм талаб қиладиган технологияларни ўрганиш. Бу малакавий амалиётни ўташда амалга оширилади. Ишнинг бундай шакли таълимнинг ишлаб чиқариш ва ИТИ билан жипс алоқасида мумкин. Натижалар малакавий амалиёт бўйича ҳисобот қабул қилишда текширилади.

6. Талабалар ТКБси ёки кичик корхоналарида ишлаш ўқитувчилар ёки мутахассислар раҳбарлигида давлат бюджети доирасида, шунингдек ОТМ хўжалик ҳисоби асосидаги мавзу доирасида ўтади. Мустақил таълимнинг бундай шакли, одатда, юқори курс талабалари учун хосдир.

7. ИТИни бажариш билан боғлиқ фан бўлимлари ёки мавзуларини чуқурлаштириб ўрганиш. Мустақил таълимнинг бундай шакли барча курс талабалари учун мақсадга мувофиқ.

8. Фаол ўқитиш усулларида фойдаланган ҳолдаги ўқув машғулоти (ишга алоқадор ўйинлар, мунозара, семинарлар, коллоквиумлар ва ш.к.) фан, техника ва технология, иқтисодиёт ва маданият долзарб муаммолари бўйича талабалар томонидан тайёрланади.

9. Ўқув режасидаги айрим фанлар бўйича экстернат.

10. Масофавий таълим.

Юқорида санаб ўтилган мустақил таълимнинг ташкилий шакллари, табиийки, унинг бутун кўламини камраб ололмайди. Бошқа шакллари ўқитувчи асосий мақсад-талабаларни ўқишга ўргатишдан келиб чиққан ҳолда тадбиқ этилиши керак.

Педагоглар камроқ ўқитишлари, таълим олувчилар эса кўпроқ ўқишлари лозим бўлган усулларни излаш ва кашф этиш дидактикамизнинг бош мезони бўлсин.

5.6. Таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш

«...баҳолашнинг йўқлиги ... бу йўналтирувчи таъсир эмас, балки, йўлдан чиқарувчидир.

Юқорида таъкидланганидек (4.2.4- §га қаранг) мунтазам назорат-юзга келадиган муаммони ҳали у жиддийлашиб улгурмасиданоқ аниқлаш ва ҳал қилиш учун зарур қайта алоқа. ЎТЖда мазкур қайта алоқа қуйидагилар учун мўлжалланган:

- режалаштирилган ўқув мақсадларини ўрганишда таълим олувчиларнинг ютуқларини белгилаш ва баҳолаш;
 - таълимнинг натижаси пастлиги сабабларини аниқлаш;
 - ЎТЖнинг боришини баҳолаш ва камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳаракатларни тартибга солиш йўллари ишлаб чиқиш.
- Ҳал этилаётган масалага боғлиқ ҳолда назорат уч турга бўлинади:
- жорий назорат-талаба эришган ютуқларни лаборатория ва амалий ишларни бажаришида, семинарлар ва коллоквиумларда, уй вазифаларини адо этишида аниқлаш ва баҳолаш;
 - оралик (ёки чегаравий) назорат-фан қисми ёки бир неча қисмларини ўз ичига олган маъруза машғулоти бўйича ютуқларни белгилаш ва баҳолаш;
 - якуний назорат-умуман фан бўйича ютуқни белгилаш ва баҳолаш (асосий қонуниятлар ва қоидалар, уларни амалда қўлланилиши, ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари ва ҳ.к.).

Юқорида кўрсатилган назорат турларини таълим олувчиларнинг ютуқларини белгилаш ва баҳолаш учун амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: оғзаки, ёзма ва (ёки) тест назорати. Назорат бу усулларнинг ютуқ ва камчилиги 8.01-жадвалда келтирилди.

Оғзаки, ёзма ва тест назоратининг ютуқ ва камчиликлари

Назорат тури	Ижобий	Салбий
1	2	3
Оғзаки	<p>Ташкилий жихатдан содда ва осон амалга оширилади. Таълим олувчилар билан педагогнинг шахсан боғланиши, суҳбат. Янада чуқурроқ текшириш учун педагогнинг қўшимча саволлардан фойдаланиш имкони. Талаба оғзаки жавобини ўзи тузади, шунинг учун ёзма назорат ишидагига қараганда кўп даражада ўқитувчи учун билим сифатининг белгиларини юзага чиқаради, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Бериладиган жавобни режалаштира билиш • Бунинг учун зарур билимни танлай олиш ва мунтазамлаштириш • Мазкур фан тилида ўз фикрини тўғри ифодалай билиш • Ўз фикрини мисоллар, далиллар билан тасдиқлай олиш ва агар керак бўлса ҳимоя қилиш • Мустақил фикрлай билиш <p>Баҳо объективлигини ошириш учун эксперт усулидан фойдаланишга йўл қўйилади (комиссияга)</p>	<p>Таълим дастури (стандарт)га нисбатан назорат сайланма тавсифга эгадир. Барча ўқувчилардан оғзаки сўрашни ўтказиш учун кўп ўқув вақти сарфланиши. Баҳо сезиларли даражада субъектив. Баҳолаш ишончилигини пастлиги. Баҳо, қоидага кўра тузилган жавобларга тақсимланмайди (нихоятда умумий ҳисобланади).</p>
Ёзма иш	<p>Ўқув материални ўзлаштириш даражаси ҳужжат асосида белгиланишига имкон беради. Назорат ишлари аниқ низомлари ишлаб чиқилганда баҳонинг объективлиги ошади. Назорат ишларини баҳолаш шартлари белгиланганда юқори аниқликка эга бўлинади. Таълим олувчига ўз фикрларини ёзма ҳолда баён этиш малакасини ҳосил қилади. Ташқи ёзма назорат анча юқори объективликка эга бўлади.</p>	<p>Ёзма ишларни текширишга педагог кўп вақт сарфлайди</p>
Педагогик тестлаш	<p>Объектив педагогик ўлчаш воситаси ҳисобланади, унинг натижаси тестлашни ўтказаетган шахсга боғлиқ бўлмайди (тестлаш тўғри ташкил этилганда). Технологиявий, нисбатан қисқа вақт ичида ўқув материали</p>	<p>Билимни назорат қилиш жараёнида педагогнинг таълим олувчи билан мулоқоти истисно қилади, бу таълим олувчининг жавобини оғзаки ифодалаш</p>

	<p>кўлами бўйича бутун синф (гурух)ни ёппасига назоратни амалга оширишга имкон беради. Ҳам тестлаш жараёнини, ҳам ишлаб чиқишни ва натижаларини расмийлаштиришни автоматлаштириш учун жуда қулай. Сканер (ҳисобловчи) қурилма ёрдамида тест натижаларини компьютерга киритиш ва кейинчалик натижаларни ишлаб чиқиш автоматлаштирилиши мумкин. Тест системалари компьютер адаптацияси (синалаётганда мослашадиган)дан фойдаланиш мумкин, буларда ҳар бир кейинги топшириш синалувчига аввалгисининг бажарилганлигини ҳисобга олиб берилади. Бундай системалар педагогик ўлчовни анча аниқ бўлишини таъминлайди.</p>	<p>имконидан маҳрум этади. Иқтидор ва билимни программадан ташқари материаллар бўйича намоён этиш имкони йўқ. Сифат тестларини ишлаб чиқиш қийин.</p>
--	--	---

Шундай савол туғилади: қандай ҳолларда назоратни у ёки бу турини қўллаш энг кўп самара беради?

Оғзаки назорат бир қатор функционал афзалликларга эга. У таълим олувчини ўз фикрини далиллар ва мисоллар асосида тўғри ифодалай олишини кўрсатишга имкон беради, ўқитувчиларга эса кўшимча саволлар бериб, билим кенглигини, ижодий фикрлаш даражасини ва мустақил фикрлай олишини аниқлашга ёрдамлашади. Мазкур усул Давлат аттестация комиссияси томонидан тегишли фанлар ва битирув малакавий ишлар бўйича таълим олувчилар билими, ўқуви ва малакасини назорат қилишда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Оғзаки назорат объективлигига келсак бунда у етарли даражада юқори, чунки Давлат аттестация комиссияси баҳолаш экспертиза усулидан фойдаланади.

Ёзма назорат ҳам оғзаки назорат сингари таълим олувчига ўз фикрларини баён қилишда амалий имконият беради. Бундан ташқари чет эллик тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра (8.01-расм) у ўрганилган материални бошқа усулларга нисбатан яхшироқ эслаб қолиш имконини беради (назорат ўқув жараёнининг давоми ҳисобланади).

Таълим жараёнида қалам ёрдамида ўзлаштирилган нарса қон-қонга, суяк-суякка сингиб кетади. Сенека.

Назоратнинг бу объектив ёзма иш тарзидаги усули билимларни, тингловчининг ўқуви ва малакаларини ўқув режасидаги кўпгана фанлар бўйича якуний назорат қилишда мақсадга мувофиқдир. У оралиқ назорат ҳам самарали.

Назорат ишларидан ташқари билимини ёзма баён қилишни талаба қуйидаги шаклда амалга оширади:

- лаборатория ишлари, амалий машғулотлар, коллоквиумлар ва ҳоказолар бўйича ҳисобот;
- мустақил таълим учун ажратилган мавзулар (ёки қисмлар) бўйича конспектлар;
- фанлар қисмлари (ёки қисми) у ёки бу саволлари бўйича, шунингдек мустақил таълим мавзулари бўйича аналитик рефератлар;
- уй вазибалари: ҳисоблаш, ҳисоблаш-жадвал ва бошқа ишлар;
- курс ишлари ва лойиҳалар;
- илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар (ТИТИ УИРС ва б.);
- малакавий амалиёт бўйича ҳисоботлар;
- битирув малакавий иши.

Билимлар, ўқув ва малакаларнинг баён этилган ёзма ишларининг шакллари, шунингдек у ёки бу фан бўйича уларнинг миқдори унинг ишчи режасида белгиланади.

Тест назорати (педагогик тестлаш) назорат энг объектив ва технологик усули ҳисобланади. У автоматлаштириш учун ниҳоятда қулай ва кўп вақт талаб қилмайди. Бироқ тест назорати оғзаки ва ёзма назоратнинг функционал афзалликларига эга эмас. Бундан ташқари сифатли тестлар ишлаб чиқиш. Қийинчилик билан боғлиқ. Бу усулнинг қисқа вақт ичида кўп сонли таълим олувчиларнинг билимларини ўзлаштириш даражасини текшириш зарур бўлганда жорий назорат ўтказишда қўллаган мақсадга мувофиқдир (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, коллоквиумлар ва ҳ.к.лардаги жадал назорат). У оралик назоратда ҳам қўлланиши мумкин.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганидек ЎТЖни назорат қилишда умуман назоратнинг барча усуллари (оғзаки, ёзма ва тест) бир-бири билан мувофиқлаштирилиши лозим. Уларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва қўллашга тизимли ёндашиш талаб этилади.

Назорат ўқув фаолияти турлари (маъруза, лаборатория иши, амалий машғулот, мустақил таълим, семинар, уй вазифаси ва ҳ.к.) бўйича ва фан қисмлари бўйича режалаштирилади. Мазкур матрица фан ишчи дастурига мувофиқ ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилади ва кафедра йиғилишида тасдиқланади. Унда назоратнинг барча усули кўзда тутилади:

- оғзаки, курс ишлари ёки лойиҳаларни ҳимоя қилишда, уй вазифаларида;
- ёзма, оралик ва якуний назорат вақтида назорат ишлари тарзида;
- тест, машғулотлар турли хили (маъруза, лаборатория иши, мустақил таълим ва ҳ.к.) бўйича жадал



назорат.

Талаба ўқув фаолиятини назорат қилишни режалаштириш-биринчи тизимли вазифани бажариш ҳисобланади. Иккинчи тизимли вазифа бўлиб, мазкур назорат, яъни биринчи топшириқни ўқув-методик жиҳатдан режалаштиришдан иборатдир.

Ўқув фаолияти турлари ва фан қисмлари бўйича назоратнинг режалаштирилган шаклини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли ўқув ва методик материаллар кўзда тутилган. Булар қуйидагилардир:

- ўқув адабиётлари, амалий машғулотлари учун ўқув қўлланмаси ва маърузалар конспекти:

- маъруза материаллари бўйича назорат ишларининг мавзуи ва тузилиши (оралиқ ва якуний назорат) ва амалий машғулотлар мавзуи ва тузилиши;
- ўқув фаолиятининг турли кўринишлари бўйича жадал назорат (тестлар, топшириқлар ва б.) учун материаллар;
- мустақил таълим, семинарлар ва рефератларнинг мавзуи;
- уй вазифалари, курс ишлари (ёки лойиҳалар) ва ҳ.к.ларни бажариш учун методик кўрсатмалар.

Кўрсатилган ўқув ва методик материаллар ЎТЖни ўқув-методик таъминлаш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан ишлаб чиқилади.

Хулоса қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин. Педагогик мулоқот жараёнида ўқитувчи ЎТЖни бошқариши бўйича ўз хизмат лавозими мажбуриятларини амалга оширади. Педагогик мулоқот самараси раҳбарият танлаган услуб ва талабани мотивлаш (муваффақиятни мотивлаш, муваффақиятсизликдан қўрқувни мотивлаш, касбий мотивлаш)га боғлиқдир. ЎТЖни бошқаришда муҳим восита бўлиб, мунтазам назорат («қайта алоқа») ҳисобланади ва у қуйидагилар учун белгиланади:

- ўқув мақсадини режалаштиришни ўрганишда таълим олувчиларнинг муваффақиятини белгилаш ва баҳолаш;
- таълим паст даражаларининг сабабини аниқлаш;
- ЎТЖнинг боришини баҳолаш ва камчиликларини бартараф этиш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштиришни ишлаб чиқиш.

ЎТЖни назорат қилишда оғзаки, ёзма ва тест назоратлари қўшиб олиб борилади, бунинг учун уларни режалаштириш, ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишга тизимли ёндашиш зарур.

Таянч иборалар

- | | |
|--|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • Ўқув-тарбия жараёни • Лойиҳалаш • Намунавий ўқув режа • Ўқув режаси • Педагогик мулоқат • Педагогик раҳбарлик • Рағбатлантириш • Мотивлаш • Гуманитар • Касбдан қониққанлик | <ul style="list-style-type: none"> • Мустақил ишлаш • Индивидуал иш • Таълим муассасаси • Таълимни ташкил этиш • Масофавий таълим • Фаол ўқитиш • Назорат қилиш • Назорат тури • Педагогик тестлаш • Тест назорати |
|--|--|

Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар ва топшириқлар

1. ЎТЖни қидирув тадқиқот ва лойиҳалаш нимадан иборат?
2. Педагогик мулоқот нима ва унинг самарадорлиги қандай таъминланади?
3. Ўқитувчининг автократик ва демократик иш услуби ҳақида сўзлаб беринг.
4. ЎТЖни бошқаришда раҳбар сифатидаги ўқитувчи ишларининг ўзига хослиги нимадан иборат?
5. Муваффақиятни мотивлаш ва муваффақиятсизликдан қўрқишни мотивлаш нима?
6. Касбий мотивлаш нима?
7. Мустақил таълимни ташкил этиш шакллари ҳақида сўзлаб беринг.
8. ЎТЖни мунтазам назорати нимага мўлжалланган ва сиз бу назоратни қандай турларини биласиз?

9. Оғзаки, ёзма ва тест сингари назорат турларининг қандай афзалликлари ва камчиликлари борлиги ҳақида сўзлаб беринг.

10. Талаба ўқув фаолияти назоратининг режалаштириш матрицаси ҳақида сўзлаб беринг.

11. Назоратни ўқув методик таъминлаш режасининг матрицаси ҳақида сўзлаб беринг.

6-МАВЗУ. ИНТЕЛЕКТУАЛ МУЛК БАҲОЛАШ ОБЪЕКТ СИФАТИДА ВА УНИ БАҲОЛАШ

Режа:

1. Иқтисодий таълим тизимини бошқаришга замонавий ёндашувлар
2. Таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация
1. Таълим муассасаларида инновацион бошқарувнинг зарурияти
2. Инновацион ривожланиш даражаси ва унда Ўзбекистоннинг иштироки

1. Компетенция тушунчаси ва педагогнинг касбий компетентлиги сифатлари

1. Педагог ходимнинг инновацион фаолияти тушунчаси
2. Таълим муассасаларида педагог ходимларининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

6.1. Иқтисодий таълим тизимини бошқаришга замонавий ёндашувлар

Таълимда инновацион менежмент - таълим муассасасини замонафив менежмент назариясига ахборот технологиялари воситаларини қуллаган ҳлда ташкилий бошқарув тизимининг узига хос туридир. Унга кура, илмий-техник ва иқтисодий фаолиятнинг алоҳида йўналишлари белгиланади.

Таълимда инновацион менежмент мазмуни:

- Таълим жараёнида инновацион фаолият режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- Таълим технологияларининг тараккий этган давлатлардаги усулларини қуллаш;
- Таълим жараёни самарадорлигини ошишига таъсир этадиган ахборот воситаларини қуллаш;
- Олий таълим тизимида умумий инновацион сиёсат юргизилишини таъминлаш;
- Бошқарув органлари ва бошқарув бугинлари уртасида масофавий муносабатларни электрон ахборот воситалари урнатиш;
- инновацион жараёнларни молиявий ва моддий ресурслар билан таъминлаш;
- инновацион жараёнларни амалга ошириш вазифаларини бажарадиган малакали кадрлар билан таъминлаш.
- Хорижий таълим тизимидаги инновацияларни бошқарув, таълим, билимларни назорат этиш, ўқув услубий курсатмалар яратиш, дарсликларнинг электрон мультимедияли авлодини яратишга тадбиқ этиш.

Илмий тадқиқот ишларида инновациялар иқтисодиётнинг устувор йуналишларига йуналтирилган бўлиши лозим. Бу соҳадаги инновациялар куйидагитурларга бўлинади.

Инновация турлари:

Радикаллиги (янгилиги) даражаси бўйича

- **базавий инновациялар**, йирик кашфиётларни амалга оширади ва техника ривожланишининг янги авлоди ва йуналишлари шаклланишининг асоси бўлади;

- **кучайтирилган инновациялар**, одатда кичик ва ўрта кашфиётларни амалга оширишда, илмий-техник циклни тарқатиш ва барқарор ривожланиш даврида устунлик килади;

- **псевдоинновациялар**, техника ва технологиянинг эскирган авлодини қисман кучайтиришга қаратилади.

Тадбиқ қилиш хусусиятлари бўйича: - янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишга йўналтирилган **маҳсулот инновациялари**;

- янги технологияларни яратиш ва тадбиқ қилишга қаратилган **технологик инновациялар**;

янги тузилмаларни ташкил қилиш ва фаолият юритишга йўналтирилган **ижтимоий инновациялар**;

- ўзгаришларнинг бир неча турини яхлит бирлиги бўлган **мажмуавий инновациялар**;

- янги бозорларда маҳсулотга, хизматларга бўлган талабни қондириш имконини берадиган **бозор инновациялари**.

Вужудга келиш омили (манбаси) бўйича:

- илм ва техника ривожланиши оқибатида вужудга келган инновациялар;

- ишлаб чиқариш оқибатида вужудга келган инновациялар;

- бозор талаби оқибатида вужудга келган инновациялар.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги аҳамияти бўйича:

- истеъмолчилар инновациялари;

- инвестиция инновациялари.

Миқёси бўйича:

мураккаб (сунъий) инновациялар

Бозор муносабатлари шароитида давлат тизимининг ижтимоий - иқтисодий соҳадаги муносабатлари тартибга солиш борасидаги асосий функционал вазифаси шахс, мол – мулкка эгаллик қилиш ва тадбиркорлик эркинлигини ҳимоялашдан иборат бўлади.

Бизнинг фикримизча, миллий иқтисодиётни ривожлантириш учун мамлакатимизнинг илмий-техник ва инновацион потенциални барқарор сақлаш ҳамда ривожлантириш зарур. Бунинг учун қуйидаги йуналишлар бўйича конкрет чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим бўлади:

- миллий иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида тўпланган илмий-техник потенциални реструктуризациялаштириш;

- амалдаги қонунчиликка инновацион соҳадаги фаолликни янада жадаллаштириш учун қулай шарт-шароит яратиш берадиган янги тузатишларни киритиш;

- илм-фанни ривожлантириш ва инновацияларни яратиш учун қаровсиз қолган, мақсадга мувофиқ равишда ишлатилмаётган мулк ҳисобидан алоҳида фондни яратиш;

- қиммат турадиган асбоб-ускуналардан фойдаланиб, илм-фан ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи инновацион фаолият субъектларини қўллаб-қувватлаш учун лизинг механизмларини жадал ривожлантириш;

- инновацион фаолият қўламларини кенгайтириш ҳамда мамлакатимизда капиталлар бозорини шакллантириб ривожлантириш учун банк кредитларини жалб этиш механизмларини янада такомиллаштириш;

- мамлакатимиз миқёсида яратиладиган инновацион лойиҳаларни рўёбга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни мувофиқлаштириб

бошқариб борадиган махсус инновацион марказларни яратиш;

- мамлакатимизнинг энг билимли, тажрибали профессионал илмий-техник ходимлари, олимлари ва мутахассисларидан таркиб топадиган инновацион лойихаларни ишлаб чиқиб уларни рўёбга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирларни режалаштирадиган, кейинчалик ушбу фаолиятни бошқариб турадиган институтни яратиш керак.

Бизнинг назаримизда, куйидагилар инновацион фаолият соҳасини давлат микёсида тартибга солиш инструментларига айлантирилиши мумкин:

- молия, нарх-наволарни ва пул муомаласини тартибга солиш, такрор ишлаб чиқариш ва хоказо соҳаларда амалга ошириладиган давлат сиёсатини юритиш учун асос бўладиган ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник прогнозлар;

- давлат-маъмурий, умумиқтисодий ва бозор регуляторлари;

- давлат микёсида иқтисодий жараёнларни оптималлаштириш дастурлари, баланслари ва модели;

- давлат буюртмалари ва замонавий контракт тизимлари;

- турли хилдаги мулк шаклига асосланган корхоналарнинг фаолиятини бошқаришнинг индикатив механизмлари ва регуляторлари;

- регуляторлар ва турли хил тузилмаларни интеграциялаштиришга ёрдам берувчи механизмлар.

Инновацион фаолият соҳасида давлат органлари амалга ошириши лозим бўладиган асосий чора-тадбирлар жумласига аксарият иқтисодчилар, яъни В.Фридлянов, Ю.А.Яковец куйидагиларни киритадилар:

- турли хил илмий изланишларни ва инновацияларни амалга ошириш учун зарур бўладиган маблагларни аккумуляциялаш;

- инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш;

- инновацияларни рағбатлантириш; инновацион соҳада рақобатчиликни кучайтириш; инновацион рискларни суғурталаш; маънавий жиҳатдан эскириб қолган махсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналарга нисбатан давлат томонидан жазо санкцияларини қўллаш;

- инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур ҳуқуқий базани (айниқса, инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқини ва умуман интеллектуал мулк ҳуқуқини химоялаш) яратиш;

- инновацион фаолиятнинг нормал кечиши учун зарур кадрлар таъминотиغا аҳамият бериш;

- илмий-инновацион инфратузилмани шакллантириш;

- давлат секторига қаршли барча тармоқлардаги инновацион жараёнларнинг нормал кечиши учун зарур институционал шарт-шароитларни яратиш;

- амалга оширилиши мўлжалланган инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналишли бўлишлигини таъминлаш;

- инновацион фаолиятнинг ижтимоий мавқеини кўтариш;

- инновацион жараёнларни регионал микёсларда тартибга солиш;


- инновацион жараёнларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасига оид алоҳида томонларини тартибга солиш.

6.2. Таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация

Ахборот-бу маълумот ва хабарлар тўплами бўлиб, мазмунан, янгилик унсурларига эга бўлади ва бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун ўта зарурдир. Ишончли ва зарур

ахборотларсиз бошқаришни амалга ошириб бўлмайди. Ахборотлар бошқарув негизи ҳисобланади?

Бошқарувчи ва бошқарилувчи тизимлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ахборот воситасида қуйидагича амалга оширилади.



1-схема. Бошқарув тизимидаги ахборот алоқалари.

Бошқарувчи орган бошқарилувчи объектнинг ҳолати ҳамда бошқарилувчи объект боғлиқ бўлган ташқи муҳит ҳолати ҳақида ахборотлар олиб туради. Бу ахборот бошқарувчи орган томонидан қабул қилинади ва шу ахборот асосида у бошқарувчи ахборот (қарор, буйруқ) ишлаб чиқади. Шундан кейин ахборот бошқарилувчи объектга таъсир ўтказадиган бошқарувчи тизимнинг ижроия органига юборилади ва бажарилиши назоратга олинади.

Шундай қилиб, бошқарув тизимида ахборотни узатиш, олиш, қайта ишлаш ва бериш жараёни амалга оширилади. Ишлаб чиқаришнинг бориши тўғрисидаги ички ахборот бошқарувчи тизимга муттасил келиб тушади. Бу:

- иш ўринларига хомашёнинг келиб тушиши;
- станок, ускуналарнинг ишлаши;
- ишчиларнинг ишлаб чиқариш нормаларини бажариши;
- тайёрланган буюмлар миқдори ва уларнинг сифати;
- маҳсулотларни сотиши ҳақидаги ахборотлар.

Ташқи ахборотлар, яъни:

- юқори ташкилотлардан олинadиган фармойиш, қарор ва топшириқлар;
- маҳсулот истеъмолчилари талаблари;
- бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари;
- рақобатдошларнинг хатти-ҳаракатлари;
- бозорлардаги ҳолат, улардаги мувозанат;
- инфляция ва ишсизлик даражаси;
- бюджетга тўловлар ва ҳоказоларга оид маълумотлар шу туркумдаги ахборотлар сирасига киради. Булар ташқи муаммолардан келиб чиқувчи ахборотлар ҳисобланади.

Агар корхона ичида ахборот оқимларининг келиши ва ташқи дунё билан алоқалар бузилса, корхонанинг яшаши хавф остида қолади.

Бошқаришда фойдаланиладиган ва бажарилиши учун узатиладиган ахборотларга қўйидаги талаблар қўйилади:

- ишончлилик;
- тушунарли, бир маънолилик;
- тезкорлик;
- тулиқлик;
- тежамлилик.

Ҳозирги даврда раҳбар бошқарув ишларида ташаббус ва омилкорлик кўрсатиши, оператив иш олиб бориши, вазият ўзгаришни ўз вақтида пайқаб олиш, ресурслар билан

маневр қила олиши, ҳар бир конкрет шароитда мақбул қарор қабул қилиши зарур. Бунинг учун раҳбар **ишончли ва мазмунли** ахборот олиб туриши лозим. Ортиқча, бефойда ахборот раҳбар ишини қийинлаштиради, ортиқча меҳнат ва вақт сарфлашга олиб келади.

Ахборот **тушунарли** бўлиши керак. Чалкаш, бир-бири билан таққослаб бўлмайдиган кўрсаткичлар тўғри раҳбарлик қилишга ва ўз вақтида қарор қабул қилишга путур етказилади.

Ахборотнинг ўз вақтида келиши ва ўз вақтида бажарувчиларга юборилиши, яъни **тезкорлиги** ҳам жуда муҳимдир. У бошқарув жараёнининг, бино-барин, ишлаб чиқаришнинг узлуксиз боришига ёрдам беради. Шунингдек, дастлабки ахборотни бошқариш турли мақсадлар учун осон ўзгариш, ундан бошқарувнинг барча бўғинларида фойдаланиш мумкинлиги, ахборотнинг узил-кесил ишланиш, қўшимча ишлов бермасдан фойдаланиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Зарур пайтда керакли натижа берадиган ахборотлар қимматли ҳисобланади. Кеч берилган ахборотлар ўз қимматини йққотади.

Ишлаб чиариш вазиятига тўғри баҳо бериш ва аниқ қарор қабул қилиш учун бошқарув органи ахборот билан **тўлиқ** таълим этилиши, ахборот ҳажми мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Ахборот етишмаслиги ёки ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши тезкор ва тўғри бошқаришга халал беради.

Ва, ниҳоя, бошқариш аппарати ходимлари қанчалик юқори малакали бўлса, ахборот қиммати ҳам шунчалик юқори ва тартибга солинган бўлади. Бошқариш органлари маълумотлар қабул қилувчи техника воситалари билан қанчалик мукамал таъминланган бўлса, раҳборларга ортиқча, бефойда маълумотлар шунчалик кам келиб тушади. Бу эса ўз навбатида ахборот оқимидаги **тежамкорликни** таъминлайди.

Бошқариш тизимининг муваффақиятли ишлашининг зарур шарти фақат тўғри алоқагина эмас, балки тесқари алоқанинг ҳам мавжуд бўлишидир. Тесқари алоқа ҳар қандай даражадаги тизимлар ҳаракатини рослаб туриш учун универсал механизм ҳисобланади.

Бошқарилувчи тизимдан бошқарувчи тизимга (бқйсинувчидан бошлиққа) келиб тушадиган ахборотни, яъни берилган фармойиш ва буйруқнинг натижалари тўғрисидаги ахборотни тесқари алоқа деб тушуниш қабул қилинган.

Бошқарув тизими унсурлари ичида мураккаб, кўп томонлама ва хилма-хил алоқалар мавжудлиги шароитида тесқари алоқанинг аҳамияти айниқса ортади. Бошқарувчи тизим фармойиш ёки буйруқ (топширик) бергандан кейин шу фармойиш ёки буйруқ қандай бажарилаётганлиги тўғрисида тесқари алоқа йўли бўйича ўз вақтида ахборот билан таъминланиб турилмаса, бошқариш жараёни бузилади ва бошқарув тизими бутунлай издан чиқади.

Ишлаб чиқаришни ва давлат бошқаришнинг барча даражаларида мустаҳкам тесқари алоқа мавжудлиги характерлидир. Оддий бир мисол. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал ривожланиши бўйича ишлаб чиқиладиган барча қонунлар албатта умумхалқ муҳокамасига қўйилади, уларга меҳнаткашларнинг мулоҳаза ва истаклари ҳисобга олиниб, қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилади.

Тесқари алоқа ёрдамида ахборотни жқнатувчи билан уни қабул қилувчи ўртасида алоқа ўрнатилади. Бу жараёнда ахборотни қабул қилувчи ахборот билан ўзаро алмашув жараёнининг барча босқичларини такрорлайди, натижада ахборотни юборувчи энди уни қабул қилувчига айланади, яъни ҳар иккала томон ўз вазифаларини ўзаро алмашгандек бўлинади.

Тесқари алоқа-бу эшитганга, ўқиганга ёки кўрганга нисбатан акс таъсир ёки таъсирланиш таянчи. Бунда мазкур ахборотни олган шахс шу ахборотга бўлган муносабатини, тушунганлиги ёки тқлиқ тушмаганлигини, қўллаб қувватлаши ёки инкор этишини шу ахборотни юборган шахсга билдиради. Бундай алоқа ҳар иккала томоннинг бир-бирини қанчалик тушунганини билиш учун зарур.

Раҳбар берилган топшириқ ёки айтилган сўз ҳар доим бқйсинувчилар томонидан бирдек қабул қилинади деб қйламаслиги керак. Бундай хато фикрга борувчи раҳбар ўзини реал воқеликдан узоқлаштиради. Тескари алоқани самарали ўрнатмаган раҳбарнинг бошқарув фаолияти заифлашади ва инкирозга юз тутлади.

Шов-шув ахборот алмашув жараёнида салбий таъсир кўрсатувчи унсурлардан ҳисобланади. Ахборотларни узатиш назарияси тили билан айтганда шов-шув-бу ғояни бузиб талқин қилишда намоён бўлади. Айтилган сўздан тортиб то уни қабул қилингунгача бўлган масофадаги турли тқскинлар, шов-шувлар ахборотни кодлаштириш ва декодлаштириш, шунингдек раҳбар билан бқйсинувчи ўртасидаги алоқа жараёнига катта таъсир ўтказиши мумкин.

Шу сабабли шов-шувни ҳам эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Ҳозирги даврда халқ хўжалигининг турли бўлинмалари фаолиятини бошқариш, энг аввало тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш турли-туман ахборотларга боғлиқ. Ахборотларнинг хилма-хиллиги ҳар бир бошқарув объектининг фаолияти кўп томонламалиги билан, бошқарув соҳалари ҳам турли туманлиги билан белгиланади. Булар эса пировард натижада ишлаб чиқариш жараёнлари миқёсининг катталиги, ўта мураккаблиги ва давом этиш суръатларининг юқорилиги билан боғлиқдир.

Бошқарув ахборотлари ўта турли-туман бўлагнлиги туфайли мазкур бошқариш қарорларини ишлаб чиқиш учун зарур ва етарли ахборотни танлаб олиш анча қийин. Барча ахборотларни ўзига хос белгиларга қараб тур ва гуруҳларга ажратиш, яъни классификация қилиш ёки таснифлаш бу қийинчиликни бартараф этиш ёки бир оз енгиллаштиришга маълум даражада ёрдам беради.

Туркумлаганда ахборот тизими ҳар томонлама соддалашади, шунингдек уни тқплаш, узатиш ва турларга ажратиш осонлашади, бунинг натижасида раҳбар ходимлар ахборот билан тқликроқ таъмин этилади. Барча ахборотларни куйидаги белгилар бўйича туркумлаш мумкин.

Ахборотлар турлари

Мазмунига қараб

- иқтисодий;
- ҳуқуқий;
- социал;
- техникавий;
- ташкилий;
- технологик ва ҳоказо.

Келиш манбаи ва фойдаланиш жойига қараб

- ички ахборот;
- ташқи ахборот;

Кимга мўлжалланганлигига қараб

- корхона учун;
- бўлим учун;
- цех учун;
- участка учун.

Барқарорлик характерига қараб

- оддий ахборот
- шартли-доимий ахборот;
- ўзгариб турувчи ахборот.

Фойдаланиш учун тайёрлигига қараб

- дастлабки ахборот;
- оралиқ ахборот;
- якуний ахборот;

Даврийлигига қараб

- сменали ахборот
- суткалик ахборот
- кварталлик ва ҳ.к. ахборот.


Бошқарув жараёнидаги вазифасига қараб

- директив ахборот
- ҳисобот кўринишида ахборот

Воқеаларнинг келиб чиқишини акс эттириш вақтига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • ҳисобга олиш бўйича ахборот • назорат қилиш бўйича ахборот • тарихий ахборот • жорий ахборотлар • перспектив ахборотлар
Мўлжалланганлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • бир мақсадли ахборотлар • кўп мақсадли ахборотлар, яъни кўп муаммоларни ечишга мўлжалланган ахборотлар.
Мустаҳкамлаш ва сақлаш имкониятига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • оғзаки ахборотлар • ёзма ахборотлар • овозли ахборотлар • тасвирли ахборотлар ва ҳ.к.
Муҳимлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • ўта муҳим ахборот (кўрсатма, қўллама) • муҳим бўлмаган ахборотлар ва ҳ.к.
Тўқлиқлигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • тўқлиқ, комплекс ахборотлар • тўқлиқ бўлмаган ахборотлар
Характерига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • индивидуал ахборотлар • функционал ахборотлар • универсал ахборотлар
Ишончлилигига қараб	<ul style="list-style-type: none"> • ишончли ахборотлар • эҳтимолли ахборотлар

Ишлаб чиқариш доимий ривожланишда бўлганлиги сабабли ахборот турлари, сони ва кўлами ҳам кўпайиб бораверади. Шу боис юқорида келтирилган туркумлашни тўқлиқ деб бўлмади. Барча бошқариш вазифаларини комплекс ҳал этиш учун ахборотлар ҳар бир бошқариш объектининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб аниқ туркумланади.

Ахборот тизимлари икки хил бўлиши мумкин.



2-схема. Ахборотлар тизими.

Оддий тизим. Ахборот пайдо бўлган жойдан истеъмол жойига келтирилади. Бундай ахборот телефон орқали ёки сигналлар воситасида келиб тушиши мумкин. Бу турдаги ахборот тизими қўйи бошқарув босқичига тўғри келади. Ёш жойидан мастерга берилган ахборот бунга мисол бўлаолади. Бундай ахборотга деярли ишлов берилмайди.

Мураккаб тизим. Бу тизим ишлаб чиқариш ва бошқарув таркибининг мураккаблиги билан боғлиқ. Бу ерда дастлабки ахборот юзага келади. Ишлов беришда ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланилади.

Мураккаб ахборот тизимининг ҳар хил даражада механизациялаш ва автоматлаштириш турлари қуйидагилардан иборат:

- **Ахборотларни тўқла ўзлаштириш даври.**

Бунда ахборот оддий механизмлардан фойдаланилган ҳолда бутунлай қайта ишланади.

- * **Аралаш ахборот тизими.**

Бунда ахборотни механизациялашган ва автоматлашган қурилмалари ёрдамида ўзгартиришларга эришилади. Бу тизим автоматлашган назоратни таъминлайди, баъзида

корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти устидан оддий бошқарув жараёнини амалга оширади.

*** Ахборот-маълумот тизими.**

Бунда кўз билан бажариладиган назорат учун баъзи бир маълумотларни бериш билан чекланади.

*** Кузатув ахборот тизими.**

Бу тизим автоматлашган назорат ва бошқарувни таъминлайди.

Кейинги иккала тизим асосан технологик жараёнлар тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш учун қўлланилади.

Ахборотлартизими - бу мураккаб тизим бўлиб, ўз ичига турли хужжатларни, ахборот оқимини, алоқа каналларини, техник воситалар ва автоматик бошқарув тизимларини олади. Бутун ахборотлар тизими аниқ ва доимий ишлаши лозим.

Ҳар бир раҳбарнинг услуги кўп жиҳатдан қарор қабул қилиш учун зарур ва етарли ахборотни олиш ва ундан фойдаланишда унинг шахсий ишлаш услуги билан белгиланади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш - бу ижодий жараён, ўзига хос бир санъат. У раҳбарнинг хилма-хил иш усулларида намоён бўлади. Бу усуллар эса раҳбарга ушбу соҳада оз омилкор кишиларнинг фикрини турли каналлар орқали аниқлаш ва бу фикрдан бошқариш жараёнида фойдаланиш имкониятини беради. У ўз фикрларини ҳар бир кишининг онига етказиш учун ҳам маълум хислатларга эга бўлиши керак.

Раҳбар суҳбатдошни шундай тинглай билиши лозимки, суҳбат натижасида иш ҳақида энг кўп даражада фойдали ахборот олиши керак. Бунга эса бошқаришнинг, айниқса ўз қўли остидагиларнинг фикрларига, сўзларига, таклиф ва танқидларига эътибор билан муносабатда бўлгандагина эришиш мумкин. Бқйсинувчи киши маълум ишини бевосита бажаради ва бу ишни бошқалардан кўра яхшироқ билади.

Шунинг учун раҳбар ўз қўл остидагилар билан суҳбат қилганида ўзи учун айниқса қимматли бўлган ахборотни олишни мўлжаллаши керак. Бунинг учун очиқ гаплашиш шартини яратиш лозим. Бегоналар бўлмаслиги лозим, телефон ққнғироқларини чеклаш ва хоказолар талаб қилинади.

Раҳбарнинг ёзишни билиши - аю фақат савдоли ёза билиши эмас, балки фикрни қисқа ва равон, яхши адабий тилда содда баён қилиш демакдир. Раҳбарликда бу ўз қарорини бўйсинувчига етказиш услубидир. Ишлаб чиқаришни бошқаришда ёзиш мумкин бўлган ҳамма нарсани, ёзиб қўйиши керак, деган қоида амал қилади. Бу бқйсинувчига ёзилганларга қараб ўз хатти-ҳаракатини аниқ текшириб бориш, раҳбарга эса қарорнинг бажарилишини назорат қилиб туриши имкониятини беради.


Раҳбар ўзига ахборот тайёрловчи ходимлар меҳнатини ташкил эта билиши, улардан омил?ореик билан фойдаланиши керак. Нотўғри, паст қийматли ахборот туфайли ёмон бошқарув қарори қабул қилишдан эҳтиёт бўлиши, энг муҳими унга келаётган ахборотларни саралаб олиш даркор. Функционал хизмат ходимлари, ёрдамчилар, референтлар раҳбарга энг зарур ахборотларни текшириб бериши мақсадга мувоффик бўлади.

Коммуникация - бу кишилар ўртасидаги ўзаро ахборот алмашувидир. Раҳбарлар қилаётган ҳамма ишлари ахборотларни самарали алмашишини талаб қилади. Яхши йўлга қўйилган коммуникация иш мувоффаўқиятини таъминлайди. Сўровлар шуни кўрсатадики, 73 фоиз а?ерикалик, 85 фоиз япон, 63 фоиз англиялик раҳбарлар коммуникация қўйилган мақсадга эришиш учун бош тўсиқ деб ҳисоблайдилар. Яна бир бошқа сўровга кўра 2000 турли компаниянинг 250 минг ходими корхоналарда ахборот алмашиш энг қийин масаладан бири деб билдилар.

Умуман ҳар бир раҳбар 50 дан 90 фоизгача вақтини коммуникацияга сарфлайди.⁵ Шу сабабли, шуни тасдиқлаш мумкинки, менежер фаолиятининг самарадорлиги энг аввало коммуникация самарадорлигига, яъни:

- *кишилар билан яккама-якка суҳбат олиб бориш қобилияти;
- *телефонда сўзлашув қобилияти;
- *расмий ҳужжатларни тузиш ва ўқий олиш қобилияти;
- *мажлисларда қатнашиш маданияти кабиларга боғлиқ.

Корхона (ташкilot) коммуникацияси - бу ўта мураккаб, кўп босқичли тизим бўлиб, ўз таркибига нафақат ташкilot ичидаги, шунингдек унинг ташқарисидаги ахборот алмашувини ҳам олади.



Ташкilot - бу давлат назорати ва бошқаруви остидаги объект бўлиб, у ўзидан юқори тегишли ташкilotларга (макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига) турли ҳисоботлар, маълумотлар, ахборотлар бериб туради.

Ташқи коммуникация - бу ташкilot билан ташқи муҳит ўртасидаги ахборот алмашувидир. Ташқаридан келадиган ахборотлар, жумладан юқори бошқарув органлари, ҳокимият, вазирлик, кўмиталар, Вазирлар Маҳкамаси, Президент девони ахборотлари бунга мисол бўлади.

Ички коммуникация - деганда корхона ичидаги бўлимлар ўртасидаги, корхона ички фаолиятини юргизиш учун зарур бўлган ахборот алмашуви тушунилади. Бу ерда бошқарув бўғинлари (вертикал коммуникация) ва бўлимлараро (горизонтал коммуникация) ахборот алмашуви амалга оширилади.

Раҳбар ва бўйсинувчи ўртасидаги коммуникация - бу ташкilotда энг кўп учрайдиган ахборот алмашувидир. Масалан, цех бошлиғи ёки мастернинг жамоа ва айрим ходимлар билан жонли алоқаси жуда юксак баҳоланади. Жонли алоқада раҳбар фақат ўз қарорини билдирибгина қолмай, бўйсинувчиларга таъсир кўрсатиш, уларда қарорни яхшироқ бажариш учун ташаббус ва ҳоҳиш уйғотиш мумкин. Ққполлик билан бақаришга, “сўкишга” ва ҳоказоларга асло йўл қўйилмаслик керак. Раҳбарнинг шахсий обрўси кўп жиҳатдан у ўз фикрини қай тарзда билдиришга, қандай сўзлашишга боғлиқ.

Ноформал коммуникация - бу раҳбар атрофидаги шов-шувлар, раҳбарнинг хизматга доир бўлмаган шахсий алоқалари, норасмий кана?лар билан ахборот алмашувлари киради. Бундай ахборот алмашуви ҳам бўлиши керак, аммо чегара доирасида.

Коммуникацион жараён - бу икки ва ундан ортиқ одамлар ўртасидаги ахборот алмашиш жараёнидир. Бу жараёнда тўртта базавий унсур қатнашади:

- ахборотни жўнатувчи;

⁵Мескон М.Х, Альберт М, Хедоури Ф. Основы менеджмента. Пер. С англ. М, Дело, 1995, стр. 166

- ахборотнинг ўзи (хабар);
- алоқа канали, яъни ахборотни узатиш воситаси;
- ахборотни қабул қилувчи.

Ана шу тўрт унсур бир-бири билан ҳамоҳанг ишлагандагина, ахборот ўз вазифасини бажаради. Ахборотларни алмашув жараёнида ҳар иккила томон (жқнатувчи ва қабул қилувчи) фаол рол қйнаши керак.

Комуникацион жараённи қуйидаги 6 босқич кетма-кетлигида бажариладиган ишлар мажмуаси тариқасида ифодалаш мумкин.

1. Ахборотни танлаш ва ғояни шакллантириш. Бу босқичда ахборотни қабул қилувчига қандай топшириқни, қайси ғояни бериш тўғрисида фикрлайди ва уни шакллантиради.

2. Ахборотларни кодлаштириш ва ахборот (хабар)ни шакллантириш. Бу ерда ахборотни жўнатувчи ўзининг ғоясини чизмаларда, график ва схемаларда, ёзма овозда ёки тасвирда кодлаштиради.

3. Алоқа қилиш каналини танлаш ва ахборот (хабар)ни узатиш. Кодлаштириш билан бир қаторда ахборотни узатувчи коммуникацияг? мувофиқ равишда узатиш каналини танлайди. Шундай каналлар туркумига: почта, телефон, телефакс, электрон почта, компьютер шохобчаси ва бошқалар киради.

4. Декодлаштириш ва ахборотни қабул қилиш. Декодлаштириш деганда узатилаётган хабарни ахборотни қабул қилувчи фикрига ўтказиш, белгиларда ифодалаш тушунилади. Агар бир томон ахборотни таклиф этса, иккинчи томон уни ҳеч қандай тўсиқсиз қабул қилса ахборот алмашган ҳисобланади. Аммо ҳар хил тўсиқлар сабабли, ахборот етказилгунча йўл-йўлакай турли шов-шувларга дуч келиб асл моҳиятини йўқотиш мумкин. Шу сабабли тесқари алоқа ҳам мавжуд.

5. Ахборотни талқин қилиш ва жавобни шакллантириш. Бу босқичда ахборот узатувчи билан ахборотни қабул қилувчи ўз ўринлари билан алмашинадилар. Ахборотни қабул қилувчи олган ахборотни талқин қилади ва жавобни шакллантиради.

6. Жавобни узатиш. Шакллантирилган жавоб танлаб олинган канал орқали ахборотни узатганга қайтиб узатилади ва шу билан комуникацион жараён тугайди. Ҳозирги пайтда энг муҳим коммуникация воситаси сифатида компьютерлар хизмат кўрсатмоқда. Улар ёрдамида ахборот тқпланади, дастурлар тузилади, маълумотлар банки ҳосил қилинади. Компьютерлар нафақат ишлаб чиқаришни бошқариш учун, балки иқтисодиётнинг барча жабҳалари учун ўта зарур.

Шуни қайд қилиш лозимки, шахслар аро ахборот алмашув жараёнида айрим муаммолар туғилиши мумкин. Бундай муаммолар туркумига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- Идрок қилишдаги руҳий фарқ;
- Маънавий (семантик) тўсиқ;
- Но верБал имо-ишоралар;
- Филтрлаш;
- Алоқа каналларининг хаддан ташқари кўпайиб кетиши;
- Номақбул ташкилий структура (таркиб).

Маълумки, кишилар бир хил маълумотни ўзларининг билим даражалари, хаётий тажрибалари, қизиқиш доиралари, Эҳтиёжлари, **хиссий туйғуларининг** турличалигидан ўзларича турлича талқин қиладилар ва қабул қиладилар. Бу ўринда раҳбар билан бўйсинувчи ўртасидаги муносабат ҳам муҳим рол қйнайди. Бир-бирига ишонч ва ўзаро бир-бирини англаш бор жойда ахборот кқлами кенгаяди, уларнинг аниқлиги ошади, жавобгарлик ҳам бир хилда бўлади.

Маънавий (семантик) тўсиқ узатилаётган ахборотни кодлаштиришда қўлланилган белги (символ)ларнинг ахборотни қабул қилувчилар дидларига (уларнинг

лавозимлари, мавқейлари, минталитет, миллий урф-одатлари нуўтаи назардан) мос тушмаганлигида намоён бўлади.

Символ (белги)лардан ташқари ахборотлар билан алмашув чоғида **но вербал**, яъни оғзаки ёки сўзда эмас, балки имо-ишоралар, масалан, чехра, совлат, важоҳат, гапириш маҳалида товушнинг ўзгариб туриши кабилар ҳам бажарувчига айтиладиган сўз моҳиятини тубдан ўзгартирилган ҳолда етказилишига сабаб бўлиши мумкин. Рухшуносларнинг фикрича, сўз билан айтиладиган ахборотнинг 90 фоизигача қисми сўз орқали эмас, балки но вербал йўл билан қабул қилинар экан.

Филтирлаш - ахборотнинг истеъмолчига тез етказиб бериши ва уни ихчамлаштириш, ноҳуш “маълумотлар” дан тозалаш мақсадида а?бирот содалаштирилади, қайта ишланади, тегишли жамлар чиқарилади. Бундан ташқари куйи бўғиндаги раҳбарлар, ўзлари хоҳламаган, аммо юқори бўғиндаги раҳбарлар билиши шарт бўлмаган ахборотларни юбормайдилар. Шу тариқа ахборотлар филтирланади.

Алоқа капиталларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ҳам коммуникацион жараёнга салбий таъсир кўрсатади. Бундай муаммо ахборотларни қайта ишлаш ва уларни узатиш воситаларнинг етишмовчилиги ёки уларнинг но мукамаллиги оқибатида содир бўлади.

Но маъқул ташкилий структура ҳам коммуникацион жараёнда муаммо туғдирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Қанчалик бошқарув бўғинлари кўп бўлиб, функциялар, вазифалар ва ваколатлар бир-бирини кўп такрорласа, шунчалик ахборотнинг манзилга етиб бориши секинлашади. Натижада шу давр ичида ҳар бир бўғинда ўзига мақбул бўлган “тузатишлар” киритилади. Бу жараёнда бўлимлар ва бўғинларда содир бўладиган ихтилофлар ахборотлар алмашуви ва қарорларни қабул қилишга жиддий тўсиқларни яратади.

Ахборотни узатиш ва қабул қилиш кўп жиҳатдан самарали қулоқ солиш санъатига эга бўлиш даражасига боғлиқ. Америкалик олим профессор Кит Дэвис самарали қулоқ солиш санъатининг 10 қоидасини келтиради. Қоидаларни навбатма-навбат ўқиб, бир зум ўзингизни холи тутинг. Юзма-юз гаплашаётган аниқ кишини кўз олдингизга келтиринг ва ўқиган қоидаларга не чоғлик риоя қилганингизга баҳо беринг.

Самарали қулоқ солишнинг 10 қоидаси

- | | | |
|---|---|--|
| Сўзлашдан тўхтанг | • | Ўапира туриб қулоқ солиш мумкин эмас. Ҳар бир кишига шивирла аммо ҳеч кимга овоза қилма” деган нақл бор. |
| Сўзловчига ўзини эркин тутишга ёрдамлашинг | • | Гапирувчи кишига ўзини эркин тутиши учун шароит яратинг. Кўпинча буни ҳал қилувчи муҳитни яратувчи деб аташади. |
| Ўзингизни сўзловчига қул?қ солаётганингизни кўрсатинг | • | Ўзингизни манфаатдор эканлигингизни кўрсатинг ва шунга мос равишда ҳаракат қилинг. Сўзлашув жараёнида газета, журнал ўқиманг. Эшитатуриб унга рад қилиш баҳоналарини изламасдан, балки уни тушинишга ҳаракат қилинг. |
| Ғашга тегадиган ҳолатларни бартараф қилинг | • | Расм чизиб турманг, столга урманг, қоғозларни бир жойдан иккинчи жойга кўзғатаверманг, эҳтимол эшикни ёпиб қўйилса, хонада сокинлик бўлади? |
| Бардошли бўлинг | • | Вақтни аяманг. Сўзлагувчини бўлманг. Чиқишга зўр берманг, эшик томон қадам босманг. |
| Сўзловчига ҳамдард бўлинг | • | Сўзловчини ўзингизнинг ўрнингизга қўйиб кўринг. |
| Характерингизни сақлай билинг | • | Ғазабланган киши суҳбат мазмунига ноаниқлик киритиш пайида бўлади. |
| Баҳсга ва танқидга йўл қўйманг | • | Бундай ҳол сўзловчини ҳимояга ўтишга мажбур қилади. У жим бўлиб қолиши ёки жаҳлланиши мумкин. Айнан баҳсда қолиб чиқиб, бу билан ютқазган бўласиз. |

- | | |
|-------------------|--|
| Саволлар беринг | • Бу сўзловчини илҳомлантиради, у сизнинг уни кулоқ солаётганингизга яна бир бор иқроқ бўлади. Бу олдинга жилишга ёрдам беради. |
| Сўзлашдан тқхтанг | • Биринчи маслаҳат ҳам шундан бошланган. Охири ҳам шу билан тугайди. Зеро, қайд қилинганларнинг барчаси шунга боғлиқ. Сиз гапиришдан тқхтамас экансиз, демак самарали кулоқ солишни ҳам билмайсиз. |

Табиат одамга иккита кулоқ, аммо фақат битта тил ато этган. Оҳистагина айтмоқчи бўлсак, бу деган сўз - гапиришдан кўра кўпроқ эшитиш керак. Эшитиш учун иккита кулоқ зарур: бири - сўз моҳиятини қабул қилиш, иккинчиси - сўзловчи ҳиссиётини илиб олиш учун керак.

Кулоқ солишни истамайдиганлар асосли қарорлар қабул қилиш учун етарли ахборотни олишга муваффақ бўлмайдилар. Ўзингизнинг кулоқ солиш қобилиятингизни қстириш ниятида бўлсангиз сўзлашувдан сўнг ўзингизга ўзингиз баҳо беришга ҳаракат қилинг. Бунинг учун шу жараёнда қайд қилинган 10 қоидага биноан қандай самарали иш қилганингизни ўзингиздан сўранг. Шундан сўнг қайси қоидалар устида ишлашингиз ва ўзингизни такомиллаштиришингиз аён бўлиб қолади.

6.3. Таълим муассасаларида инновацион бошқарувнинг зарурияти

У ўзининг "Иқтисодий ривожланиш назарияси" номли асарида инновацияларни иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантиришнинг асосий шартлари сифатида аради. Шумпетер "тадбиркорликнинг инновацион назария"сини яратди ва иқтисодий ривожланишда новатор-тадбиркорнинг ролини юори баолади, "инновация" атамасини 1911 йилда илмий атамалар аторига киритди. У уйидаги бешта ўзгаришда тадбиркорлик руи билан рабатлантирилган янги фан-техника омиллари йииндисини назарда тутди:

1. Янги техника, янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришнинг янгича бозор таъминотини ўллаш.
2. Янги хусусиятларга ега маҳсулотни жорий илиш.
3. Янги хом ашёдан фойдаланиш.
4. Ишлаб чиқаришни ташкил илиш ва унинг моддий-техника таъминотидаги ўзгаришлар.
5. Янги сотиш бозорларининг пайдо бўлиши. Демак, Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорларнинг роли янги товарлар ишлаб чиқариш ва ески товарларни янги услубда ишлаб чиқариш учун ихтиролардан фойдаланиб, янги хом ашё ва материаллар манбалари ёки янги бозорларни очиб амда соани айта ташкил етган олда ишлаб чиқаришни исло илиш ва инилоблаш- тиришдан иборат. Ўша даврда темир йўллар қурилиши бошланиши, электр энергияси ишлаб чиқариш, автомобилсозлик ривожини кабилар тадбиркорларнинг янгиликлардан фойда олишга интилишига ёрин мисол бўла олади.

Саймон Кузнетснинг Нобел мукофотида сазовор бўлган маърузаси инновацияларнинг иқтисодий ўсиш билан ўзаро болилик муаммосига бағишланган. Унда инновациялар назариясига Ёзеф Шумпетер ғояларини ривожлантирувчи атор янги ёндашувлар айд етилган, яъни биринчидан, Саймон Кузнец битта тарихий даврдан иккинчисига ўтиш асосини ташкил иладиган "даврий" тушунчасини жорий етди.

Индустриал даврда иқтисодий ўсиш суръатларини инилобий жадал- лаштириш, унинг фикрига кўра, даврий янгилик билан боли илм-фанни жадал ривожлантириш ўсишнинг янги манбаига айланди. Иқтисодчи олимлар арашлари асосида инновацияларнинг мазмуни, моиятини англаб олган олда айтиш мумкинки, инновацион иқтисодиёт жамият учун фойдали ар андай инновациялардан (патентлар, литсензиялар, ноу-хау,

ўзлаштирилган ёки шахсий янгиликлар, янги технологиялар ва оказолар) самарали фойдаланишга одир иқтисодиётдир.

Барарор иқтисодий ўсиш шароитида инновациялар еркин рақобат натижаси исобланади. Уларни ишлаб чиқиш манбаи, шунингдек, рақобат бўлмаган жойда инновациялар ҳам бўлмайди. Мамлакатимизда бу борада изчил ишлар амалга оширилмода. Хусусан, 2014 йил “Соғлом бола йили”, деб эълон қилиниши ҳқам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан ички бозорда сифатли товар ва хизматлар янада кўпайтирилиши ва мамлакатимиз экспорт салоҳияти кучайишига имкон беради.


У инновацион фаолиятни цикллилик шароитида ва эски товарлар ва технологияларнинг уларнинг ўрнига келувчи янги технологиялар билан рақобатлашуви шароитида кўриб чиқиш зарурлигини исботлаб беради. Яъни инновациялар – бу эски смена ўрнига келувчи янги ишлаб чиқариш функцияси исобланади.

Инновацион иқтисодиётнинг асосий тамойиллари ва белгилари. Ривожланишнинг инновацион тизимида миллий инновацион тизимнинг шаклланиши алоида еътиборни талаб илади. Миллий инновацион тизим тушунчаси инновацион иқтисодиётнинг муим белгиси сифатида фанга ХХ асрнинг 70-йилларида кириб келди.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинувчи янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишда, сақлашда, тарқатишда ва янги технологияларга айланишида қатнашувчи иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (кадриятлар, меъёрлар, ууларнинг) мураккаб тизими исобланади.

Бу бойлик яратишда фойдаланиш мумкин бўлган билимлар, тажриба,- ташкилий имкониятлар, информация, информацион каналлардир.

Интеллектуал капитал — бу қийматга айланрилиши мумкин бўлган билимлар, бошқача сўз билан айтганда, бу ишчи ва хизматчиларнинг ега бўлган билим ва кўникмалари йиғиндиси ва ташкилотнинг рақобатбардошлигини шакллантирадиган билимлар мажмуасидир.



Билимлар иқтисодиёти - бу шундай иқтисодиётки, унда корхона стратегик ривожланишининг асосий ресурси бўлиб интеллектуал капитал, ишчи ва хизматчиларнинг имкониятлари, корхонага тегишли уникал ташкилий билимлар, товар яратишда уни ишлаб

чиқарувчидан истеъмолчига етиб боргунгача бўлган барча босичларидаги инновациялар хизмат илади⁶.

Юртимизда мустаиллик йилларида маҳаллий, табиий доривор ўсимликларни кўпайтириш ва масулдорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотларга эътибор берилиши билан бирга доривор ўтлар ва ўсимликлар, синтетик хом ашё асосида янги доривор воситаларни ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий илмига устуворлик берилди.

Бугунги кунгача республикамизда 40 та номдаги оригинал дори воситалари, 1400 дан ортиқ савдо номдаги 200 та генерик дори воситалари ишлаб чиқилган. Умуманхоzirги кунда мамлакатимизда 149 та фарматсевтика корхоналари фаолият кўрсатмода ва улар томонидан 1482 номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилмода. Ваоланки, мустаилликкача республикамизда фақатгина 2 та фарматсевтика корхонаси фаолият кўрсатган бўлиб, улар томонидан 30 га яин номдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган.

Шу ўринда фраксиямиз аъзолари давлат инновацион дастурлари доирасида фарматсевтика соҳасида 16 номдаги янги доривор воситаларни (аюстан, олигвон, апикапсалвин, тселагрип, мегосин в.б.) маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариш ташкиллаштирилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

Биргина Фанлар академиясининг илмий ташкилотлари томонидан «Ўзфармсаноат» ДАК билан амкорликда амалга оширган лойиҳалар асосида 12 номдаги дори воситаларни ишлаб чиқариш бўйича инновацион технологиялар жорий етилиб, жами 1,5 млрд.сўмлик янги дори воситалари ишлаб чиқарилган. Жумладан, Ўсимлик моддалари кимёси институти томонидан ишлаб чиқилган «Аллапинин», «Медамин», «Галантамин», «Албендазол» ва «Тефестрол» дори воситалари «Ўзкимёфарм» акциядорлик жамиятида жорий етилди. Шунингдек, бутун дунёда оир ижтимоий касаллик дея тан олинган ОИТС касаллигини профилактикасида ўллаш учун мааллий Иммуно-5 воситасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ВИЧ 1-2 ва р24 антигенни анилаш учун тўртинчи авлод иммунофермент тест-тизимларни, ошозон ярасини даволашда қўлланиладиган Гастрофит воситасини ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёни якунланди.

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантиришга устуворлик берилиши ва бу устуворлик амалиётини таъминлаш учун фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника дастурлари доирасида илмий ишлар олиб борилиши республикада бу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларни янада чуурлаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда ушбу йўналишда инновация жараёнини ривожлантириш имконини бермода.

Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар соасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатда кимё саноатини ривожлантириш, саноат ва урилиш учун замонавий материаллар яратиш ва ишлаб чиқариш борасида ўз самарасини кўрсатмода. Масалан, Фанлар академияси амда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий ва олий таълим муассасалари «Ўзкимёсаноат» ДАК билан амкорликда бир атор янги инновацион технологияларни кимё саноатига жорий етди. Жумладан, Марказий қизилкум фосфоритидан «азотфосфорли ўит» олиш технологияси «Навоиазот» акциядорлик жамиятида, янги нитрокалтсийфосфатли ўғит ишлаб чиқариш технологияси – Самарқанд кимё заводида жорий етилди. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғитнинг озуқалик даражаси суперфосфатникидан икки баравар кўп бўлиб, у айниқса, шўрланиши юқори бўлган майдонларда яхши самара беради.

⁶ Suzanne Berger. A Preview of the MIT Production in the Innovation Economy Report. February 22, 2013

Бундай мисолларни иқтисодийимизнинг боша барча соҳаларида амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар борасида ҳам келтириш мумкин. Лекин, юртбошимиз таъкидлаганларидек, барча ютуқлар ва эришилган марралар ўзимизники, биз энди олдимизда турган долзарб вазифаларга кўпроқ эътибор аратдик. Хусусан, фраксиямиз аъзоларининг фикрича, мамлақтимиз етакчи илмий муассасалари базасида йирик корхоналар ва банклар билан корпоратив асосда технологик парклар ташкил этиш, соҳада фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаш, инновациялар соҳасида уларнинг ишлаб чиқишдан тортиб то иқтисодий тармоқларида жорий этилишигача бўлган босиқларда тезкор ва электрон ахборот коммуникатсион (таъминоти) тизимини яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

6.4. Инновацион ривожланиш даражаси ва унда Ўзбекистоннинг иштироки

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат илмий-техника сиёсатининг моияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодий тармоқларини тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга кўмаклашишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модел вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади”⁷ деб таъкидлаган еди.

Илм оламида илмий (илмий-тадқиқот), илмий-техник фаолият ва экспериментал (тажриба-конструкторлик) ишлаб чиқариш йўналишлари мавжуд. Жумладан, фундаментал илмий-тадқиқот ишлари, экспериментал ва назарий фаолият-жамият ва табиат ривожланишининг асосий қонуниятлари тўрисида янги билимлар яратишга аратилган бўлади. Илмий-техник фаолиятда технологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш ва янги билимни яратиш, ўллаш ва кенг жорий этишга аратилган бўлиб, илмни, техникани, ишлаб чиқаришни ягона тизим сифатида фаолият кўрсатишни таъминлашга кўпроқ эътибор берилади.

Илмий фаолият давлат сиёсатининг энг фаол соҳаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб олади. Айтиш жоизки, илмий ғоя бевосита хўжалик фаолиятида ўлланилиши мумкин эмас. Шунинг учун ташкилотлар тадқиқотларни молиялаштиришга секинлик билан ёндошади, унга катта етиёж сезса ам. озирги шароитда давлат бизнеснинг таъминлаш функциясини, анирои илмий билимлар ва ғоялар билан таъминлашни ўз зиммасига олмаққда. Айнан шунинг учун илор мамлакатлар расмий ушжатларида илмий-техника тарайёти ягона занжир, илмий ғоя ишлаб чиқариш, инновация бизнесини кенг кўламда ўллаш ёки фойдаланиш сифатида аралади.

Бозор иқтисодийи шароитида нафақат ички, балки ташқи бозорда ам харидоргир, илм талаб ва юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўрни катта. Шу боис бутун дунёда янги ва илор технологияларнинг бозор қиймати ошмоққда. Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга. ҳар йили истикболли илмий ғоя ва лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат грантлари ажратилмода. Давлат илмий-техник дастурлари доирасида рўёбга чиқарилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар жаҳон илм-фани учун ҳам катта аҳамиятга егадир. Олимлар ўз ишларини, биринчи навбатда, иқтисодий ва ижтимоий соалар олдида турган ани вазифаларни ҳал этишга йўналтираётир. Бунда янги, истикболли ишланмаларни аётга татби этиш ишлаб чиқариш ва илм-фанни ривожлантиришга ёрдам беради. Яъни, интеллектуал маҳсулотларни

⁷Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1991.

синовдан ўтказиш, янада такомиллаштириш масадида ишлаб чиқариш базаси амда илмий изланишларни чуурлаштиришга йўналтириладиган ўшимча маблаларга эга бўлиш имконияти кенгайди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш жамиятимизнинг барча жабҳаларида ислоотларни чуқурлаштириш жараёнининг ўзаро боғлиқҳамда зарур бўғинларига айланади.

11-расм. Миллий инновацион тизимида АКТлар⁸

Мамлакатнинг миллий инновацион тизими илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) жалб қилинган илмий ходимларнинг фаолият юритишлари учун зарур бўлган



коммуникация технологиялари ва мамлакатда интеллектуал шахсий мулкни ҳимоя илиш, ишбилармонлик шароитини яратиш, инновацион жараёни ташкил этиш, янги лойиҳаларни вужудга келиши учун зарур бўлган шароитни

яратади.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновация лойиҳалари ва технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этишни рабатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги

№916-сонли қарорини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикасида 2008, 2009, 2010 ва 2011 йилларда “Инновацион ғоя, ишланма ва технологиялар” амда “Саноат ярмаркаси ва корпоратсион биржа савдоси” ярмаркалари “Ўзэкспомарказ”нинг кўргазма павилонларида ўтказиш анъанага айланиб олди. Бунда мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ошидаги олий ўқув юртлари ва коллежлари, уларнинг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси илмий-текшириш институтларининг олимлари ва тармоқ институтларининг олимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси хал хўжалигининг барча тармолари учун бажарилган илмий-тадқиқот ишлари, импорт ўрнини босувчи локализатсия қилинган (мааллийлаштирилган), экспортбоп товарлари билан ҳамда республикаимиз ва хорижий тармо ишлаб чиқарувчи саноат, агросаноат вакиллари ярмаркада атнашувчи вакиллар билан ўзаро амкорлик шартномаларини тузиш ва амкорлик ўрнатиш бўйича истиқболли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилаётган ярмаркаларнинг бош мақсади фан сиғими юқори бўлган, юқори технологик ишлаб чиқаришларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан кичик инновацион тадбиркорликнинг барарор ривожланиши учун шароит яратиш; республиканинг илмий, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари илмий-техник салоҳиятидан мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш йўлида самарали фойдаланиш; корхоналарнинг инновация фаоллигини ошириш, инновация фаолиятини кенгайтириш учун инвеститсияларни жалб қилишга кўмаклашишдан иборат.

Ярмаркада тақдим этилаётган ишланмаларнинг аксарияти мамлакат иқтисодиётининг асосий тармолари учун бевосита аамият касб этади ҳамда ушбу маҳсулотнинг истеъмолчилари ва буюртмачиларини изитиради, ишлаб чиқарувчилар ва

⁸<http://www.shkp.ru>

тадбиркорларнинг кенг доираси учун фойдали бўлади. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш тўғрисидаги келишувлар ва янги хўжалик шартномаларини тузиш учун хизмат қилади.

Юоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинади:

- инновация ғоялари ва лойиҳаларини тақдим этиш;

- саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш манфаатларидан келиб чиқиб, фан, ишлаб чиқариш ва сармғоялар интегратсиясини таъминлаш;

- илмий-техника соҳасидаги корхоналар ва ихтисослашган фирмаларнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- илмий ва амалий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий илиш, корхоналарнинг технологиялари ва маҳсулотларини ватанимиз ва хориж бозорларига олиб чиқиш бўйича тармоқлараро алоаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

- бюджетдан ташқари молиявий маблағларни тўплаш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда уларни бозорга чиқариш жараёнига жалб қилиш.

Намойишга қўйилаётган амалий, инновацион ва илмий-техник лойиҳалар ҳамда ишланмаларнинг асосий қисми экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи амда юқори самарали маълумотлар, машиналар, препаратлар ва дунё тажрибаларига мос келувчи бошқа фан сиғими юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга имкон берувчи маҳсулот ва технологияларни яратишга аратилиши лозим.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг озирги олати миллий иқтисодиётда инновацион ўзгаришларни амалга ошириш суръатларини жадаллаштиришни талаб этади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмодаки, фаол, самарали инновация ва маркетинг стратегиялари мамлакат иқтисодий ва табиий омилларидан оилана фойдаланиш оралигина амалга оширилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг инновацион шаклланиши, энг аввало, иқтисодий ўсишни таъминловчи тармоқлар исобига юз беради, бу еса ўзнавбаотида мамлакат иқтисодиётини хомашё экспорт илишини камайитириш билан бирга уни айта ишлашни ривожлантиришга, валюта маблаларининг тежалишига ва аҳоли бандлигининг ошишига сабаб бўлади. Ушбу омиллар ўз навбаотида мамлакатнинг жаҳон амжамиятидаги ўрнини мустакамланишига олиб келади.

Инновация у ёки бу фаолият соасида самарадорликни ошириш учун инсоннинг интеллектуал мулк ютулардан (кашфиёт, ихтиро, илмий ва конструкторлик лойиҳалари ва ҳоказо) фойдаланиш натижасида олинган моддий ва номоддий масули бўлиб, у мос равишда технологик, иқтисодий, екологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ууий ва боша турларга бўлинади. Инновациялар дунёси инсон фаолияти соҳалари каби ранг-баранг ва турли-туман кўринишга ега.

Инсон интеллектуал билимларининг ривожланишидаги асосий ўсишлар узок муддатли ўсишнинг асосий манбаи бўлиб, дунёда кенг тарқалган ва даврга хос янгиликлар деб аташ мумкин.

Инновацион ўзгаришлар амал қилиш майдонига кўра инсон фаолиятининг барча соалари ва жамиятнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олади. Бошланч, энг кўп ўрганилган технологик инновациялар қуйидагилар ҳисобланади: ишлаб чиқариш янги технологик усулининг шаклланиши асосида ётувчи инновациялар; технологик укладлар ва техника (технология) авлодларини ўзгартиришга турки бўлувчи базис инновациялар; янги техника моделлари ва технология модификациялари ёрдамида янги бозорларни ўзлаштиришга хизмат қилувчи яхшиловчи инновациялар.

Илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар ривожлантирилиши амда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларига

табқиқ этишни рағбатлантириш бўйича амалий механизмлар яратиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг янада мустакам алоасини таъминлаш масадида, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотлари амда реал иқтисодиёт тармолари корхоналари ўртасида узвий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда инновацион ғоялар...

12-расм. Лойиҳалар Республика ярмаркасининг аамиятини исобга олган олда:⁹



1. Шундай тартиб ўрнатилдики, унга мувофиқ Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ҳар йили ўтказилади.

Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасининг ҳар йили ўтказилишини ташкил қилиш Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи

иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни

мувофиқлаштириш ўмитаси зиммаларига юклатилгандир.

2. Ўрта муддатли истиқболда инновацион маҳсулотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари комплекси мувофи тасдиланган.

3. Тасдиқланган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш амда Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини юори даражада ўтказиш ишларини мувофилаштириб бориш учун мувофиқ таркибда Мувофилаштирувчи ишчи гуруи тузилган.

Мувофилаштирувчи ишчи гурух, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Вазирлар Мақамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофилаштириш ўмитаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари мазкур арор билан тасдиқланган чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминланиши кўзда тутилган.

4. Амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга кенг татби етилишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар ва боша хўжалик бирлашмалари куйидагиларни: хўжалик юритувчи субъектларнинг амортизацион ажратмалари ва соф фойдаси, шунингдек буюртмачиларнинг масадли тушумлари шакллантириш манбаларидан иборат бўлган модернизация ва янги технологиялар жамармаларини; тармоқ ва корхонани инновацион ривожлантиришга жавобгар бўлган таркибий бўлинмалар, зарур ҳолларда эса — лойиҳа-конструкторлик бюрларини ташкил этишда хўжалик бошқаруви органлари ҳамда корхоналарга кўмаклашиши кўзда тутилган.

5. куйидагилар ташкил етилаётган хўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантириш таркибий бўлинмаларининг асосий вазифалари етиб белгиланган:

замонавий ускуналар ва технологияларнинг халаро ва мааллий ишланмаларини ўрганиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татби этишнинг ар йилги ва ўрта муддатли дастурларини шакллантирилган; мааллий амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар

⁹<http://www.stage-gate.ru>

жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш; амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётига татби этиш.

Мазкур таркибий тузилмалар фаолиятига татби етилган лойиҳалар ва ишланмалар сони, шунингдек улардан олинган иқтисодий самарага араб бао берилиши лозим.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Вазирлар Мақамаси узурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофилаштириш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Хўжалик бошаруви органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамармаситўрисидагинизомнибелгиланган тартибда ишлаб чисин ва тасдиласин.

7. Модернизация ва янги технологиялар жамармасига йўналтириладиган маблалар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан илмий амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни, тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқэтишни молиялаштиришда фойдаланилади.

8. 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўув ва илмийтадқиқот муассасалари амда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга ошириладиган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш исмида даромад солии, ягона соли тўлови, ўшилган иймат солии ва давлатнинг масадли жамармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташари) тўлашдан озод етилган.

9. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини айта жиозлаш ва тўли жиозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси тасдилаган рўйхатлар бўйича модернизация илиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиимларидан ташари) озод етилди.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2009—2012 йиллар мобайнида давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бораётган илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг илмий, технологик ва лаборатория ускуналарини модернизация илишга маблалар ажратилишини назарда тутилди.

Ўзбекистонда билимлар иқтисодиёти асосида миллий инновацион тизимларнинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар.

Мамлакатимизда барарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масадида иқтисодиётнинг инновацион ривожлантириш тизимига ўтиш жараёни амалга оширилмода. Бундай ривожлантириш тизимининг маркази миллий хўжалигимиз мажмуининг бошланич даражасига – корхоналар, фирмалар, компаниялар, корпоратсиялар, актсиядорлик жамиятлари даражасига кўчмода, айнан шу даражада кашфиётлар, ихтиролар ва илмий тадқиқотлар янги урилган ёки янгиланган цех ва корхоналарда янги технологияларга, маҳсулотга, техникага, ахборот коммуникатсияларига айланмода.

13-расм. Иқтисодиётда инновацияларнинг роли.¹⁰



Иқтисодиётнинг озирги босичида ривожланган мамлакатлар тараққиётда инновацион фаолият орқали муҳим ўрин егаллаб турибди. Бу еса замонавий иқтисодиётда инновацияларнинг роли янада ўсганлиги, улар борган сари иқтисодий

ривожланишнинг асосий омилига айланиб бораётганлигидан далолат. Иқтисодий иттиҳотлар соасида тадқиқотлар ўтказган олимларнинг фикрича, инсоният тарихи давомида инновациялар иқтисодий ўсишнинг аракатлантирувчи кучи, яъни иқтисодий ривожланиш учун туртки бўлиб келган. Иқтисодийда инновацияларнинг роли ортиши биринчидан, бозор муносабатлари табиати билан, иккинчидан, барарор ўсиш йўлига чишиш учун мамлакат иттиҳотида чуур ислоотларни амалга ошириш зарурати билан белгиланган. Рақобат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда компаниялар “инновация” тушунчаси билан кўпроқ тўнаш келмода. Инновацияларни яратиш билан бевосита шуулланувчи мутахассислар ушбу атама кенг тарқалганини айд этмоқдалар. Биро амалиёт унинг хаийи маъносини али амма ам тушуниб етмаганини кўрсатмода. 25 - илмий техника-технология, бошариш ва менатни ташкил этиш каби соалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соалар ва фаолият доираларида ўлланилиши, деб таъриф берилган. Демак, “инновация” сўзи “янгилик” (“новатсия”) ва “янгилик киритиш” (инноватсия) маъноларини англатади. Инновациялар тўрисидаги илмий қарашлар ривожини ўз тарихига ега бўлиб, классик, неоклассик мактаб вакиллари томонидан изчил ўрганилган.

Классик иқтисодий мактаб вакили, танили англиз иқтисодчиси Адам Смит (1729–1790) иқтисодий муносабатларни тартибга солиш ва талаб билан таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш нафақат бозор тизими, балки нархларни пасайтириш ва сифатни яхшилаш ортали ортиб бораётган эҳтиёжни ондириш билан бир аторда бунини янги технологияларга ўтиш, яъни инновациялар ёрдамида самарали амалга оширувчи рақобат капитализмнинг ташкилий механизми бўлиб хизмат илишини айд етган. Агар иқтисодий ўсишни таъминлашда корхоналар инновациялардан истеъмол учун кураш жараёнида амалий омил сифатида фойдаланаётганини исобга олсак, Адам Смитнинг ушбу таълимоти озирги кунда ам долзарблигини салаб турибди. Инновацион амалиёт кўп минг йиллардан буён мавжуд бўлишига арамай, инновацияларни илмий жиатдан махсус ўрганиш фаат ХХ асрда бошланди. Рус иқтисодчиси Н.Д. Кондратов иқтисодий иттиҳотнинг юксалтиришнинг инновацион йўли назариясини ривожлантиришга улкан исса қўшди. У инновацияларни даврийликнинг сабабларидан бири сифатида айд етган. Америкалик иқтисодчи ва жамиятшунос Ёзеф Алоис Шумпетер Кондратов¹¹ сингари иқтисодийда инновацияларнинг ролини оширишга катта хисса қўшган.

Бугунги кунда республикамизда илмий-тадқиқот олиб борувчи 400 дан зиёд корхоналар рўйхатга олинган. Кейинги 10 йилда илмий-техника дастурларини амалга оширишда 224 та илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўув юртлари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, тажриба-конструкторлик ва кичик инновацион марказлар қатнашиб келмоқдалар. Ўзбекистоннинг илмий потентсиали 37 минг кишидан зиёд, унда 2549 фан доктори, 9254 фан номзоди ва 15,7 минг тадқиқотчилар мавжуд. Илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 45 та илмий тадқиқот институтларида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг (ОЎМТВ) 36 та олий таълим муассасасида (ОТМ), Солини салаш вазирлигининг 34 та илмий ташкилотларида, ишло ва сув хўжалиги вазирлигининг 30 та илмий ва ўув институтларида, 79 та илмий ва инновацион марказларида ва бошқа улар таркибига кирмайдиган лойиҳа ва тажриба-конструкторлик ташкилотларида олиб борилмоқда. Илмий кадрларни тайёрлашда дастурий ёндашув амалга оширилиб, таълим босқичларида ислохотлар чуқурлаштирилмода.

¹¹ Suzanne Berger. A Preview of the MIT Production in the Innovation Economy Report. February 22, 2013

Ўзбекистонда таълим соасига давлат харажатлари нисбий жиҳатдан юкори хисобланади. Кейинги 10 йил мабойнида уларнинг даражаси ЯИМнинг 10 фоизидан ортини ташкил этди. Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бошача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ар йили 35 фоиз маблақ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмода[1]. Шунингдек, республикаимизда илмий, илмий-техник ва инновацион потентсиални яратиш ва тараққий эттириш соҳасида катта ишлар амалга оширилмода. Фан тизимини бошқаришни такомиллаштириш, илмий-инновацион фаолиятнинг қонуний ва норматив ууий асосини кенгайтириш, академик ва олий таълим тадқиқотларини такомиллаштириш чоралари амалга оширилмоқда, ишлаб чиқаришнинг инновацион характерини ошириш, ахборот ва инновацион инфратузилмаларини яхшилаш, янги илмталаб корхоналарни яратиш, янги юори технологияларни жорий этиш ишлари анча фаоллашмоқда.

Минтақаларда илмий лойиҳаларни ташкил этиш ва жорий этиш масадида инновацион фаолият ва технологиялар трансферига масъул худудий марказлар ишлаб турибди. Марказлар илмий-техника соасидаги мустақил агентликлар бўлиб, улар еркин ва демократик тарзда бошарилади. Бошарув таркибига маҳаллий ҳокимиятлар, корхона, илмий ва ўув юртларининг вакиллари киради. ҳозирги кунда республикаимизда инновацион фаолият ва техника трансфери бўйича 8 та худудий марказ фаолият олиб бормоқда. Улар қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Кашадарё, Фарона, Андижон, Наманган вилоятларида жойлашган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси аида гапирадиган бўлсак уларда “билимлар иқтисодиёти”нинг шаклланишида давлатнинг фан соҳасидаги буюртмасидаги улуши камайиб, йирик корпоратсияларнинг илмий бўлимлари, кичик ва ўрта миқёсдаги илмталаб фирмаларнинг мамлакат илмий-техник ривожланишидаги иссаси ортиб бормода. Республикаимиздаги инновацион тараққиёт давлат, кичик бизнес ва фуаролик жамиятлари институтларининг тизимли ва масадга йўналтирилган ҳаракатларига таянган ҳолда давом этмоғи лозим. Бу мақсадларни амалга ошириш учун ОТМда инновацион фаолият, инновацион менежмент, технологиялар трансфери ва тижоратлаштириш, интеллектуал мулк назарияси ва ҳуқуққий асослари, инновацион лойиҳаларни бошқариш, бозорга йўналтириш соҳаларида фаолият юритувчи кадрлар тайёрланиши зарур, ОТМларида шундай курс ва ўув дастурларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Инсон ресурсини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган ёндашув билимлар жамияти контсептсиясини ташкил қилади ва ашшоликка арши кураш самарадорлигини таъминлаб, ривожланиш сиёсати асосини яратган ҳолда, инсон ҳуқуқлариҳамда асосий еркинликларига тўли риғоя илишни таъминлаши лозим. Негаки, билим ва ривожланиш ўртасидаги болилик билимлар жамиятини барпо этиш учун асос бўлиб, билим иқтисодий еҳтиёжларни қондириш воситаси ва ривожланишнинг ажралмас бир бўлаги саналади. Ривожланаётган билимлар жамияти марказида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръати ашшоликка арши кураш, фуаролик ва сиёсий ҳуқуқларни илгари суриш мақсадлари ўртасидаги ижтимоий боғлиқликни яққол намоён етади.

Сўнгги йилларда янги одисалар ва тушунчаларни ўрганадиган кўплаб илмий адабиётлар пайдо бўлди. Биринчи навбатда, билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланишга байшланган таржима ишларини қайд этиш лозим. Билимларга асосланган иқтисодиётга бевосита тааллули бўлмаган айрим нашрлар интеллектуал капитал ва билимлар менежменти назариясининг у ёки бу жиатларини ишлаб чимода. А.А.Динкин,

Н.И.Иванова, С.М.Климовнинг ишлари ушбу мавзудаги дастлабки Россия нашрлари сирасига киради. 2003 йилда Россия Федератсияси Президенти узурдаги Россия давлат хизмати академиясининг муаллифлар жамоаси иши чоп етилди. Шу йили А.Н.Козирев ва В.Л.Макаровнинг фундаментал иши, шунингдек, билимлар иқтисодиёти бўйича ўв ўлланмаси нашр етилди. БМТ Ривожланиш Дастурининг Россияда билимларга асосланган жамият ташкил топишига бағишланган 2004 йилги йиллик тўплам мамлакат илмий ғоясига жиддий ўзгариш киритди¹².

6.5. Компетенция тушунчаси ва педагогнинг касбий компетентлиги сифатлари

Замонавий фанда ходимларни бошқариш назарияси ва амалиётини таҳлил қилишда компетенция тушунчасига муҳим аҳамият берилмоқда. *Компетенция* – ходимнинг компания кутаётган даражада ва белгиланган таркибда ишлаб чиқариш хулқини мунтазам равишда намойиш қилишга тайёрлик қобилияти. Компетенциялар тизимини яратишда ташкилот ходимларнинг фаолиятига тааллуқли муҳим мезонлар мажмуасини стандарт талабларга асосан тузади. Шунингдек, компетенция ходимларнинг ташкилотда ҳам профессионал, ҳам ижтимоий жиҳатдан тенглиги хусусида гувоҳлик беради.

XX асрнинг 90-йилларида мутахассисларга малакавий талабларни қуёвчи “Халқаро меҳнат ташкилоти” малака ошириш ҳамда бошқарув ходимларни касбий қайта тайёрлашда “таянч компетенция”лар деган тушунчани фанга киритди. Таянч компетенциялари турли хил касбий бирлашмаларда мутахассисларнинг ижтимоий-профессионал жиҳатдан таъминланиши ҳамда фаолиятга мослашишида ходимларнинг хизмат вазибаларидан келиб чиқиб ўзига хос характер касб этади.

Компетенциялар – 1) ташкилот миқёсида қабул қилинган стандарт хулқ-атвор; 2) менежернинг ташкилот миқёсида қабул қилинган стандартларга мувофиқ иш кўра олиш қобилияти.

Компетентлик (билимдонлик) – 1) у ёки бу саволнинг жавобидан хабардорлик; 2) ишда керакли натижаларни қўлга киритиш юзасидан зарур қарорларни қабул қила олиш қобилияти.

Компетенция шахснинг юриш-туришини баҳолашга оид билимлар мажмуи бўлиб, у орқали ташкилотни самарали ривожланиши йўлида ходимнинг ўз фаолиятини амалга оширишида қандай даражадаги муваффақиятларга эришаётганлигини аниқлаш мумкин. Компетенцияларнинг мавжудлиги одатда, шахс хулқ-атворини ўлчовчи (индикаторлар ёрдамида) муайян ҳолатлар орқали қайд қилинади (яхши шаклланган хулқ-атвор ва малакалар).

Г.Миролюбова ўзининг “Менежерлар маданий компетенцияларининг ривожланиши” (2005) деб номланган ўқув-услугий кўлланмасида бошқарувчининг таянч компетенциялари хусусида замонавий, илмий жиҳатдан асосланган қатор фикр-мулоҳазаларини таъкидлаб ўтади. Шу боис ҳам, даъвогарнинг *лавозимга лойиқлик мезонлари* хусусида гап кетганда, мутахассислар олдида бошқарувчи шахсига хос қуйидаги таянч компетенцияларни аниқлаш ёки ўрганиш масаласи кўндаланг туради:

- *Профессионал компетенция* – бу ўзи бошқараётган соҳа фаолиятини мукамал даражада йўлга қуйиш учун ташкилот миссиясини аниқлаштиришга хизмат қилувчи мавжуд маълумот, билим ҳамда малакаларга эга бўлишлиқдир.
- *Услугий компетенция* – бу раҳбарнинг билган нарсалари, шахсий малака ва

¹² Suzanne Berger. A Preview of the MIT Production in the Innovation Economy Report. February 22, 2013

кўникмалари, турли лойиҳалар хусусидаги маълумотлар ҳамда топшириқларни тез, тўғри ва тушунарли (оператив) тарзда ходимларга етказа олиш қобилияти.

- *Ижтимоий-психологик компетенция* – бу шахснинг ижтимоий-психологик ходисалар ҳамда муомала қонуниятлари, ўзгаларни билиш, тўғри идрок қилиш, дилидагини англаш ва шу асосда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш борасидаги саводхонлигидир.
- *Аутопсихологик компетенция* – бу раҳбардаги шундай малакалар мажмуиқи, улар бошқарувчини ўз касбий ҳамда шахсий сифатларини диагностикалаш, яъни ўзини-ўзи диагностика қилиш, ўзини-ўзи тузата олиш (коррекциялаш), ўзини-ўзи такомиллаштира олиш, ўзига-ўзи мотивация бера олиш, ҳар қандай маълумотдан самарали фойдалана олиш, психоллингвистик компетенциялар билан боғлиқ қобилиятдир.
- *Ижтимоий-информацион компетенция* – бу раҳбардаги ахборот технологиялари билан ишлай билиш ҳамда ижтимоий информасияларга нисбатан танқидий муносабда бўла олишга эгаллиги.
- *Коммуникатив компетенция* – бу бошқарувчининг турли тилдаги оғзақи ва ёзма муомала технологияларини ўзлаштирганлиги ҳамда компютерда дастурлаш ва Интернет орқали муносабатга кириша олиш қобилияти. Айрим мутахассислар томонидан ижтимоий-психологик компетенция тушунчаси кўпинча ОАВда “коммуникатив компетенция” тушунчаси билан синоним сифатида ҳам ишлатилади.
- *Когнитив компетенция* – бу раҳбарнинг маълумот даражасини оширишга тайёрлиги, ўзининг шахсий имкониятларини фаоллаштиришга эҳтиёжмандлиги, янги малака ва билимларни мустақил равишда яратиш ҳамда ўзини-ўзи ривожлантириш қобилияти демакдир.
- *Махсус компетенция* – бу бошқарувчининг профессионал хатти-ҳаракатларни мустақил тарзда бажаришга тайёрланиш ва ўз меҳнати натижаларини баҳолай олиш қобилияти.
- *Маданий компетенция* – бу менежернинг ташкилот нормалари ва кадриятлари орқали хулқ-атворини бошқаришга тайёрлик қобилиятига эгаллиги. Шунингдек, муносиб бўлмаган вазиятлардаги хатти-ҳаракатларда мақсадга еришиш учун стандарт вазиятларни сақлаб қолиш ва зарур бўлганда уларни янгилари билан алмаштира олиш саводхонлиги.

Педагогнинг касбий компетентлиги

Компетентлик (лат. *competens*) – фаолият талабларига мос келиш, яроқлилик, лаёқатлилик мазмунини ўз ичига олади.

Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф. Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди¹³. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба,

¹³ Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.

Ўзини ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади. Юқорида қайд этилган фикрларни таҳлили педагогнинг касбий компетентлигини шахсий, ижтимоий креатив, методик компетентлик каби қатор ўзига хос хусусиятлар мажмуаси сифатида тўлиқ изоҳланишига имкон беради.

Шахсий компетентлик – шахснинг ижтимоий дунёқараши, илмий ва интеллектуал салоҳияти, креативлиги, шахслараро мулоқот- муносабатларига фаол кириша олиши, конфликтларни ҳал этишга тактик ёндашуви, касбий фаолият талабларига мувофиқ шахсий ва касбий сифатларининг шаклланганлик даражаси, фаол ҳаётий ва фуқаролик позициясининг қарор топганлиги каби мезонлар билан белгиланади.

Методик компетентлик - ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнларини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, касбий фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, илғор педагогик ва халқаро тажрибаларни ўрганиш, ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаштириш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмалари билан тавсифланади.

Креатив компетентлик (инглизча “create” – яратувчанлик, ижодкорлик) – янгилик яратиш, ижодкорлик, ташкилотчилик каби кўникмаларга эга бўлишдир. Креатив компетентлик фақат янги ғояларни яратиш учунгина эмас, балки шахснинг ҳаёт тарзи ёки ички дунёсининг ривожланишида муҳим ўрин тутаяди.

Информацион компетентлик – замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситасида шахсий ва касбий фаолияти билан боғлиқ маълумот, ахборотларни мустақил излаш, таҳлил қилиш, танлаш, қайта ишлаш ва зарурий ахборотларни узатиш кўникмаларининг шаклланганлик даражасидир.

Инновацион компетентлик – таълимдаги инновацион жараёнлар моҳиятидан хабардорлик, касбий фаолият соҳаси ва тегишли таълим йўналишидаги инновацияларни ўзлаштириш, амалиётга фаол татбиқ этиш, замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги саводхонлик, чет тилларни ўзлаштириш, новаторлик фаолиятида кўринади.

Мазкур жараёнларда педагог шахсининг касбий фаолият соҳасига йўналганлиги, шахсий имкониятлари, касбий билим, малака, кўникмалари, касбий сифатлар ва меҳнат тажрибаси ўртасидаги уйғунлик ва инновацион жараёнларнинг фаолият соҳасига нисбатан интеграциялашувини таъминланиши инновацион компетентликни ривожлантиришдаги етакчи омиллар сифатида баҳоланади.

Мутахассиснинг касбий компетентлиги – унинг касбий тайёргарлиги ва касбий етукликлигини баҳоловчи меъёр касбий сифатлар ва меҳнат тажрибаси ўртасидаги уйғунлик ва инновацион жараёнларнинг фаолият соҳасига нисбатан интеграциялашувини таъминланиши инновацион компетент.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар

Жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ўқитувчи шахси ва унинг касби билан боғлиқ хислатларга қаратилган.

Ўқитувчининг энг муҳим шахсий хислатлари қўйидагилардир:

- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиш;
- олижаноблиги, ақл-фаросати, маънавий пок ва маърифат бўйича юксак мақсадларга мос келиши, бундай хислатларни жамият хоҳиши бўйича болаларга сингдириб бериши;
- ўзини қўлга ола билиши, сабр-тоқатли, матонатлигидир.

Жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўядиган асосий талаблари қўйидагичадир:

- шахсни маънавий-маърифий томондан тарбиялашнинг миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларининг моҳиятини билиши, болаларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз ватани, табиати ва оиласига бўлган муҳаббати;

- кенг билим савиясига эга бўлиш, барча соҳаларга доир билимлар билан куролланиши;
- ёш педагогик психологик, ижтимоий психология ва педагогика ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;
- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касби соҳасида жаҳон фанида эришилган ютуқ ва камчиликлардан хабардор бўлиши;
- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;
- ўз ишига иқтисодий ёндашиши;
- болаларни билиши, унинг ички дунёсини тушуна олиши;
- педагогик техникани (мантиқ, нутқ; таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши;
- ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб боришидир.

Ижод (креативлик, инглизча “creativity” — яратувчанлик) — бу таърифлаш мураккаб бўлган сўз. Агар инсон қандайдир бир ғайриоддий ва шу билан бир вақтда аҳамиятли ва фойдали нарса яратган бўлса, “бу-ижод” дейилади. Шундай қилиб ижод жараён сифатида эмас, балки унинг оқибати орқали аниқланади.

Ижод тушунчасининг ягона таърифи йўқлиги шу билан боғлиқки, одамлар “ғайриоддий”, “яхши” ва “фойдали” деб нимани аташ мумкинлиги ҳақида ягона фикрга эга эмаслар, шу сабабли бу тушунчалар жуда нисбий. қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ. Бинобарин, нима учун ижод тутқич бермайдиган, сирпаниб чиқиб кетадиган муҳокама предмети эканлигини осон тушуниш мумкин. Бирон бир ғоя ёки қандайдир бир фаолият натижаси ижодий деб эътироф қилиниши учун аввалам бор, уни атрофидагилар ғайриоддий, яхши ва фойдали, — деб тан олишлари зарур. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ижод тушунчасида вақтлар ўтган сайин муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

Гарднер ижодга берган таърифида яна бир шартни қўшди. У ижодий инсон албатта узлуксиз равишда ижодий масалаларни ҳал қилиши ва ижод маҳсулотларини яратиши шарт деб ҳисоблайди. Бу қўшимча шарт ижодий жараёндаги “омад” тушунчасини сиқиб чиқаради, чунки узлуксиз натижа ҳисобланаётганда фавқулодда ва жуда кам бажарадиган ҳаракатлар эътиборга олинмаслиги керак. Лекин биз қайси таърифни танлаб олмайлик, барибир барчамиз ижодга эҳтиёж сезамиз ва у ёки бу даражада ижод қиламиз. Ижодий фаолият бизнинг кундалик ҳаётимизни жозибалироқ қилади: фан ва санъатни ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди; ижодсиз математика ва бошқа фанлар тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз ҳар доим мураккаб фикрни ифодалаганимизда ёки оқ қоғозни матн билан қорайтирганимизда ижод қиламиз. Агар биз шу ишни самарали ва ғайриоддий тарзда удаллай олсак, бизни расмона ижод кишиси, — деб аташ мумкин.

Ҳозирги замон психологлари шундай хулосага келишдики, Эйнштейн, Мария Кюри ва Моцарт каби ижодий гигантларда “ҳеч қандай ғайритабiiийлик” мавжуд бўлмай, уларнинг ижодини кундалик оддий жараённинг давоми деб қараш мумкин. Вайсберг ҳар доим ижодни оддий ҳодиса, — деб қарашни ҳимоя қилар эди. Бунга мисол тариқасида темир ва симлардан ясалган абстракт скульптуралари билан машҳур бўлган рассом Александр Кальдер (1898—1976) нинг таржимаи ҳолини келтиради. Ёшлигида Кальдер симлардан ўз синглисига безаклар ясаган. Унинг ота—онаси рассомлар бўлиб, фарзандларига санъат дарсини ўтар ва бола ёшлигидан отаси яратган ҳайкаллар ва онасининг чизган расмлари билан куршалган эди. У абстракционист — вақти билан машҳур ўз ишларида “кучли” соф ранглар ва абстракт кашталардан фойдаланган рассом, Пит Мондрианнинг устахонасида кўп бўлиб турар эди. Шунинг учун рассом томонидан шу болаликнинг барча ҳаётii таасуротлари ёрқин абстракт конструкцияларда ўз ифодасининг топганлиги ҳеч қандай кутилмаган ҳодиса эмас.

Ижодий жараёнда инсон кўп ҳам бирор нарсани исбот қилишга ҳаракат қилавермайди, балки барча имкониятларидан фойдаланиб, муаммонинг ечимини

илгарилатишга уринади ва фақат янги ғояга келгандан сўнг уни ҳақиқийлигини ва аҳамиятлилигини исботлашга киришади.

Ижодий фикрлаш “сакраб” бирорта янги ҳолатни эгаллашга ва кейин танлаб олинган натижани англашга имкон беради.

Гипотезалар, фаразлар ёки ивотариқа ғоялардан фойдаланиб кескин ижодий сакрашни амалга ошириш мумкин. Айрим ҳолларда ахборот тақчиллигида етишмаётган тафсилотларни ўйлаб топишга мажбур бўлинади. Ижодий фикрлаш жараёнида фаразлар ва тахминларни илгари суриш ахборотлар олишга ва ғояларни пайдо бўлишига янги йўллар очади.

Фақат ахборотларни таҳлил қилишгина, янги ғояларни пайдо бўлиши учун етарли эмас. Бунда ақл, фойдаланишга олдиндан тайёр қилиб қўйилган, яъни эски ғояларнигина кўриши мумкин. Шунинг учун фаразларни илгари суриш санъатини ривожлантириш зарур. Уларнинг диапазони етарли даражада кенг яъни тўла асосланган тасдиқ (гипотезалардаги каби)дан тортиб то кўп ҳолларда, ҳатто, тўғрига ўхшашликка даъво ҳам қила олмайдиган мантиксиз фаразларгача бўлиши мумкин.

Мантиксиз ғоя муаммога бошқа томондан нигоҳ ташлашга имкон беради. У янги йўлларни таклиф қилмайди, лекин эски ва топталган йўллардан чиқаради.

Ижодий фикрлашдан фойдаланиб “сакраганда” фикрлашдаги икки ҳолатни бирлаштирувчи “сўқмоқ” очилади. Инсон машаққатли, секин ва кўп меҳнат талаб қилувчи маълум фактларни танлашдан воз кечиш билан, гўё ўз фикрларидан илагарилаб кетгандай бўлади.

Ижодни ҳам учта тушунчалар орқали таърифлаш мумкин, булар: *сезгирлик, синергия ва интуициядир*.

Сезгирлик — бу инсоннинг сезгиларидан, бизнинг “ташқи дунёга очиладиган дарча”дан фойдаланишдир. Улар ёрдамида сезиш, хидлаш, таъм татиб кўриш мумкин.

Синергия — бу биринчи қарашда қўшиб бўлмайдиган кўринадиган нарсаларни бир бутун, ҳамда фойдали ва ишлайдиган қилиб бирлаштиришдир. Агар билимларни турли соҳаларига тегишли бўлган икки ғояни янги мазмунда муваффақиятли ишлай бошлайдиган қилиб бирлаштира олсангиз демек сиз синергияга кўргазмали мисолни намоёни қилган бўласиз. Синергияга мисолларни юқорида келтирилган Кальдернинг қисқа биографиясидан ҳам топиш мумкин. Чунки у симлар билан ишлашдаги ўз билимларини ёрқин ранглар ва абстракт расмлар билан уйғунлаштириб ҳайратлантирувчи констукциялар ярата олган.

Гордон ўз вақтида масалаларни қўйиш ва ечишга ижодий ёндашиш мақсадида турли касб эгаларини бир жойга тўплашни таклиф қилган эди. Турли ғояларни уйғунлаштиришни удалай олишлик учун кўп ва кенг малакалар ва кўникмалар соҳиби бўлиш керак. Гуманитар таълимнинг фойдасига оид аргументлардан бири, унинг кенг билимлар беришидир.

Бу эса ўз навбатида дунёга турли бурчаклар орқали қараш ва билимларни турли соҳаларида аҳамиятли фикрлар билдиришга имкон яратади.

Ижоднинг бақувват ҳаракатлантирувчи кучи —бу *интуициядир*. У кутилмаган ва режалаштирилмаган кашфиётга олиб келади. Машҳур олимларнинг таржимаи ҳолларида, уларнинг керакли ечимни интуитив равишда топган ҳолатлари кўп учрайди. Дастлабки қарашда бу ечимлар одатда кўникиб қолинган маънога мос келмагандай бўлиб ҳам кўриниши мумкин. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, агар ҳамма нарсани интуиция орқали тушунтириладиган бўлса, олимларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйилган бўлади. Тўғри, янги ажойиб дори уни ташкил этувчи моддаларни тасодифий силжиши натижасида олинди. Лекин фақат тажрибали олимгина бу тасодифийликни ўзига яраша баҳолай олган бўлар эди. Агар унинг ўрнида керакли билимларга эга бўлмаган одам бўлганида эди, у тажрибани хато деб эълон қилиб, уни эсдан чиқарган бўлар эди. Интуициянинг ижод жараёнида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз, лекин шунингдек у мақсадга интилиш ва

меҳнатсеварлик билан мустаҳкамланиши зарурлиги ҳам ҳеч қандай шубҳа туғдирмаслиги керак. Албатта, илмий кашфиётни соф интуитив равишда қилиш мумкин, лекин бундай бахтли “тасодифлар”ни лабораторияларда бутун куну—тун давомида бажарилган машаққатли меҳнатдан кейин рўй бериш эҳтимоли каттароқ. Фикрлаш жараёнида интуиция муҳим рол ўйнайди, лекин интуиция тўғри ечимни ҳам кўрсатади, — деб ўйлаш ва ундан умид қилиб, фақат кутиб ўтириш ярамайди. Интуиция баъзи ҳолларда панд бериши ҳам мумкин, лекин у эмоция ва сезгилар билан бир қаторда фикрлашнинг ажртиб бўлмайдиган қисмидир.

7-МАВЗУ. ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Режа:

1. Хорижий давлатлар таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари
2. Хорижий давлатлардаги бакалавр ва магистрларни тайёрлашни бошқариш тажрибаси
1. Халқаро ҳамкорлик ва битимлар
2. Хорижий олий таълим муассасаларини молиялашнинг ўзига хос жихатлари

7.1. Хорижий давлатлар таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари

Япония таълими тизими.

Япония – жуда тез ривожланаётган давлат бўлиб, бу ҳол асосан японларнинг табиатан меҳнатсеварлик ва ишбилармонлиги билан боғлиқдир. Дунёдаги барча янгиликлар ва юксалишлар сари интилиш, энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш ва уларни янада ривожлантириш – бу япон халқининг азалий миллий одатларига айланиб қолган¹⁴. Бугунги кунда Япония дунёдаги барча давлатлар учун очик ва халқаро ҳамкорлик майдонида фаол иштирок этиб келмоқда. Японияда жуда қадимдан халқнинг ақлий имкониятларидан фойдаланувчи фан ва техникани қўллаш сиёсати энг муҳим ўрин тутди. Ҳозирги даврда Япония илмий тадқиқотларга кетган сармоя миқдори бўйича дунёда 2-ўринда туради¹⁵.

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида 2 вазифани: 1-бойиш, 2-ғарб технологияларини Японияишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклигини англади¹⁶.

Катта (ўрта) мактаб мажбурий эмаслигига қарамай, унда 94% ўқувчилар таҳсил оладилар (2005 йилги маълумот). Катта ўрта мактаб сони 55%ни ташкил этади, шунга қарамай

¹⁵Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp>. 2008. p. 4-6.

¹⁶Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology. <http://www.mext.go.jp/2008>. p. 8

давлат ва хусусий катта мактаблар пуллик. Катта ўрта мактабнинг 1-йил учун дастури ҳаммага бир хил, лекин кейинги 2 йил ичида олий таълим олиш мақсадига кўра курсни танлаш назарда тутилмоқда.

Катта мактаб дастурлари ўрта мактаб ва бошланғич мактаб дастурларига кўра хилма-хил, лекин ўқувчиларга билимнинг у ёки бу соҳасига ихтисосланиши бўйича имкониятлар яратилади¹⁷.

Катта мактабларда ўқиш пулли, лекин давлат муассасаларида арзонроқ. Пулли, хусусий ўрта ва бошланғич мактаблар ҳам бор. Барча пулли таълим муассасаларида стипендиялар конкурси ғолиби бўлса, текин ўқиш мумкин ёки чегирмалар олиш мумкин. Ўрта мактабдан катта мактабга ўтиш имтиҳонлар натижаларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Ўрта мактабда ўзлаштириш кўрсаткичига кўра ўқувчи кириш имконияти бор бўлган катта мактаб рўйхатини олади.

Одатдаги давлат мактабларидан ташқари пулли хусусий мактаб-академиялар (гакуэнлар) бор. Шунингдек, умумдавлат мактаби мақомидаги “миллий мактаблар” мавжуд. Бу академияга кириш учун катта конкурс асосида алоҳида имтиҳонлар топширилади. Бир тарафдан академияда яхши таълим дастурлари мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги олий мактаб ёки университетга кириш учун имконият беради.

Япония ҳукумати ОЎЮлари битирувчиларини ўқитувчи лавозимига тайинлашда каттиқ танлов сиёсатини олиб боради.

Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, давлат мактаби ўқитувчиси бўлиш учун япон фуқароси ўқитувчи дипломини олиши керак ва ўқитувчиликка тайинлаш имтиҳонидан ўтиши керак. Японияда катта ўрта мактабларнинг кундузги (ўқиш-3йил), кечки ва сиртки (ўқиш 4 йил) турлари бор. Кечки ва сиртки мактабни битирганлик ҳақидаги гувоҳномаси худди кундузги катта мактабникидай бўлса ҳам, 95% ўқувчилар мактабнинг кундузги бўлимида таҳсил олишади. Катта мактабларга қабул қилиш кичик мактабни тугатганлик ва кириш имтиҳонлари натижалари бўйича конкурсдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат асосида амалга оширилади.

Катта ўрта мактабда япон тили, математика, табиийёт, жамиятшунослик ва б. мажбурий умумтаълим фанларига кўшимча ҳолда ўқувчилар танлов бўйича фанларни таклиф қиладилар, бу инглиз тили, ёки бошқа чет тиллар, шунингдек, техник ва махсус фанлар бўлиши мумкин. 12-синфда ўқувчилар ўзи учун таълим профилларидан бирини танлаши керак.

Таълим, фан ва маданият вазирлиги кўрсатмасига кўра, катта ўрта мактабда билимларни баҳолашда ОЎЮ тизимидан фойдаланилади. Бу ҳар бир ўқувчи 12 йиллик ўрта таълимни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома олиши учун 80 кредит (зачёт бирлиги)ни йиғиши лозим деганидир. Масалан, япон тили ва замонавий япон адабиётини ҳар бир курсини ўрганиш натижалари бўйича 4та кредит берилади, япон тили лексикологияси бўйича 2 кредит, классик тил бўйича – 2 кредит.

Японияда катта ўрта мактабда ўқишни хоҳламаганлар 5 йиллик “техник коллеж”лар –

Японияда касб-ўнунар таълими

касбий техника билим юртларига киришлари мумкин. Лекин бу ўқишларга кириш шунчалик оддий эмас, энг яхшиларидан жуда катта конкурс асосида қабул қилинади, чунки Японияда юқори малакали ишчилар

жуда ҳам зарур.

Университет ўрнига 2 йиллик коллежга кириш мумкин, унда махсус таълим берилади. Бу коллежларда япон қизларининг 90% ўқийдилар ва аёллар касбини эгаллайдилар: тиббиёт ҳамшираси, болалар боғчаси тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси, юқори малакали уй хонимлари, актриса (сэйю).

¹⁷Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology.
<http://www.mext.go.jp/> p. 12.

Япония коллежлари ўз мақоми бўйича бизнинг ўрта махсус таълим муассасалари билан тенг. Улар кичик, технологик, ва махсус тайёргарлик коллежларига бўлинади.

Кичик коллежлар гуманитар, табиий, тиббиёт ва техник фанлар соҳасида тайёргарликнинг икки йиллик дастурини тавсия қилади. Бу коллеж битирувчилари университетнинг 2 ёки 3-курсида ўқишни давом эттиришлари мумкин. Кичик коллежларга қабул тўлиқ ўрта мактаб базасида амалга оширилади. Талабгорлар кириш имтиҳонлари ва ундан камроқ “Биринчи босқич ютуқлари тести”ни топширадилар.

Кичик коллежларнинг 90% хусусий ва ёшлар орасида жуда оммалашган. Бу ерга ўқишга киришни хоҳловчилар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 60% коллежлар аёллар учун мўлжалланган. Унда уй оила молияси, адабиёт, тиллар, таълим, соғлиқни сақлаш каби фанлар ўқитилади.

Японияда технологик коллежларга тўлиқ эмас ёки тўлиқ ўрта таълимни тугатгач, кириш мумкин. Биринчи ҳолатда ўқиш муддати 5 йил, иккинчисида – 2 йил.

Бу типдаги коллежларда электроника, қурилиш, машина қурилиши ва бошқа фанлар ўқитилади. Махсус тайёргарлик коллежлари бухгалтер, машинист, дизайнер, дастурчи, автомеханик, тикувчи, ошпаз ва б. каби 1 йиллик касбий курсни тавсия этади. Бундай ўқув муассасаларнинг сони 3,5 минг. Битирувчилар ОЎЮда, кичик ва техник коллежларда ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Нотўлиқ ва тўлиқ ўрта мактаб битирувчиларини маълум касбга тайёрлаш учун 2 типдан иборат мактаб тизими яратилган бўлиб, булар мажбурий таълим базасидаги 1-4 йиллик махсус тайёргарлик мактаблари, ҳамда бир неча ойдан 1-3 йилгача давом этадиган кўп тармоқли мактаблардир.

1978 йил жорий қилинган ва охириги йилларда унинг сезиларли даражада ошган махсус тайёргарлик ва кўп тармоқли мактаблар Япония узлуксиз таълим тизимида муҳим ўрин тутди. Бу мактаблар ўқувчиларга касбий-техник ва умумтаълим йўналиш курсларини таклиф этади. Ўрта касбий таълим 2-3 йиллик кичик коллежлар ва 5 йиллик техник коллежларда олинади. Кичик коллежлар “танки-дайгаку” деб аталади ва бутун Япония таълим тизимининг жуда кўп қисмини ташкил этади.

Кўпчилик миллий кичик коллежлар миллий университетлар қошида ташкил этилган. Кичик коллежларнинг ярми ўрта тиббий ходимларни, чораги юрист ва иқтисодчиларни, қолганлари- техник мутахассисларни тайёрлайди. Муниципал кичик коллежлар жамиятнинг ижтимоий талабларига кўра таълимий ва тадқиқот фаолиятини олиб боради.

Японияда давлат университетларига тўлиқ ўрта мактабни битириб кириш мумкин. Қабул 2 босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда абитуриентлар марказлашган ҳолда университетларга қабул бўйича Миллий марказларда ўтказиладиган “Ютуқлар биринчи босқичининг умумий тести”ни топширадилар. Тестни муваффақиятли топширганлар университетда ўтказиладиган кириш имтиҳонларига киритиладилар. Тестдан юқори балл олганлар давлатнинг энг нуфузли университетларига кириш учун имтиҳон топширадилар.

Шуни айтиш жоизки, хусусий университетлар кириш имтиҳонларини мустақил ўтказадилар. Энг яхши хусусий университетлар ўзининг тузилмасида бошланғич, кичик ўрта ва катта ўрта мактаб, ҳатто болалар боғчасига ҳам эга. Агар абитуриент мазкур университетда боғчадан катта ўрта мактабгача яхши ўқиса, университетга имтиҳонсиз қабул қилинади. 2005 йил 2,8 млн. Япония талабалари 726 университетларда таҳсил олишди. Олий таълим бакалавр даражасини олиш учун 4 йиллик ўқиш белгиланган. Баъзан маълумкасбий даражани эгаллаш учун 6 йиллик дастур тавсия қилинади. 2 типдаги университетлар мавжуд: миллий университетлар давлат университетлари.

Японияда кучли 20таликка кирган энг зўр Осиё университетлари: Токио университети, Осако университети, Киото университети, Тохоку университети, Нагоя университети, Токио технология институти, Кюсю университети, Цукуба университетларидир.

Университет танлашда биринчи мезон – унинг нуфузлилигида. Бундай нуфузли

ОЎЮ битирган ёш йигит-қизлар дарҳол ишга олинади.

Япония университетларида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, умумиллий ва махсус фанлар аниқ бўлиб ўқитилади. Биринчи икки йилликда барча талабалар умумтаълим тайёргарлигини оладилар. Бунда умумиллий фанлар: тарих, фалсафа, адабиёт, жамиятшунослик, чет тиллари ўтилади, шунингдек, бўлажак касби бўйича махсус курсларни эшитадилар. Илк икки йилликда талабалар танлаган касблари моҳиятига чуқурроқ кириш имкониятига эга бўладилар, ўқитувчилар эса – талабанинг касбларининг тўғри танлаганликларига ишонч ҳосил қиладилар ва илмий салоҳиятини аниқлашга эришадилар.

Назарий жиҳатдан умумиллий цикл тугагандан сўнг талаба мутахассислик ва ҳатто факультетни ўзгартириши мумкин. Аслида, бундай ҳолатлар кам учрайди ва битта факультет доирасида бўлиши мумкин, бунда ҳам ташаббускор талаба эмас, раҳбарият бўлади. Охириги 2 йилда танланган касб ўргатилади. Барча университетларда ўқиш муддати стандартлаштирилган. Олий таълимда таълимнинг асосий йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича 4 йил ўқитилади. Тиббиёт ходимлари, стоматолог ва ветеринарлар 6 йил ўқишади. Асосий курсни тугатгач, бакалавр даражаси берилади: *gakushi*. Айрим мустасно ҳолатлардан ташқари битта университетдан иккинчисига ўтиш амалда йўқ. Лекин баъзи университетлар чет эллик талабаларни 2 ёки 3-курсга қабул қиладилар, шунда талабаларни ўтказиш бўйича махсус имтиҳонлар ўтказилади (*transfer examination*)¹⁸.

Германия давлати таълим тизими.

Германия Федератив Республикаси 16та мустақил Федератив ерлар (вилоятлар)дан иборат бўлиб, ҳар бири шаклига кўра турлича бўлган таълим тизимига эга. Таълим муассасалари асосан давлат тасарруфида бўлиб, улар учун таълим дастурига тегишли бўлган давлат кўрсатмалари мавжуд.

Таълимни жорий қилиш ва бошқариш Федерал ерлар (ФЕ) ҳукуматининг компетенциясига киради, лекин марказ томонидан умумий раҳбарлик ҳам бор: таълим вазирлиги таълим сиёсати концепциясини ишлаб чиқади, ОЎЮларини кенгайтиришга маблағ ажратади.

ГФР конституциясига кўра ҳар бир Федерал Ер ўз ҳудудидаги мактаб ва олий таълимни режалаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш бўйича ўзи жавоб беришга қарамай, барча Федерал Ерлар ва Федерал ҳукумат умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш курсларида бирликни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар. Федерал органлар ва Федерал Ерларнинг таълим соҳаси бўйича сиёсати келишилган: таълимнинг давомийлиги, таътилар, ўқув дастури, имтиҳонларни ўзаро тан олиш, аттестатлар, мактабни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома, дипломлар, унвонлар шулар жумласидандир¹⁹.

Ҳар бир Федерал Ерда таълим тизими ҳақида ўзининг қонуни мавжуд, лекин бунинг ҳаммаси умумий федерал қонун асосида ишлаб чиқилган. Ҳар бир Федерал Ер мактабга қатнаш вақти, ўқиш муддати ва дарсликларни белгилашда мустақилдир. Ўқув режалар ва таълим даражаси ҳар бир Федерал Ер учун турличадир. Ўқитиш дастурлари, дарсликлар вилоят ҳукумати босқичида тасдиқланади. Ҳар бир фан бўйича тегишли вазирлик томонидан тасдиқланган бир неча дарсликлар мавжуд бўлиб, ўқитувчи дарсликни ўзи танлаш ҳуқуқига эга. Шу тариқа таълимни кўп вариантлилигига эришилади, фикрлар плюрализми таъминланади.

Федерал ҳукуматнинг ҳуқуқлари асосий қонунларни қабул қилишда, жумладан молиялаштириш масалаларида чегараланган. Таълимдаги харажатлар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин:

¹⁸Higher Education Bureau, Ministry of Education, Culture, Sports, Science and Technology.

<http://www.mext.go.jp/> p.10-12.

¹⁹Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.deInternet: <http://www.bmbf.de>.

- бирорта Федерал Ерлар давлат умумтаълим, касбий ўқув юртларида ўқиш учун пул олмайди;
- барча Федерал ерларда ўқувчиларни уйдан мактабга, мактабдан уйга ташувчи автобусларни ўз ҳисобидан беради;
- деярли барча ўқувчиларга дарслик ва ўқув қўлланмаларни қийматининг озгина қисмига берилади;
- маълум тоифадаги ўқувчилар ва талабаларга мавжуд федерал қонунларга кўра давлат моддий ёрдам кўрсатади.

Германияда хусусий мактабларга рухсат берилган, улар орасида диний мактаблар ҳам бор. Бу мактабларда тахминан 8% ўқувчилар таҳсил оладилар. Хусусий мактаблар ўқув дастурларини танлашда давлат мактабларига нисбатан эркин бўлганлиги боис турли педагогик муқобилларнинг апробацияси ўтказилиб турилади.

Секин аста дифференциялашган таълим тизими, яъни ҳар бир ўқувчига унинг қобилияти ва ўқишдаги турлича йўналишига кўра мослашувчан ёндашув киритилмоқда.

Умуман олганда Германия таълим тизими бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимининг 1-босқичига тегишли бўлиб, мактабгача муассасалар киради. Асосан булар болалар боғчалари, тайёрлов синфлари ва кириш гуруҳлари бўлиб, бу ерларга болаларнинг қатнашиши 3 йил давомида ота-оналар хоҳишига кўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошланғич мактаб, унга 6 ёшдан қатнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг мақсади – болаларга таълим Ининг иккинчи босқичидаги у ёкибу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълимнинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) “йўналишли босқич” деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига кўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим киради. Муассасаларда касбий таълим “дуал тизим” деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш ўрта таълимни тугатиш билан тенг бўлиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаҳодатнома “етуклик аттестати” – абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига киришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

ГФР таълим тизими умумевропа таълим тизимига интеграциялашган: ўқув муассасаларининг барча турлари ЕИ (ЕС) дастурини амалга оширишга мўлжалланган, ЕИ давлатлари таълим стандартларини унификация (бир хиллаштириш) қилинади, дипломлар бу давлатларда кучга эга.

Германия узок даврлардан бери фан ва маданият маркази сифатида машҳурдир. Шиллер, Гёте, Шнегер, Гумбольдт, Кант, Гегель ва бошқалар каби буюк шоирлар, ёзувчилар, философлар ва жамоат арбоблари ҳаммага таниш. Германияда ўрта асрларда ташкил топган 1-университет мавжуд. Энг қадимий университет бу Гейдельберг университети бўлиб, 1386 йил ташкил топган. 1388 йил ташкил топган Кёльн университети қадимий университетлардан саналади. Бу ўқув муассасалари қадимий анъаналари ва классик таълими билан машҳурдир.

Ҳозирги кунда университетлар ва бошқа олий ўқув юртлари сони сезиларли даражада ортди, таълим тизими ҳам ўзгарди. Аввалгидай гуманитар таълим анъаналари муҳим ўринни эгаллайди, лекин техник таълим, назария билан амалиёт бирлиги, фанлараро

таълим ҳам биринчи ўринга чиқмоқда. Олий ўқув юртлари фан ва техниканинг охириги ютуқлари – йўналишларни акс эттирувчи дастурларни киритмоқдалар. Шу мақсадда ўқув режалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Германия Федератив Республикасининг “Таълим тўғрисидаги асосий қонунига” кўра ҳар бир фуқаро ўз шахсини эркин ривожлантириш, ўз иқтидори, мойиллиги ва қобилиятига қараб мактаб, ўқиш жойи ва касб танлаш ҳуқуқига эга. Таълим соҳасидаги бундай сиёсатнинг мақсади ҳар бир шахсининг қизиқиши ва талабларга жавоб берадиган малакали тайёргарликни олиш имконини беришида имкон қадар кўпроқ ёрдам беришдан иборатдир.

Германиянинг ҳар бир фуқароси бутун ҳаёти давомида умумий, олий ва касбий таълим олиш имкониятига эга. Чунки Германия юқори ривожланган саноат давлатларидан бири бўлиб, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Германия ҳукумати турли соҳаларда сифатли мутахассис кадрларни тайёрлашга манфаатдор. Шу боис немис таълим тизимининг ривожланишига катта миқдорда маблағ ажратилади. Германияда таълим ўз фуқаролари ва чет эл фуқаролари учун текин. Лекин немис таълим тизимида давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, хусусий таълим тизимлари пуликдир²⁰.

Германияда касбий ва олий таълим тизими

Германия таълим тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга, чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадидлар. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи йил асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга тааллуқли махсус фанлардан назарий асослар берилиб, йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтишида синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари, Федерал Ерлардаги саноат палатаси, ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз, мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.

Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳларнинг босқичма-босқич иштироки принципига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга кўра улар молия ёрдамни оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади²¹.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан бери муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда. Баъзи университетларда

²⁰Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.deInternet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

²¹Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.deInternet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-15 p

талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга киргунга қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки бундесверда хизмат қилишни ҳисобга олсак, талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Жанубий Корея таълим тизими.

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати hozирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади²².

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг кўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-харажатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1-босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали қўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутади. Лекин бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни тақозо этади²³.

Жанубий Кореяда касб- ўнгар таълими ва олий таълим тизими

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жисмоний тарбияга унчалик эътибор берилмайди, чунки, у таълим берувчи фан эмас. Ўқув йили 2 семестрдан иборат. 1-семестр мартда бошланади ва июлнинг ўрталарида тугайди. 2-семестр эса кеч августда бошланиб, февралнинг ўрталарида

²²Germany's Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.deInternet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-16 p

²³Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994.p. 16.

тугайди. Ёзги таътил июл охиридан августнинг сўнггига қадар, қишки таътил эса кеч декабрдан эрта февралга қадар давом этади. Таълим дастури аниқ белгиланмайди ва фанлар бир ўқув йилидан сўнг яна ўзгартирилиши мумкин.

Жанубий Корея аҳоли ўртасида талабалар сонига кўра дунёда биринчи ўринларда туради. “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра барча ОЎЮ давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- ✓ Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- ✓ Индустриал университетлар;
- ✓ Педагогика институтлари;
- ✓ Сиртқи университетлар;

Очиқ университетлар;

7.2. Хорижий давлатлардаги бакалавр ва магистрларни тайёрлашни бошқариш тажрибаси

Жанубий Корея таълим тизими.

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий қадриятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган.

Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций давридан сақланиб қолган зиёли одамга жамоат хизмати хозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади²⁴.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг кўшилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Кўп ривожланаётган давлатларда таълим бугунги кунда жамиятнинг фақат сарф-ҳаражатлар соҳаси эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучига айланди. Яъни, таълим рақобатбардош, жиддий молиявий маблағларни олиб келувчи соҳа бўлиши кераклиги исботланди. Таълимнинг деярли 1-босқичидаёқ давлат ва иқтисодиётнинг ривожланишига қаратилган бўлиши керак. Фақат билим олиш учунгина эмас, балки олинган билимларни амалиётда самарали қўллаш учун ўқиш зарур.

Лекин шуни ҳисобга олиш жоизки, таълимни тизимли модернизация қилиш жараёни ўз-ўзидан эски тартиб элементларни енгиб ўтиш, янги ғояларни ишлаб чиқиш ва табиий бошқарувнинг бошқа метод ва механизмларини шакллантиришни назарда тутади. Лекин

²⁴Germany’s Vocational Education at a glance.. E-Mail: books@bmbf.bund.deInternet: <http://www.bmbf.de>. National Student Fee and Support Systems in European Higher Education.-16 p

бу шундоқлигича нусха олиш шаклида эмас, балки янгиликларни қабул қилиш билан бирга таълим ривожланиш босқичидаги энг яхши анъаналар ва қўлга киритилган ютуқларни сақлаб қолишни тақозо этади²⁵.

Жанубий Кореяда касб- ўунар таълими ва олий таълим тизими

Жанубий Кореяда олий маълумотга эга бўлиш ҳар бир корейс фуқаросининг кейинги мавқеи муваффақияти учун жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу мартабали таълим муассасаларига ўқишга киришга бўлган эҳтиёж ҳам катта. Жанубий Кореяда эътибор кўпроқ математика, корейс тили ва инглиз тилларига, аниқ фанларга ва жамият билан боғлиқ фанларга қаратилади.

Жисмоний тарбияга унчалик эътибор берилмайди, чунки, у таълим берувчи фан эмас. Ўқув йили 2 семестрдан иборат. 1-семестр мартда бошланади ва июлнинг ўрталарида тугайди. 2-семестр эса кеч августда бошланиб, февралнинг ўрталарида тугайди. Ёзги таътил июл охиридан августнинг сўнггига қадар, қишки таътил эса кеч декабрдан эрта февралга қадар давом этади. Таълим дастури аниқ белгиланмайди ва фанлар бир ўқув йилидан сўнг яна ўзгартирилиши мумкин.

Жанубий Корея аҳоли ўртасида талабалар сонига кўра дунёда биринчи ўринларда туради. “Таълим тўғрисида”ги қонунга кўра барча ОЎЮ давлат тасарруфидаги ва хусусий таълим вазирлиги ва меҳнат ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан бошқарилади. Бошқа масалалар бўйича университетлар Корея Университет таълими кенгаши тамойилларига таянади. Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- ✓ Коллеж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- ✓ Индустриал университетлар;
- ✓ Педагогика институтлари;
- ✓ Сиртки университетлар;

Очиқ университетлар;

7.4. Хорижий олий таълим муассасаларини молиялашнинг ўзига хос жихатлари

Таълим соҳасида ривожланиш кўпинча уни молиялаш кўлами ва олинган молиявий ресурслардан самарали фойдаланишга боғлиқ. Албатта, таълимнинг ҳамма тури ҳам махсус молиялашни талаб қилмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, одамлар ўз билимининг атиги 20 фоизини расмий ўқиш (ўқув юртлари, малака ошириш курслари, турли семинарлар, тренинглар ва ҳоказо) орқали эгаллайди. Қолган 80 фоизи ва энг асосийси тажрибага оила, иш жойида норасмий ўқиш орқали, бошқа одамлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда, мажлислар, хиз-мат сафари ва бошқа тадбирларда эга бўлади.

Бунинг устига ушбу билимнинг катта қисмига бепул эга бўлиш мумкин, негаки уни ҳеч атайлаб молияламайди.

Шу сабабли бу ерда гап расмий ва норасмий таълимнинг айрим қисмларини (ноқонуний репетиторлик) молиялаш ҳақида бормоқда.

А) Таълим харажатларининг халқаро таққоси

Дунё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулотига таълим учун харажатлар улуши ўртасида катта фарқ бор. Тинч океани ҳудудидаги оролда жойлашган Мар-шалл ороллари давлатида ялпи ички маҳсулотга нисбатан таълим учун умумий сарф-харажатларнинг энг

²⁵Comparative Education Review. By the Comparative and International Education Society. 1994.p. 16.

кўп, 15 фоизи сарфланиши кузатилган. 2004 йилда ушбу давлатдаги бу кўрсаткич Экваториал Гвинеядаги шундай кўрсаткичдан 25 баравар ошди — 0,6 фоиз.

Таълим учун энг кўп маблағ бой мамлакатларда сарфланмоқда. Биринчи-дан, ушбу давлатларда шу мақсадлар учун давлат харажатлари улуши (ўртача 5,6 фоиз) жаҳондаги ўртача даражадан қарийб тўртдан бир ҳисса (4,4 фоиз) ва инсон ривожланиши даражаси паст бўлган давлатлар кўрсаткичидан тах-минан икки бараварга кўп. Иккинчидан, бой мамлакатларнинг ўзига тўқ яша-ётган аҳолисининг асосий қисми таълим хизматлари учун маблағнинг катта қисмини ўзлари тўлашга қодир. Шу сабабли мазкур мамлакатларда таълим учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ катта миқдордаги шахсий хара-жатлар билан тўлдирилмоқда (ялпи ички маҳсулотга нисбатан ўртача 2 фоиз).

Учинчидан, бой мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг бир фоизининг реал ифодаси қолган давлатларга қараганда бир неча, баъзи эса бир неча ўн бара-вар кўпдир.

Дунёда таълимни молиялашнинг бир қанча моделлари бўлиб, улар бир қанча омилларга боғлиқ:

мамлакатни ривожлантиришнинг иқтисодий даражаси ва таълимни молиялаш учун давлат бюджетининг молиявий имкониятларига;

мамлакат ҳукуматининг инсон ривожланиши ва давлатни иқтисодий ривожлантириш мақсадида аҳолининг таълим даражасини ошириш вазифаларига содиқлигига;

таълим соҳасига давлат бюджети билан боғлиқ бўлмаган молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятига;

таълимнинг аҳоли ўртасидаги кадрига, шунингдек, муайян даража ва сифатга эга таълимга.

Таълимни молиялашнинг биринчи модели давлат таълимнинг барча бос қичини тўлиқ ва мустақил молиялаши билан ифодаланади. Ота-оналарнинг бо ла ларини мактабгача муассасаларда тарбияланиши, мактаб кийими, дарсликлар, ўқув анжомлари, шунингдек, меҳнатга лаёқатли, бироқ ўрта махсус ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани боис ишламаётган болаларни таъминлаш учун сарфлаётган маблағлари бундан мустасно.

Бундай моделдан ўнлаб йиллар мобайнида собиқ социалистик давлатлар (собиқ СССР, Шарқий Европа, Осиёнинг қатор мамлакатлари, Куба) фойдаланиб келди. Уларда мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, олий ўқув юртлари, аспиран-тура ва докторантура, шунингдек, турли малака ошириш курсларида ўқиш бепул эди. Айни вақтда бундай моделни қўллаётган мамлакатлар унчалик кўп эмас.

Ушбу моделнинг афзалликлари шундан иборатки, у аҳолининг барча қатламнинг моддий аҳволи ёки яшаш жойидан қатъий назар таълимнинг ҳар бир босқичидан тенг фойдаланишини таъминлади.

Мазкур моделдан фойдаланган иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар барча давлатларда саводсиз кишиларнинг деярли йўқлиги, таълим дара-жаси кўрсаткичи дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири экани бежиз эмас.

Моделнинг камчиликлари давлат бюджетининг чекланган имкониятла-ри, айниқса ўқув юртларини янгилаш ва реконструкция қилиш, уларни замона-вий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун молиялашда имконияти чеклангани,

ажратилган молиявий ресурслар ва таълим сифати ўртасидаги боғлиқликнинг пастлиги, таълим соҳасига унинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун қўшимча маблағ жалб қилиш имкониятининг йўқлиги билан боғлиқ.

Молиялашнинг иккинчи модели биринчисининг мутлақо акси бўлиб, дав-лат томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг кичиклиги ва таълим хизматлари асосан пулли асосда кўрсатилиши билан ифодаланади.

Бундай модель ўтган асрнинг 60-йилларнинг ўрталаригача бюджетдан бошланғич таълимни молиялаш имконига эга бўлмаган кўплаб қашшоқ Африка давлатларида қўлланилган. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг саводсизлик даражаси ғоятда юқори эди, аҳолини билим даражаси бўйича ажратиш жуда қийин эди. Ушбу давлатларда аҳолининг катта қисми 2 ёки 8 йиллик маълумотга эга эди.

Бироқ 1960 ва 2000 йиллар оралиғида Африканинг аксарият давлатлари мустақил ёки халқаро ёрдам туфайли умумий мажбурий бепул бошланғич таълим тизимини босқичма-босқич жорий этиши сабабли вазият ўзгарди.

Таълимни молиялашнинг учинчи модели давлат томонидан молиялашдан ташқари хусусий маблағлар, шунингдек, ташқи ҳомийлар маблағлари эвазига молиялашни ўз ичига оладиган кўп каналли молиялаш билан ифодаланади. Бу модель, ўз навбатида, бир қанча турларга бўлинади;

кўп каналли молиялаш таълимнинг барча босқичлари учун хослиги; #

таълимнинг айрим босқичлари (масалан, бошланғич, баъзи давлатларда эса умумий ўрта таълим ҳам) тўлиқ давлат ҳисобидан молияланади, таълимнинг юқори босқичлари эса аралаш манбалар ҳисобидан молияланади;

таълимнинг айрим босқичлари (қуйи босқичлари) аралаш манбалар ҳи со бидан молияланади, юқори босқичлари эса фақат хусусий маблағлар эвазидан молияланади.

Таълимни молиялашнинг ушбу модели дунёнинг кўплаб давлатларида жорий этилган. Бу борада бугун аҳолининг моддий таъминот даражаси бўйича бир-биридан ажралиб турадиган барча қатламларининг билим олиши учун тенг им-кониятлар билан таъминлаган ҳолда, бошланғич ва умумий ўрта мактаб таъли-мин-и давлат томонидан кенг молиялаш тури кенг эътироф этилмоқда.

Кўп каналли молиялаш моделининг афзаллигинафақат молиявий маб лағлар нинг катта қисмига, балки барқарорликка эга бўлиш имконини берадиган молиявий ресурслар манбаларини табақалаштиришдан ҳам иборатдир. Чунки ушбу тизим бирон-бир молиявий манбага боғлиқ бўлиб қолмаган ҳолда мус тақил бўлиб боради. Бундан ташқари бу борадаги кўпгина тадқиқотлар шундан дарак берадики, таълим хизматларидан фойдаланадиганлар томонидан таълим учун молиявий харажатлар уларни янада яхши ўқишга ундайди, шунингдек, ўқитувчилар ва умуман таълим тизимига бўлган талабни оширади. Бу эса таълим даражаси ва сифатини ошириш учун қўшимча омилларни яратади.

Ушбу моделнинг камчиликлариунчалик бой бўлмаган ва қашшоқ оилалар фарзандларининг пулли таълим тизимидан фойдаланиш имкониятининг чекланганли-ги, айниқса қашшоқ ва энди ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг катта қисми учун инсон ривожланиши имкониятларининг тенг эмаслиги билан боғлиқдир

8-МАВЗУ. ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ РИСКНИ БАҲОЛАШ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Таълимда маркетинг тушунчаси, мақсади ва вазифалари
2. Таълим хизматлари маркетингининг ўзига хос жиҳатлари
1. Таълимда маркетинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари
2. Олий таълим муассасалари маркетинг бўлими вазифалари
2. Олий таълим тизимида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш

8.1. Таълимда маркетинг тушунчаси, мақсади ва вазифалари

Маркетинг - бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Маркетингда ҳам бошқа амалий фанлардан ва иқтисодий

фаолият соҳасидаги каби муфассаллик аниқ далиллар, катта аҳамият касб этади. Булар кўпинча ҳал қилувчи омилга айланади, лекин одатдаги тушунчага кўра улар «ортиқча» ҳисобланади.

Маркетинг, бу бозор фаолияти фалсафаси ва шу билан бир вақтда ҳаракат учун амал қилинадиган қўлланма.

Бозорга оид ва бошқа муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар яратиб, маркетинг ўзидан тўлиқ ва тўғри фойдаланиш учун катта тайёргарлик ижодий ёндашишни талаб қилади.

«Маркетинг» тушунчаси шакл ва усуллар кенг қўламини қамраб олади. Булар одамлар, ташкилотлар, умуман жамиятнинг мунтазам ўзгариб турадиган эҳтиёжларини алмашлаш асосида таъминлайди. Маркетинг қуйидагиларни қамраб олади:

- бозор муносабатларига алоқадор инсон фаолиятининг моҳияти, тамойиллари, усуллари ва функцияси;
- маркетинг фаолиятининг стратегия ва тактикаси;
- режалаштириш-маркетинг режаси ва унинг тури, маркетингдаги дастур-мақсадли усуллар;
- товар-товар тушунчаси, товар турлари, товарнинг мавжудлик даври, сифат, рақобатбардошлик товар сиёсати, товар турини бошқариш, сервис;
- товар ҳаракати ва уни сотиш-товар ҳаракати тизимининг унсурлари, товар ҳаракатланиш йўналишлари, товар ҳаракатини бошқариш, товар сотишни ташкил этиш;
- нарх ва нарх ҳосил бўлиши-маркетинг фаолиятида нарх, нарх ошиш усуллари, нарх ҳосил бўлиш масалалари, нарх сиёсати;
- талабнинг шаклланиши ва сотувни рағбатлантириш, реклама ва унинг вазифаси, реклама тури, кўргазма ва аукцион, реклама тадбирларини режалаштириш, реклама бюджети;
- информация таъминоти, хизмат турлари бўйича бозор айрим сегментлари доирасида мужассам тадқиқот, юридикшахслар ва жисмоний шахслар, бозорни таҳлил қилиш ва истиқболи;
- Маркетинг фаолиятини ташкил қилиш-ташкил қилиш тамойиллари, ташкилий тузилмалар;
- маркетинг бошқаруви ва назорати, бошқарув ва назорат тури, вазиятли таҳлил, маркетинг тафтиши ва ҳ.к.

Маркетинг тизимида истиқболи-бозорни атрофлича ўрганишнинг асосий ва якуний босқичи. Унинг асосий натижаларига иқтисодий программа асосланади.

Республикада кечаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида, меҳнат бозорининг шаклланишида мутахассислар тайёрлаш, ишга жойлаш ва бандлиги жараёнини давлат бошқаруви воситалари айниқса аҳамиятли бўлиб қолади.

Мазкур муаммоларни мутахассисларга талабни истиқболи тизимини тузиш, ишлаб чиқариш талабини ҳисобга олиб, «Буюртмалар портфели»нинг шаклланганлиги, бу талабнинг талабаларни олий таълим муассасалари, минтақалар, касблар бўйича қабул миқдори билан мутаносиблиги, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш тизимига уйғунлашган маркетинг хизмати ишини жонлаштириш, иқтисод турли тармоғи бўйича олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёр ҳолида асосий нисбатларни ишлаб чиқиш ҳал этади.

Истиқболи тизими иқтисоднинг турли тармоқлари бўйича мавжуд аҳвол ва ривожланиш истиқболи асосида мутахассисларга бўлган талабни аниқлайди ва шакллантиради. Унинг вазифаси маълумотларни қабул қилиш ва қайта ишлаш ва шу асосда таълим фаолияти бўйича бошқарув қарорларини асослаш ҳамда унинг кейинги ривожланишини истиқболи. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардош мутахассисларнинг меҳнат лаёқатини таъминлаш миллий ва чет эл таълим тизимини

қиёсий таҳлилини ўтказиш, таълимни ислоҳ қилиш жараёни ривожини кузатиш йўли билан амалга оширилади.

Муаммони ҳал этиш ижтимоий-иқтисодий соҳада стратегик мақсадларга эришиш даражасини мунтазам кузатиб бориш, республика иқтисодини қисқа, ўрта ва узок муддатга истиқболли асосида ривожланиши асосий йўналишларини белгилаш билан ҳам боғлиқдир. «Истиқбол» тушунчасининг талқини кўп. Баъзилар «истиқбол-объект ривожини ҳақидаги илмий фараз» дейди, учинчи бировлар «истиқбол-объект келгусидаги аҳволининг тавсифи» ёки «истиқбол-ривожланиш истиқболлини баҳолаш» дейди. Истиқбол усулининг талқини, жаҳонда, бундан ҳам кўп-юздан ортиқ истиқболга келажак ҳақида эҳтимолий мулоҳаза қилиш хосдир. Бу ё ходиса содир бўлиш эҳтимоли даражасини белгилашда, ё қабул қилинажак қарор доирасини белгилашда, ё ривожланиш талқини ёхуд муқобиллигини топишда намоён бўлади. Истиқбол ва режалаштириш ўртасидаги ички алоқа ва боғлиқлик ва уларнинг фарқини илғаш муҳимдир. Истиқболнинг илмий-аналитик тавсифи унинг ривожланган туридан функционал фарқини белгилаб беради. Истиқболнинг вазифаси-нима бўлишини айтиш. Режалаштиришнинг вазифаси-барча эҳтимоллардан нима бўлиши кераклигини танлаш. Истиқболнинг режадан биринчи катъий фарқи шу.

Истиқбол ва истиқболли режалаштириш объекти кўпинча, гўё истиқбол ва лойиҳалаш уфқлари сингари мос келиб қолади.

Илмий истиқболларни муҳокама қилиш иқтисод ривожини режасини ишлаб чиқиш билан, кўшиб олиб борилиши керак. Бу билан истиқболнинг бошланғич, режа олди аҳамияти белгиланади.

Иккинчи фарқ-режалаштиришга нисбатан истиқболнинг аввалгилик тавсифи.

Режалаш директив кучга эга. План-давлат қонуни. Истиқбол тавсия хусусиятига эга, аналитик вазифа бажаради, бунда Истиқболнинг режадан учинчи фарқи намоён бўлади.

Режа бир талқинли, истиқбол эса, кўпталқинли, эҳтимоллик моҳиятига эга. Истиқболнинг режадан тўртинчи фарқи шунда.

Режалаштириш ва истиқболлининг усуллари ҳам сезиларли фарқга эга. Улар кўпчилигининг асосида эҳтимолийлик экстрополяциявийлик баҳолаш, эвристик (мантқиқий йўсинлар мажмуи ва назарий тадқиқот, ҳақиқатни излаш), стохастик (тасодифий ёки эҳтимолий) жараён ётади, бундан ташқари режа тузиш босқичида қўлланмайдиган, аниқлик муайянлик талаб этувчи билан баланс боғланиш, бевосита техникавий-иқтисодий ҳисоб-китоблар ётади. Бу истиқболлининг режалашдан бешинчи жиддий фарқи.

Истиқболнинг вазифаси: ходиса, оқимтрни таҳлил қилиш, уларни баҳолаш ва келажак учун муқобил талқинларни белгилаш. Иқтисодий истиқбол иқтисодни ривожлантириш мужассама тизими доирасида амалга ошириладиган ривожланишнинг илмий фаразини ишлаб чиқишдан иборатдир, аммо бу режалаштиришда ўзига хос жиддий фарқларга эга.

Келажакни олдиндан кўра билиш, аввало, бугун қарорлар қабул қилиш учун керак.

Молиявий истиқбол-молияни илмий бошқариш имкони. Муддат бўйича таснифлашнинг умумқабул қилинган таснифи бор, у қуйидагича: қисқа муддатли истиқбол-5 йилгача муддатли: ўртача муддатли-10 йилгача муддатли: узок; муддатли-10 йилдан ортиқ даврли. Узок муддатли истиқбол қатор ҳолларда 10-20 йилни ўз ичига олувчи 1-эшелонга ва 20-50 йил ва ундан кўпроқни ўз ичига олувчи 2-эшелонга бўлинади. Австралиялик олим Эрих Янг таъкидича, муваффақиятли истиқбол билан у ёки бу усулни танлаш орасида сезиларли боғлиқлик йўқ. У кунт билан жаҳон истиқбол тажрибасини тадқиқ этган. Шуниси қизиқарлики, энг кўпли ихтисослашган истиқбол институтлари ҳам истиқболлининг мураккаб усулини қўлламайди, улар, гап шундаки, муҳими усуллар қанчалик тўғрилигида эмас, балки гапнинг тўғрилигидадир деб ҳисоблайдилар. Истиқбол усулларини қўллаш борасида истиқболловчилар орасида бир нуқтаи назар учрамайди,

лекин кўпчилик истиқболловчилар 5-10 та оммавий «ишчи усуллар»дан яқдиллик билан фойдаланадилар, булар уч йирик гуруҳга бирлашадилар: эвристик усуллар, экстраполяция ва моделлаштириш.

Тармоқ истиқболловчиларнинг асосий қисми айна шу усуллардан фойдаланадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат бозорига кадрлар тайёрлашда талаб ва таклиф қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда бу вазифага ёндошиш бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Баркетинг тадқиқотлари орқали иш берувчи корхоналар талаблари асосида турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш давр талабидир. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 48 сонли «Таълим хизмати бозорларида маркетинг фаолиятини жадаллаштириш ва олий таълим муассасалари таркибида маркетинг хизматларини ташкил этиш» тугрисидаги Қарори тезда уз ижросини топиб, ҳозирда барча олий таълим муассасалари бошқарув таркибида маркетинг хизматлари бўлимлари ташкил қилинган. Булимнинг асосий функцияси институт тайёрлаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларга бўлган талабни, жумладан Тошкент молияинститутини учун иқтисодиётнинг молия секторига тегишли банк, молия муассасалари, вазирликлар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг молия бўлимларида аниқлаш ва улар билан шартномалар тузишдан иборат. Ҳозирги вақтда ҳар бир олий таълим муассасасининг қабул режаси иш берувчилар томонидан тузилган шартномаларга асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Ҳозирги вақтда меҳнат бозорида талабга эга бўлмаган мутахассисликларни тайёрлаш тугатилмоқда ва улар урнига давр талабига мос кадрларни тайёрлаш амалга оширилмоқда. Масалан, инкирозга қарши бошқарув, аудит, халқаро информацион дастурларни ишлаб чиқиш каби соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қуйилди.

Ислохотлар ўтказиши муваффақиятини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб, аҳоли бандлиги ҳисобланади. Бандлик-фуқароларнинг ижтимоий-фойдали фаолияти. Мамлакатда туб ижтимоий иқтисодий ўзгаришлар, меҳнат ва таълим хизматлари шаклланаётганда бу жамиятни ривожлантириш муаммолари, билан жипс боғлиқ жаҳон хўжалигига уйғунлашаётган, юқори рақобатбардошликка эга бозор иқтисодини кадрлар билан таъминлаш давлатнинг стратегик мақсади бўлиб қолмоқда. Мустақил давлатимизнинг сиёсати, жамият ривожланишининг ҳозирги даражаси, унинг маданияти, фан ва техникаси, бозор иқтисодиётига ўтиш, олий мактаб олдида турган янги вазифалар фақат сифат жиҳатдан янги бўлган таълим мазмуни ва технологиясини, балки, республика иқтисодий ривожланиш динамикасини, тарихан шаклланган вазиятни хўжалик юритишнинг замонавий шароитларида ҳисобга оладиган бозор иқтисодий қонунларига риоя этадиган мутахассислар тайёрлаш ва бунга бўлган талаб йўналишини белгилашга янгича ёндашишни ҳам талаб этади. Давлат миқёсида мутахассислар тайёрлаш, ишга жойлаштириш ва бандлиги жараёнини давлат бошқаруви механизмини ярзатиш айниқса муҳим бўлиб турибди. Бу олий таълимда олий таълим муассасасига талаба қабул қилиш режаси тўла равишда халқ хўжалигининг амалдаги талабларига мосқилиши керак деганидир. Бугунги кунда олий таълим йўналишлари миқёсида мутаносиблик 23-25%ни ташкил этади, кўпгина йўналишларда ортиқча мутахассис тайёрлаш (педогогика, муҳандислик ва тиббиёт ихтисосликлари бўйича) кузатилмоқда.

Мутахассисларга бўлган талабни меъёр ва меъёрийлик асосида истиқбол уларнинг турли хилларидан фойдаланишга асосланади. Тармоқ, мутахассислар меҳнати сарфланадиган соҳага ўзига хослигига боғлиқ ҳоллар қиймат ёки натура ҳолида фойдаланадиган ишлаб чиқариш меъёри ёки самарадорликдан фойдаланиш мумкин.

Замонавий иқтисод ва ижтимоий тараққиёт ўзига хослиги шундаки, кенг хусусийлаштириш фаол тадбиркорлик, чет эл инвестицияси, акциядорлик жамиятлари, ассоциациялар, корпорациялар вужудга келмоқда, турли жамоат бирлашма ва ташкилотлари шаклланимоқда, бошқа тузилмавий силжишлар юз бермоқда, булар

мутахассисларга, уларнинг тайёргарлигига, ишга жойлашувига, самарали фойдаланилишига алоҳида талаб қўймоқда ҳамда касбий таълимнинг молиявий шаклланишига ва моддий-технологик таъминланишига таъсир этмоқда.

Тузилмавий силжишлар асосида мутахассисларга бўлган талабни истиқбол мулк айрим турлари ва хўжалик юритиш ривожигаги устуворликларни ҳисобга олиб, тармоқ ва минтақалар иқтисодини тузилмавий қайта кўриш асосий йўналишларини аниқлаш негизида амалга оширилади. Истиқболланаётган 10-15 йиллик давр жиддий йўналишлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- иқтисоднинг энг муҳим йўналишларида, айниқса саноатда ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатини ошириш;

- бандлик тузилмасида юз бераётган ва кутилаётган йирик ўзгаришлар (моддий ишлаб чиқариш анъанавий тармоқларидаги ходимларни бозор инфратузилмаси тармоқларига ва хизмат соҳасига кўчириш);

- хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектлар сонини ошириш (бу бизнес, маркетинг, молия, ҳисоб-китоб соҳасида мутахассисларга бўлган талабни оширади);

- мудофаа ишлаб чиқаришини алмаштириш ва улар негизида фуқаро ишлаб чиқаришини юзага келиши (бу мудофаа соҳасида мутахассисларга талабни пасайтиради, шу билан бирга, янги техника ҳамда такомиллашган технология соҳасидаги мутахассисларга бўлган талабни қондиради);

- ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш (янги технологиялар бўйича мутахассисларга талаб ошади).

3. Мутахассисларга бўлган талабни ўрганиш ва башорат қилиш

Бозор ривожланиши шароитларида иқтисоднинг ишлаб чиқариши интенсивлаш, автоматлаштириш, замонавий алоқа воситаларидан, микропроцессорлар, компьютерлар, робот техникасидан фойдаланиб бошқариш билан боғлиқ барча соҳаларда тегишли мутахассисларга талаб ошмоқда.

Техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши тенденцияси асосида истиқбол (кўп омилли моделлаш) кутилаётган тузилмавий силжишлар, демографик омил, ижтимоий тараққиёт иқтисодиётнинг аҳволи ва ривожланиш истиқболини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолда истиқбол модели ўз ичига бир неча блокни олади:

1. *Иқтисодиёт аҳволини баҳолаш* (бунда бошланғич макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади). Минтақаларда, умуман, республикада иқтисодиёт ривожини тавсифловчи техникавий-иқтисодий кўрсаткичларнинг шакллантириш бу блокда ҳал этиладиган асосий вазифа ҳисобланади.
2. *Иқтисодни ривожлантиришининг кутилаётган дастурлари*. Бу тузилмавий қайта кўриш асосий йўналишларига асосланади. Энг ҳақиқий программани топиш асосий вазифа ҳисобланади.
3. *Инвестициянинг кутилаётган миқдори*. Бу блокда давлат, минтақа бюджетлари ва бошқа манбалардан инвестициялаш ҳамда молиялаш имкони белгиланади.
4. *Ходимлар турли тоифасининг бандлик динамикаси* (ишсизликни ва ишчи кучини қайта тақсимлаш механизмининг ҳисобга олиб аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотлар асосида шаклланади).
5. *Ходимларнинг кутилаётган миқдори ва кетиш тузилмаси* (масала ишдан кетаётган ходимлар миқдори ва таркиби мониторинги асосида ҳал этилади).
6. *Кутилаётган демографик ўзгаришлар*. Бу блокда масала демографик тузилма, меҳнат ресурслари таркиби ва иқтисоднинг қайта кўрилишида юз бераётган ўзгаришлар таҳлилига асосланади.

Умуман, моделлаштириш техникавий-иқтисодий, ижтимоий, демографик ва меъёрий-маълумотномавий кўрсаткичлар бўйича информациявий-меъёрий маълумотлар жамланмаси асосида амалга оширилади.

Аналогия усули билан ҳам мутахассисларга бўлган талабни баҳолашни амалга ошириш мумкин. Бунда бошқа давлатлар шундай фаолияти соҳасида юзага келган сўров кўрсаткичларини қабул қилиш мумкин. Чет мамлакатлардаги аналоглар бўйича иқтисоддаги тузилмавий силжишларнинг боришини, кўп омиллик моделлашда айрим техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни, шунингдек, айрим корхоналар бўйича ходимларга талабни баҳолаш мумкин. Асосийси-мамлакатнинг тўғри танланиши.

Мутахассисларга бўлган талабни истиқболига бўлган, юқорида баён этилган ёндашишларни турли комбинацияларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ, муҳими, иқтисод тармоғи (вилоят, минтақа ёки корхона)нинг мавжуд аҳволи ва самарали талқинлари оқилона эътиборга олиншидадир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган таълим хизмати мониторинги ва талаб истиқболи моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада юқори малакали ходимлар етиштириш ҳамда қайта етиштириш-мутахассисларга бўлган талабни ўрганишни тақазо этувчи мужассама вазифа, яъни:

- республика, вилоят, иқтисод тармоғи ва ижтимоий инфратузилма, олий таълим йўналиши (иқтисослиги)да;

- малака даражаси (бакалавр, магистр) ва таълим (олий, ОТМни тугатгандан сўнгги) бўйича тадқиқотнинг қуйидаги методикаларидан фойдаланиб;

- ижтимоий тадқиқотлар;

- Ўзбекистон республикаси ва чет эллардаги таълим хизматини таққосий, қиёсий таҳлили, кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълим муассасалари имконини ўрганиш (мавжуд меъёрларга мосланган таълим миқдорий ва спектр йўналишлари);

- техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар ва бозор конъюнктураси билан мос ҳолда ходимларга бўлган талабни моделлаштириш;

- меъёр ва меъёрийлик асосида ходимларга бўлган талабни истиқбол;

- олий таълимнинг аҳволи ва ривож мониторинги тизимини ишлаб чиқиш;

- аҳоли бандлигини истиқбол асосида ходимларга бўлган талабни ўрганиш;

- тегишли олий маълумот олишга бўлган аҳоли талабини қондириш имкониятларини белгилаш;

- моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳада ходимларга бўлган талабни алоҳида-алоҳида қонуниятларини ўрганиш.

Бу республика иқтисодини юқори малакали мутахассисга бўлган талабни қондириш имконини беради.

8.2. Таълим хизматлари маркетингининг ўзига хос жиҳатлари

Таълим хизмати деганда, бир тараф (ўқув маркази) иккинчи тарафга (тингловчига) билим, кўникма, касбий ва шахсий малдака даражасида миқдор ва сифат ўзгаришига эришмоғи учун таклиф этадиган, ҳиссиётлар орқали тушуниб олиш қийин бўлган фаолият тури кўзда тутилади. Таълим хизматини кўрсатиш тингловчиларга сервис хизматлари кўрсатиш билан, ўқув жараёнини бошқариш сифати билан ва танланган маркетинг стратегияси билан ҳам чамчарчас боғлиқ.

Таълим хизматлари маркетинги бошқарув жараёни бўлиб, у истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини башорат қилиш ва қаноатлантиришни ўз ичига олади ҳамда таълим муассасасининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган даражада фойда олиншига эришиладиган тарзда ривожлантиришни кўзда тутди.

Таълим хизматлари маркетинги субъектлари: таълим муассасалари, таълим хизматлари истеъмолчилари, таълим хизматларини илгари суриш фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар.

Таълим муассасаси томонидан амалга ошириладиган таълим хизматлари маркетингининг асосий вазифалари:

Таълим хизматлари бозорини тадқиқ этиш ва баҳолаш, унинг конъюктурасига ўзгаришларни башорат қилиш;

Таълимнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш, кўрсатиладиган таълим хизматларининг ҳажми ва турларини аниқлаш;

Мақсадли гуруҳларни ўқишга бўлган талабни ва уларни қаноатлантириш имкониятларини баҳолаш;

Нархни шакллантириш сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш;

Коммуникация сиёсатини, жадаллаштириш йўллари, сотиш усулларини аниқлаш;

Таълим хизматларидан фойдаланиш жараёнида сервис хизматларни ҳам амалга ошириш.

Таълим хизматлари маркетингининг ўзига хос жиҳатлари:

Таълим хизмати ҳиссиётдан ташқаридалиги билан ажралиб туради, яъни уни сотиб олмагунча ва ундан фойдалана бошламагунча, олдиндан ушлаб кўриш, тинглаш, ҳис қилиш ва баҳолашнинг иложи йўқ.

Тақдим этиш ва истеъмол қилиш жараёнларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бошқа товарларни сотиб олгандан кейин истеъмол қилинади, аммо таълим хизмати тақдим қилинган вақтнинг ўзида истеъмол қилинади. Таълим хизматини ажратиб турувчи асосий хоссаси шундаки, уни тақдим этиш жараёнида хизматни етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасида чамчарчас муносабат вужудга келади.

Таълим курслари ва дастурлари хизмат тури сифатида барқарорлиги билан, сифатининг қўнимсизлиги билан ажралиб туради, унинг асосий кўрсаткичлари эса кўплаб омилларга ва таркиб топтирувчиларга боғлиқ. Масалан, айнан бир ўқув курсидаги ўқитиш сифати мазмуни ва услубиятига кўра, ушбу курсни ўтказиётган ўқитувчининг тайёргарлик даражасига, тингловчилар гуруҳининг таркиби ва иштиёқига, ҳаттоки, дарс жадвали ва ўқув ўтказилаётган мавсумига боғлиқ тарзда турлича бўлиши мумкин.

Таълим хизматини олиш чоғида унинг сифат кўрсаткичини баҳолаш доираси ниҳоятда хусусий чекланган.

Таълим хизматлари ўз табиатига кўра, масалан, машғулотга ўз вақтида келмаган ёки уни ўтказиб юборганлар учун сақлаб турилмалиги билан фарқланади. Бошқаларнинг ўқув конспектларидан ёки тарқатма материаллардан фойдаланиш имконияти бўлган билан, машғулотнинг ўзини қайтариш ёки ўша мазмунда кўп марталаб дарс ўтказишнинг имкони йўқ. Шунингдек, олинган билимлар унутилиши, йўқотилиши, эскириб қолиши мумкин, бу эса уни доимо янгилаб ва тўлдириб туриш заруратини келтириб чиқаради.

Таълим хизматлари соҳасидаги маркетингнинг асосий тамойиллари:

- Таълим муассасаси ресурсларини бозорнинг танланган сегментидаги истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатишга йўналтириш;
- Таълим хизматлари сифатини мутахассис кадрларга бўлган талабни қондириш чораси сифатида баҳолаш.

Таълим хизматлари бозорини тадқиқ қилиш ва баҳолаш ишларини амалга оширишда зарур бўлган асосий тушунчалар:

Бозор катталиги – мазкур бозорнинг истеъмолчилари муайян вақт мобайнида талаб этиши мумкин бўлган муайян таълим хизматларининг умумий сони.

Бозор ҳажми – мазкур бозорнинг барча таълим тузилмалари томонидан муайян вақт мобайнида муайян ўқув маҳсулоти сотилишининг умумий ҳажми.

Бозор улуши – муайян вақт давомида КЕЎМ хизматлари сотилиш ҳажимининг мазкур муайян хизмат сотилишининг умумий ҳажмитга нисбати.

Бозор имконияти – таълим хизматларига бўлган эҳтиёжнинг интилиш чегараси бўлиб, бунда маркетинг харажатлари шундай даражага яқинлашадикки, уларни бундан кейин янада кўпайтирилиши эҳтиёжнинг ўсишига олиб келмайди.

Максимал даражада кўпроқ истеъмолчиларнинг талабларини қаноатлантириш учун таълим муассасалари қуйидагиларни бажариши шарт:

Муайян таълим маҳсулотлари ва хизматларини олишдан манфаатдор бўлган эҳтимолдаги истеъмолчиларнинг турли гуруҳларини топиш ва ўрганиш.

Таълим муассасасининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинган эҳтимол тутилган истеъмолчилар билан ишлаш учун бозор бўғинлари орасидан энг мақбулларини танлаб олиш.

Танлаб олинган мақсадли бўғинда бозорга тақдим этилаётган ўқув маҳсулотлари, мижозлар фақат сиздан харид қилгандагина эга бўладиган уларнинг ўзига хос ва фойдали жиҳатлари тўғрисидаги ахборотни истеъмолчиларга етказиш бўйича ишларнинг самарали йўллари ва услубларини белгилаб олиш.

Бозор бўғини – бу истеъмолчилар гуруҳи бўлиб, улар таклиф этилаётган ўқув маҳсулотларига ҳамда маркетинг рағбатларига нисбатан бир хил майл билдириши балан тавсифланади.

Таълим хизматлари бозорини бўғинлаштириш зарурияти:

Мижозларнинг асосий гуруҳлари хусусиятларини билиш имкониятини беради;

Мижозларнинг асосий талабларини аниқлаш ва ифодалаш имконини беради;

Аниқланган мижозларга уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантирадиган таълим хизматларини таклиф этиш имконини беради;

Эҳтимол тутилган ўз мижозларини жалб этишга қаратилган маркетинг стратегиясини белгилашга ёрдам беради;

Таклиф этилаётган ўқув маҳсулотларини реклама қилиш ва илгари суриш учун самарали усулларни танлаб олиш имконини беради.

Тақдим этилажак пулли таълим хизматлари турларини қандай қилиб тўғри белгилаш ва уларни ривожлантириш мумкин?

Ҳар қандай курс ёки дастурни ишлаб чиқишда қуйидагиларни ёдда тутиш муҳим:

Таклиф этилаётган таълимнинг аниқ натижа келтиришини таъминлаш (талаб қилинадиган малака ва ваколатларни сингдириш, қонунчиликка, солиққа оид, ўз бизнесини очиш бўйича бизнес-режа тузиш, маркетинг режасини тайёрлаш, молиявий таҳлил ўтказиш, тадқиқотлар олиб бориш бўйича янги билимларга эга бўлиш);

Қайси маҳсулот қандай талабни, қайси истеъмол бўғинини қаноатлантиришини билиш.

Таълим хизматлари турлича шаклларда ўтказилиши ва бунда ўқитишнинг турли жиҳатлари ҳисобга олиниши мумкин:

Расмий ва норасмий;

Бошланғич поғона ёки анча юқорироқ поғона;

Қатнаб ўқиш, сиртдан ва масофадан ўқиш;

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли;

Функционал ва умумий;

Хусусий ва гуруҳли;

Тингловчиларни эркин тинглаш асосида олиб бориладиган умумий таълим;

Корхоналар ичида ходимларни ўқитиш (ёпиқ семинарлар).

Таълим хизматлари маркетинги муваффақиятининг асосий омиллари:

Эҳтимол тутилган мижозларнинг умумий-хусусий, касбий ва менежерлик таълими бўйича эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда уларнинг талабларини қаноатлантириш бўйича мунтазам равишда сўровлар ўтказиб туриш;

Ўрганиш натижалари бўйича хусусий баҳо чиқариб бориш;
Рақобатчи нималар билан шуғулланаётганини ўрганиб бориш;
Истеъмолчилар сиз тўғрингизда ва таълим хизматини бошқа етказиб берувчилари хақида қандай фикрда эканлигини аниқлаш;

Таълим хизматлари бозорининг риважига оид маҳаллий ва минтақавий тамойилларни ўрганиш ва энг яхши тажрибани ўзлаштириб бориш;

Истеъмолчиларнинг фақат ҳозирги эҳтиёжлари тўғрисида эмас, балки келгуси эҳтиёжлари тўғрисида ҳам фикр юритиш

8.3. Таълимда маркетинг фаолиятини ташкил этиш тамойиллари

Маркетинг тамойиллари унинг ғоявий йўналишини ва корхонанинг бошқариш тизимидаги маркетинг ёндашувларини белгилайди. Ҳозирги шароитда маркетингнинг асосий, бирламчи тамойили муайян истеъмолчиларнинг муаммоларини самарали ҳал қилишга қаратилган. Бозорда товарнинг муваффақият қозониши у ёки бу товар мижоз олдида турган муаммони қанчалик самарали ҳал қила олишига боғлиқ. Бу ёндашув ўз навбатида қуйидаги тамойилларда аниқлашади ва ривожлантирилади:

- *истеъмолчига йўналтирилганлик;*
- *талабни прогнозлаш ва шакллантириш;*
- *қарорларнинг комплекслиги ва кўп вариантлилиги;*
- *қарорларнинг марказлаштирилмаганлигига урғу бериш ва ҳолатларни бошқариш;*
- *истиқболга йўналтирилганлик;*
- *дастурли мақсадли ёндашув.*

Таълим хизматлари соҳасидаги маркетингнинг асосий тамойиллари:

Таълим муассасаси ресурсларини бозорнинг танланган сегментидаги истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда рақобатбардош таълим хизматларини кўрсатишга йўналтириш;

Таълим хизматлари сифатини мутахассис кадрларга бўлган талабни қондириш чораси сифатида баҳолаш.

Таълим хизматлари маркетингининг ўзига хос жиҳатлари:

- Тақдим этиш ва истеъмол қилиш жараёнларини бир-биридан ажратиб бўлмайди;
- Таълим дастурлари хизмат тури сифатида барқарорлиги билан, сифатининг кўнимсизлиги билан ажралиб туради;
- Таълим хизматлари ўз табиатига кўра, сақлаб турилмаслиги, тез эскириши;
- Таълим хизмати ҳиссиётдан ташқаридалиги билан ажралиб туради;
- Мулк ҳуқуқининг йўқлиги, хизматлар кимнингдир хусусий мулки бўла олмаслиги.

8.5. Олий таълим тизимида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш

Таълим соҳасида маркетинг тадқиқотлари олиб боришда қуйидагиларни белгилаш зарур:

- таълим бозори талабини;
- таълим соҳасидаги хизмат муайян йўналишлари ва уларга талабни;
- таълим муассасаси моддий-техника, молия, ижобий негизини;
- ишлаб чиқаришга бўлган эҳтимолий мўлжални;
- хизмат ва товарлар қиймати, улардан келадиган фойдани баҳолашни;
- бюджетдан ташқари фонд шаклланишида қатнашувчиларни;
- хомийларни.

Туман, шаҳар миқёсида шундай хизмат кўрсатувчилар мавжудлигини; иқтисоднинг маҳаллий ўзига хослигини; муайян ҳудуд (мавзе, маҳалла, қишлоқ шаҳарларда истиқомат қилувчилар эҳтиёжини; истиқомат қилувчилар асосий тоифасини (ишловчи оналар, нафақахўр ва б.ни) ҳисобга олиш, шунингдек олий таълим муассасалари ишлаб чиқарадиган ёки кўрсатадиган товар ва хизматлар сотилиши ҳажмини белгилаш (истикбол) зарур.

Маркетингни мувофақиятли ўтказиш учун қуйдагиларни ўрганиш зарур: истиқболланувчи фаолият бўйича маҳаллий матбуот, китоблар, проспект, каталог, журналлар, реклама материаллар, телепрограмма, бошқа таълим муассасаларининг тажрибасини, шунингдек бўлғуси мижозлар билан суҳбат ўтказиш ва информация тадбирларига қатнашиш.

Маркетинг мунтазам суратда фаоллик кўрсатиш, ҳаракат қилиш, хизмат ва сотув муваффақиятли усулини таъминлаш учун талабга тезлик билан жавоб беришни, демак бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ва фойдаланиш масаласининг самарали ечилишини талаб этади.

Кейинги йилларда мутахассис ходимларга бўлган талаб кескин ошди, лавозим сифат ва миқдор кўрсаткичлари ўзгарди, уларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш зарурияти юзага келди, ишга қабул қилувчилар кўп ҳолларда тегишли тарзда дипломга эмас, балки ходимнинг ишни қай даражада билишлиги, касбий маҳоратига эътибор бермоқдалар. Бу халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича халқаро даражадагига мос келадиган билимга эҳтиёж пайдо бўлди деганидир. Ваҳоланки, кўпгина олий таълим муассасалари меҳнат бозори эҳтиёжи ва бозор талабларига жавоб бера олмайди. Натижада мутахассисларнинг бир қисмига қўшма, хусусий, чет эл ва мамлакатимиздаги бошқа корхоналарда мутлақо талаб йўқ. Олий таълим муассасаларида мутахассисларни параллел тайёрлаш кузатилмоқда (айни бир ихтисослик бўйича турли олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрланмоқда, воҳоланки вилоятларда уларга талаб йўқ). Булар барчаси олий таълим обрўйини туширмоқда мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир этмоқда. Бу вазиятни ўзгартириш учун яъни олий маълумотли мутахассислардан фойдаланиш самарасини ошириш ва таълимда давлат маблағидан мақсадга мувофиқ, фойдаланиш учун қуйдагилар алоҳида аҳамият касб этади:

- олий таълимни янгича ихтисослаштиришининг (магистратура ва бакалавриат таълим йўналишини ихтисослари рўйхати олий маълумотли мутахассислар билан алмаштирилиши лозим бўлган лавозимдорликка мос келиш даражасини, яъни мамлакат халқ хўжалиги тармоқларидаги лавозимлар билан мутахассислар етиштириши мутаносиблигини белгилаш;

- умумий талабларга мувофиқ олий маълумотли мутахассислар билан таъминланганлик тармоқ, меъёрларини ишлаб чиқариши янги тавсифловчисида қабул қилинган таълим йўналишлари бўйича умумий ва қўшимча талабаларни аниқлаш;

- тармоқ кенгайиши ва меҳнат мураккаблигини сифат жиҳатидан такомиллаштириши билан боғлиқ мутахассисларга талабни аниқлаш. Бунда, албатта қуйдагилар эътиборга олинishi керак;

- уларнинг турли сабабларга кўра ишдан кетиши-авлодлар алмашуви, табиий кетиши, миграция, ходимлар қўнимсизлиги ва бошқалар;

- олий таълим муассасалари, минтақалар йўналишлар (олий таълим ихтисосликлари бўйича бакалавриат ва магистратура) бўйича талабалар қабул қилишининг талаб билан мос келиши, яъни олий таълим ҳар бир йўналиши бўйича талабнинг таснифловчи, тавсифловчи ва давлат стандартига мос келиши;

- олий маълумотли мутахассисларга истиқболдаги талабни белгилаш бўйича тармоқ методикасини яратиши.

Мутахассисларга талабнинг ривожланиши иқтисоднинг икки асосий шубҳасида-
моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳитда турлича қонуниятга эга.

Моддий ишлаб чиқаришда мутахассисларга талаб вектори интеллектуал меҳнат умумий жараёни билан белгиланади, бунинг сабаби ишлаб чиқариладиган товарлар рақобатбардошлигини доимо сақлаб туриш, шу жумладан, бунга фан, техника ва юқори технологиянинг илғор ютуқлари асосида эришиш ҳисобланади. Чунки, янги технология мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқариши соҳасидан уни ташкил этиш, тайёрлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасига кўчишига олиб келади.

Ижтимоий соҳада, умуман сервисда мутахассислар миқдори давлат ижтимоий сиёсати, сервис хизматига аҳолининг тўловга қобил талаби ошиши асосидаги сервис соҳали фаолияти қалами ошишига мутаносиб ўсмоқда.

Бакалавр ва магистр даражасига эга олий маълумотли мутахассисларга иқтисодиёт тармоқлари талабини ҳисоблаш учун бошланғич информация асосий материаллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *иқтисодиёт тармоқларида банд булган юқори таълим соҳаси бўйича мутахассислар миқдори ва тузилиши;*

- *айрим тармоқ ва минтақалар иқтисодидаги силжишлар ривож ва стратегиясининг истиқболи, ходимлар, шу жумладан олий маълумотли мутахассислар бандлиги;*

- *иқтисод, ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича бакалавр ва магистр даражасидаги мутахассислар билан лавозим алмашишига бўлган меъёрий талаблар.*

Истиқбол методологик асосини ташкил этувчи ёндашиш негизига қуйидагилар асосидаги истиқбол тааллуқли:

- *меъёр ва меъёрийлаш;*

- *иқтисод ва бандликдаги тузилмавий силжишлар;*

- *техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар йўлининг ўзгариши (кўп омилли моделлаш);*

- *айнилик асосида.*

9-МАВЗУ. КОМПЛЕКС ДАСТУРЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРИ

Режа:

1. Олий таълим муассасаларининг иқтисодиёти ва ташкилий мазмуни
2. ОТМни бюджет ҳисобидан молиялашнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари
1. Олий ўқув муассасаларини ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш масалалари

9.1. Олий таълим муассасаларининг иқтисодиёти ва ташкилий мазмуни

Олий таълим муассасаларининг молия ресурслари иккита манбадан ҳосил бўлади: давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағ.

Бюджет харажатларини ҳисоблашда талаба (ўқувчи)лар қабул қилиш фани; талаба (ўқувчи)лар миқдори; таълим муассаси моддий-техникавий негизининг ҳажми асос қилиб олинади. Профессор-ўқитувчилар таркиби ва тегишли маош фондини белгилаш учун битта ўқитувчига белгиланган талаба сони кўрсаткич сифатида фойдаланилади.

Бюджет маблағидан фойдаланиш устидан назорат харажатлар моддаси гуруҳлари бўйича маблағ ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган». Тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, молиялаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш учун Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бюджет ташкилотларини молиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» (1999 йил, 414-рақамли) қарор қабул қилди. Унда куйидагиларни кўзда тутувчи янги тартиб белгиланди:

- бюджет ташкилотлари раҳбарларининг бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш бўйича мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;
- мавжуд маблағларни улардан фойдаланиш самарадорлигини юқори даражада оширишга эришиш мақсадида турлича қўллаш учун имконият яратиш ва бюджет ташкилотларини молиялаш механизмини соддалаштириш;
- меъёрлар бўйича бирваракай молиялаш усули билан бюджет ташкилотларни молиялашнинг янги тартибини жорий этиш;
- бюджетдан молиялашни таълим муассасаси соҳасига мос товарлар ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан қўшиб олиб бериш;
- таълим муассасаси ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти натижаларини ошириш ва мутахассисларни жойлаштириш учун шароит яратиш;
- режавий бюджетдан молиялаш ҳисобидан тушган ва ҳисобот йили охирида бюджет ташкилот ҳисобрақамларида қолган, тежалган (фойдаланилмаган) маблағ;
- таълим муассасаси фаолият соҳаси бўйича товарлар сотиш (иш, хизматлар бажариш), ишлаб чиқаришдан келадиган даромадлар;
- юридик ва жисмоний шахслар кўрсатадиган ҳомийлик ёрдами.

9.2. ОТМни бюджет ҳисобидан молиялашнинг асосий йўналишлари ва истикболлари

Давлат олий таълим муассасаси, «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этиладиган бюджет ташкилоти ҳисобланади ва тўлиқ ёки қисман давлат бюджетидан таълим» ва ижтимоий-маданий ҳамда молиявий вазифани бажаради.

Мутахассислар тайёрлашга бўлган давлат буюртмаси таълим муассасасига бюджет маблағи ажратиш учун асос бўлади, шунга мувофиқ олий таълим муассасасига бюджетдан маблағ ажратилади.

Олий таълим муассасасининг бюджет тизими куйидаги тамойилларга асосан тузилади:

- ички молия тизимларининг методик бирлиги;
- крим ва чиқимлар ҳисоб-китобининг тўлақонлилиги;
- ошкоралик;
- раҳбарият миқёси бўйича бюджет ваколатининг тақсимланиши.

Олий таълим ҳақидаги қоидалар олий таълим муассасасининг бюджет тузилиши тамойиллари, харажатларни тасдиқлаш тартиби, бошқарув турли даражаси ҳуқуқларини белгилайди.

ОТМ бюджети-тегишли қоидалар билан мустаҳкамланган олий таълим муассасаси пул маблағининг ҳосил бўлиш ва сарфланиш шакли. Бюджет олий таълим муассасаси учун яхлит ёки қисман юридик шахс ҳуқуқи берилган айрим бўлинма, алоҳида молия ҳисоби учун ажратилган ички бўлинма учун тузилади.

Бюджет тизими уч босқичи фаркланади:

- умумтаълим муассасаси;
- айрим бўлинма миқёси;

- айрим ишлар, айрим тадбир, айрим объект миқёси.

Олий таълим муассасасини молиялаш учун маблағ давлат тузилмалари (давлат маблағи)дан, корхона ва якка фуқаролар (давлатга алоқаларсиз маблағ)дан келиши мумкин. Олий таълим муассасаси бюджет тизимининг ягоналиги ҳуқуқий негиз ягоналиги, таснифлашнинг ягона тизимидан фойдаланиш, ҳужжатлар ҳисобот ва режали шакли бир хиллиги, умумий бюджет тузиш учун бошқарув босқичлари бўйича зарур статистик ҳисобот тақдим этиш билан таъминланади.

Таълим муассасаси бюджетдан молиялаш механизми бюджет тузиш ва ундан фойдаланиш ягона қондасини қўллашга асосланади, бу давлат иқтисодий ва молиявий сиёсати билан белгиланади.

ОТМ бюджет тизими ягоналиги турли босқичлар даромадига тушумлардан ажратмалар ва бошқарувнинг анча юқори босқичидан мақсадли ҳисоб рақамига тушумлардан ажратмалардан белгиланган меъёрлар орқали бюджетлар ўзаро бирлашуви билан чекланади.

ОТМ бюджет даромадлари-маъмурият ёки алоҳида бўлинмаларнинг раҳбарлари тасарруфига тушадиган пул маблағи.

ОТМ харажатлари-олий таълим муассасаси, унинг бўлинмаси ёки айрим ходимлар эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган пул маблағи.

Харажатларни даромаддан ошиб кетиши олий таълим муассасаси бюджетдаги камомад (дефицит)ни ташкил этади. Камомадни қоплаш манбаи навбатдаги йил бюджетда тасдиқланади ёхуд кейинги даврга карз сифатида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси бюджет даромади қуйидагилар ҳисобига ҳосил бўлади:

- қабул назорат рақамларига мувофиқ мутахассислар тайёрлаш учун давлат ажратмаси;
- малака оширишни давлат молиялаши;
- мақсадли ўқув программаларини давлат молиялаши;
- корхоналарнинг қўшимча таълим хизматига ҳақ ўтказиши;
- айрим фуқароларга қўшимча таълим хизмати кўрсатиш, таълим беришга ҳақ ўтказиш;
- олий таълим муассасаси майдони ва ресурсларининг ижараси учун маблағ ўтказиш;
- грантлар;
- илмий, консультатив ва таълимга алоқадорсиз турли хизматларга ҳақ тўлаш;
- моддиймас активларни сотишдан келган даромад;
- хусусий мулкни ёки олий таълим муассасасига хусусий мулк қилиб қолдирилган мулкни сотишдан тушган даромад;
- бошқа ташкилотлар фаолиятида қатнашишдан келган даромад;
- маданий-оммавий тадбир ўтказишдан келган даромад;
- бошқа ташкилотлар беғараз ёрдами.

Олий таълим муассасалар қўшимча даромад ёки режадан ташқари тушимга эга бўлса, улар биринчи галда қўшимча тушумлар ҳисобига молиялаштириладиган сарфларга йўналтирилади, сўнг кўзда тутилмаган ишларга тўланади, ниҳоят узоқ муддатли карзларга ажратилади. Қўшимча маблағлар йўналтириладиган тадбир ва соҳалар устуворлиги Олий таълим муассасаси кенгаши ва унинг ректори томонидан белгиланади. Бу устуворлик олий таълим муассасасининг навбатдаги йиллик иқтисодий режасини тайёрлашда кўзда тутилади.

Агар аввал режалаштирилмаган янги тур харажатлар қилиш зарурати пайдо бўлса, бунда уларни молиялаштириш олий таълим муассасаси кенгаши қарори ёки молиялаш тартиби кўрсатилган олий таълим муассасаси бўйича буйруқ билан белгиланади. Режада белгиланганидан ортиқ миқдордаги харажатларни молиялаш зарур бўлганда олий таълим муассасаси бўйича молиявий текширув тайинланади, унинг натижаси бўйича молиявий

қарор қабул қилинади. Бухгалтерия хизматининг режадаги йиллик бюджет харажатлари рўйхатига кирмаган сарфларни молиялашга ҳаққи йўқ.

Жорий харажатлар унсурлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш, шу жумладан:
- ходимлар асосий маоши;
- иш ҳақиға устама;
- меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш;
- лавозимдан ташқари ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш;
- ходимларга бошқа хил пул тўловлари;
- иш ҳақиға ажратмалар, шу жумладан:
- давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар;
- Давлат бандлик фондига бадаллар;
- таъминот нарсалари ва сарфлаш материаллари харид қилиш, шу жумладан:
- девон анжомлари;
- юмшоқ жиҳозлар;
- бошқа сарф материаллари;
- хизмат сафари ва иш бўйича қатнов;
- транспорт хизмати тўловлари;
- алоқа хизмати тўловлари;
- коммунал хизмати тўловлари;
- бошқа хизматларга тўловлар, шу жумладан:
- бино ва хоналарни жорий таъмирлаш;
- жиҳоз ва ускуналарни жорий таъмирлаш;
- қарзлар фоиз тўлови;
- аҳолига трансфертлар, шу жумладан:
- моддий ёрдам бериш;
- стипендиялар;
- овқатланиш учун тўловлар;
- ёзги дам олишни қўллаб-қувватлаш учун тўлов;
- бошқа трансфертлар.

Капитал сарфлар жиҳозлар сотиб олиш, капитал қурилиш ва капитал таъмирлашдан юзага келади.

Қуйидагилар капитал сарфларнинг унсурлари ҳисобланади:

- жиҳозлар сотиб олиш, шу жумладан:
- ишлаб чиқариш ускуналари;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган жиҳозлар;
- капитал қурилиш, шу жумладан:
- турар жой;
- ишлаб чиқариш объектлари;
- ижтимоий-маданий ва маиший мақсадлардаги Объектлар;
- маъмурий объектлар;
- капитал таъмирлаш, шу жумладан:
- турар жой фонди;
- ишлаб чиқариш объектлари;
- ижтимоий-маданий ва маиший хизмат объектлари;
- маъмурий объектлар;
- ер сотиб олиш ва моддиймас активлар, шу жумладан:
- ер;
- номоддий активлар.

Ташкилотларнинг молиявий муносабатлари кредит ва унга тўловлар орқали ҳисобга олинади. Фаолиятнинг бу соҳасини акс эттирувчи сарфлар унсури қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кредитлар бериш;
- кредитлар қайтариш;

Республикада иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш даврида таълимни молиявий соғломлаштиришнинг стратегик йўналиши бўлиб, бюджетдан ташқари маблағни жалб этиш ҳисобига молиялашнинг янги манбаидан фойдаланиш ҳисобланади. Бу чора олий таълимни жаҳон миқёсида ривожлантиришнинг объектив қонунияти ҳисобланади, ўтиш давридаги шарт-шароит тақозосига кўра фақат Ўзбекистондаги зарурат эмас.

Шартнома бўйича мутахассис тайёрлаш олий таълим муассасаларининг корхоналар билан муносабатларини ривожлантиришнинг мумкин бўлган бир талай имкониятларидан биридир. Бу бозор иқтисодиётини шаклланиши шароитларида тубдан ўзгаради, чунки, бу икки тузилманинг бир-бирига зарурлиги ва манфаатдорлиги юзага келади ҳамда ошиб боради.

Ҳозирги вақтда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлашуви, муттаҳассислар тайёрлашнинг кўп босқичли тизимига ўтиш, таълим турли босқичларини молиялашга янгича ёндашиш ишлаб чиқилган. Бу муттаҳассислар тайёрлашни бюджетдан ташқари молиялашнинг умумий йўналишини очиб беради, у қуйидагичадир: касбий тайёргарлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг учун шунча катта улушни бюджетдан ташқари молиялаш ўз зиммасига олиши керак.

Олий мактабни молиялашнинг бошқа манбаи таълим учун ўқиётганларнинг ўзи ҳақ тўлашидир.

Олий таълим муассасалари тўловнинг турли шакллари жорий этиш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига амал қилади.

Таълим учун ҳақ тўлаш муаммоси олий мактаб мутахассислар салоҳиятини сақлаб қолишга салмоқли ҳисса қўшувчи тижорат тузилмасисиз ҳал этилиши мумкин эмас. Уларнинг молиявий ёрдами баъзи ҳолларда жуда салмоқли бўлади. Ўқитувчилар, аспирантлар ва талабаларни тижорат корхоналари ишида қатнашишга жалб этиш ўқув жараёнини мавжуд иқтисодий амалиёт билан қўшилишига имкон яратади, ўқитувчилар таркиби юқори даражада касбий малакага эга бўлиши ва уни сақлаб туришга кўмаклашади. Чет мамлакатлар учун мутахассислар тайёрлаш ҳам бюджетдан ташқари маблағ келишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Шу муносабат билан чет элликларни ўқитиш қанча туришлигини аниқлаш зарурати вужудга келади. Муаммо шундаки, чет эл фуқароларини ўқитишнинг энг қуйи даражада тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш талаб этилади. Албатта, чет элликларни ўқитиш ягона қийматини маъмурий тарзда белгилаш мумкин эмас, чунки турли олий таълим муассасаларига бериладиган имтиёзлар турличадир. Лекин улар ҳозиргача тўпланган тажриба асосида белгиланади ва уйғунлаштирилади. Ҳақ тўлаш масаласи олий таълим муассасалари берадиган диплом сифати, уни ҳалқаро ташкилотлар, ишбилармонлар дунёси, жамоатчилик томондан тан олинishi масаласи, олий таълим муассасалари халқаро аккредитациядан ўтказилишига боғлиқ.

Хўжалик шартномаси тузиш асосида саноат корхоналари ва илмий-тадқиқот муассасалари билан илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш олий таълим муассасасини бюджетдан ташқари молиялашнинг анъанавий ва муҳим манбаларидан ҳисобланади. Илмий тадқиқотларни фаоллаштириш, уларни амалга оширишнинг янги шакллари топиш, ҳозирги замон тараққиётига мослаш кўпгина олий таълим муассасаси учун молиялашнинг қўшимча манбаини излашнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Илмий-тадқиқот олиб бориш фаолияти ҳамон олий таълим муассасасини молиялашнинг қўшимча манбаи бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олий таълим муассасасининг вазифаси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб бориш бўйича катта ва турли-туман ишларни амалга олиш, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини излаш ва жалб этишдан иборатдир. Бюджетдан ташқари фаолият асосий турларини қуйидаги йўналишлар бўйича таснифлаш мумкин:

1. Таълим хизмати соҳаси:

- таълимнинг тўлов-контракт шакли;
- олий таълим муассасасига киришга тайёрлов;
- корхоналар билан шартнома асосида мутахассисларни тақсимлаш;
- иккинчи олий маълумот олиш;
- турли хил бизнес-мактаблар ташкил этиш;
- чет тилларни жадал ўргатиш курсларини ташкил этиш;
- махсус сертификатлар бериладиган курсларда қўшимча таълим бериш (программачилар, бухгалтерлик аудиторлик ва ҳ.к.);
- жисмоний ва юридик шахслар учун тўлов асосида консултациялар ташкил этиш;
- пулли қисқа муддатли курслар ва семинарлар ташкил этиш.

2. Илмий-ишлаб чиқариш фаолияти:

- хўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишлари;
- консалтинг ва маълумотнома-ахборот фаолияти;
- минтақаларда юқори технологияни жорий этиш билан боғлиқ тадбиқий фаолият;
- илмий жиҳозлар ва ускуналар лизингини ташкил этиш;
- ҳукумат муассасалари, бошқарувнинг ҳудудий идоралари ёки тижорат тузилмаларининг буюртмасига кўра фанлараро мужассам тадқиқотлар;
- кичик ва ўрта бизнесга илмий-техникавий ёрдам кўрсатиш;
- илмий-техникавий парклар ва янгиликлар инкубаторийларини ташкил этиш;
- тижорат ва хўжалик ҳисоби асосидаги илмий-тадқиқот ташкилотлари билан яқка тартибдаги шартнома бўйича илмий ишлар олиб бориш;
- олий таълим муассасаси олимларининг кашфиёт ва ихтироларига патент ва лицензия сотиш;
- тижорат фирмалари ва корхоналар билан илмий-тадқиқот марказлари ва лабораториялар ташкил қилиш;
- чет эллик инвесторлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар тузиш;
- тўлов асосида илмий-амалий конференция ва семинарлар ташкил этиш;
- олий таълим муассасаларининг таълим ва илмий-тадқиқот хизматларини реклама қилиш;
- аудиторлик фаолиятини ташкил этиш;
- Ўзбекистон республикаси қонунчилигида ман этилмаган илмий-ишлаб чиқариш тавсифидаги бошқа инновация фаолияти турлари олиб бориш.

3. Ташқи иқтисодий фаолияти:

- чет эллик талабалар, аспирантлар, магистрлар ва тажриба орттирувчилар таълимини ташкил этиш;
- хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факултетлар ташкил қилиш;
- хорижий шериклар билан қўшма корхоналар тузиш;
- чет эл жамғармалари билан олий таълимни қўллаб-қувватлаш программаларида қатнашиш;
- Ўзбекистон талабаларини чет эл олий таълим муассасаларига юбориш;
- турли хил чет эл инвестициясини жалб этиш.

4. Тижорат фаолияти:

- дарсликлар, ўқув-услугий ва илмий-оммабоп адабиётлар чоп этиш;
- даврий нашрлар чиқариш;
- реклама фаолияти ташкил этиш;
- бўш хоналарни ижарага бериш;
- хоналар узок муддатли ижараси (лизинги);
- таътил вақтида бўшаб қолган ётоқхоналарни ижарага қўйиш;
- мажлислар зали, аудиторияларни конференция, пулли машғулотлар ўтказиш учун ижарага бериш;
- талабалар, ходимлар ва аҳоли учун хизмат соҳаси:
- умумовқатланишни ташкил қилиш;
- соғломлаштириш масканларининг даволаш, соғломлаштириш хизмати;
- спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар хизмати;
- маиший хизмат (сартарошхона, кимёвий кир ювиш, косибчилик ва ҳ.к.);
- пулли болалар боғчаси ва майдончаси ташкил этиш;
- тижорат ташкилотларига олий таълим муассасаси рамзи, реквизитларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

5. Ҳомийлик:

- корхона, ташкилот ва хусусий мулк барча туридаги фирмалардан ҳомийлик маблағларини жалб этиш;
- жиҳозларни бегараз бериш (аудио-видео, компьютер оргтехникаси, ўқув-амалиёт ускуналари, ёзув қоғозлари ва ҳ.к.);
- кутубхона жамланмасини тўлдириш (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, каталоглар, бадиий адабиёт ва ҳ.к.);
- чет эл инвестициясини жалб этиш (кичик-босмахона, автотранспорт, ўқув-амалиёт жиҳозлари, ўқув адабиётлари);

6. Олий таълим муассасалари Мураббийлар кенгашини ривожлантириш жамғармаси:

- давлат корхоналарининг кўнгилли бадаллари;
- кооператив ташкилотлар кўнгилли бадаллари;
- фуқаролар кўнгилли бадаллари;
- чет эл инвесторларининг кўнгилли ҳомийлик бадаллари;
- Мураббийлик кенгашининг чет эл фирмалари билан қўшма корхоналаридан келадиган даромад;
- тижорат банклари ва бошқа молия муассасалари берган кредитлар;
- Мураббийлик кенгаши номига келган бошқа тушимлар.

Фаолият турли кўринишларини ва молиялашнинг қўшимча манбаларини жалб этишни кенгайтириш бўйича барча чораларни кўриб, олий таълим муассасалари ҳаддан зиёд тижоратга берилиб кета олмайдилар, чунки, олий мактаб жамиятнинг муҳим ижтимоий институтидир, у жамиятнинг ақлий ва маънавий салоҳиятини оширади. Шунинг учун уни тижоратлаштириш йўналиши уставда кўрсатилган фаолият мақсад ва вазифаларга зид келмаган тақдирдагина ўзини оқлаган бўлади, унинг қайта шаклланишига олиб келмайди.

10-МАВЗУ. ИЛМИЙ-ТЕХНИК ТАРАҚҚИЁТНИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПРОГНОЗЛАШ

Режа:

1. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш
2. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари
2. Таълим кредитлари тушунчаси ва унинг аҳамияти

10.1. Таълим муассасаларини бюджетдан ташқари фаолиятини бошқариш

Олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари фаолиятини бошқаришнинг муҳим усули бўлиб, ресурс усули, хусусан, молиявий усул ҳисобланади. Давлат олий таълим муассасасида ресурслар тузилиши меҳнат ва моддий ресурслардан ташкил топади. Масалага анча кенг ёндашилса, яъни ахборот тўпловчи ресурслар имкони ва ресурслар бошқа турларини айтиш мумкин. Булар муайян маънода иккиламчидир, чунки, оқибатда, бари бир ходимлар меҳнати ёки улар фаолиятининг моддий шартлари атрибут сифатида намоён бўлади. Шу муносабат билан моддиймас активларни ажратиб кўрсатиш зарур, шунингдек унинг таркибидаги интеллектуал мулкни ҳам таъкидлаш жоиздир. Хусусан ишлаб чиқариш омили сифатидаги олий таълим муассасаси ходимлари тадбиркорлик қобилиятини ҳисобга олиш талаб этилади. Ресурслар моддий қисмида, биринчи галда, бюджетдан ташқари фаолият ҳисобига шаклланган молиявий ресурслар муҳим ўрин тутади.

Ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатидаги олий таълим муассасаларининг ресурс (актив)лари ўзига хослиги куйидагичадир:

- номоддий активлар аҳамияти сезиларли ва тобора ошиб бормоқда;
- лаборатория-эксперимент жиҳозларидан саноатдагидек жадал фойдаланила олмаслиги; унинг нодирлиги, юқори қиймати ва ликвидлиги, бу олий таълим муассасаси маҳсулотининг рақобатбардошлигини пасайтиради;
- инсон капиталининг нодирлиги ва юқори малакаси, яъни илмий-педагог ходимлар; уларни, бир томондан, меҳнат ресурси сифатида гарчи олий таълим муассасасида қиммат туриши, иккинчи томондан, талабалардек арзон ишчи кучи мавжуд бўлсада;
- олий таълим муассасаси барча тур ресурслари (ҳам меҳнат, ҳам моддий) чекланганлиги, булар бюджетдан ташқари фаолиятга жалб этилиши мумкин. Мазкур ресурслар фақат мутлоқгина эмас, балки нисбий ҳам. Чунки улардан асосан бюджетдан молиялаштириладиган таълим ва илмий жараёнда фойдаланиш устувор ҳамда мажбурий ҳисобланади, бунда бюджетдан ташқари фаолиятни ташкил этиш қийинлашади.

Замонавий иқтисод ресурс (актив)ларга оид куйидаги тушунчалардан фойдаланилади; асосан, айланма, номоддий.

Моддиймас активлар, булар узоқ муддат фойдаланиладиган ва даромад келтирадиган хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган моддий бўлмаган объектлардир. Моҳияти, бу-тадқиқот ва ишланмалар олдидан келадиган натижалар. Хўжалик оборотига жалб этилиб, нарх қийматига эга бўлиб, улар моддиймас активга айланади. Амалдаги бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қоидага мувофиқ моддиймас активлар таркибида ер майдонидан, патент, лицензия, товар белгиси, ноу-хау, программавий маҳсулот, монополь ҳуқуқ ва имтиёз, хусусан фаолиятнинг лицензиявий тури ва ҳ.кдан фойдаланиш ҳуқуқи бўлади. Моддиймас активлар таълим иқтисодида муҳим жиҳатлардан бири бўлиб қолади. Номоддий активларни бошқариш асосий фондларни бошқариш билан чамбарчас боғланиб кетади. Интеллектуал мулк ва унинг муҳофазаси, патентлар ва ноу-хау билан савдо

қилишни кенгайтириш ҳақидаги қонунчилик ривожланган сари аҳамият касб эта бошлайди. Шунинг таъкидлаш муҳимки давлат ОТМ тизимида интеллектуал мулк ҳуқуқининг субъекта бўлиб, ОТМнинг ўзигина эмас, балки, илмий-педагогик ходимларининг бир қисми ҳам ҳисобланади. Бу ОТМдаги бюджетдан ташқари фаолият жараёнидаги иқтисодий муносабатни мураккаблаштиради.

10.2. Пул муомаласи ва унинг амал қилиш қонуниятлари

Пул узоқ замонлардан бери одамларга маълум. Пулнинг келиб чиқиши турли назарийчилар томонидан товар айирбошлаш жараёнининг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда тушунтирилади.

Пулнинг вужудга келиши ва моҳиятининг турли илмий концепциялари мавжуд бўлиб, улар орасида рационалистик ва эволюцион концепциялар муҳим ўрин тутаяди.

Рационалистик концепция пулнинг келиб чиқишини кишилар ўртасидаги битим, келишув натижаси сифатида изоҳлайди. Бу ҳолат уларнинг товарларни айирбошлаш чоғида қийматларнинг ҳаракатланиши учун махсус воситалар зарурлигига амин бўлишига асосланади. Пулнинг ўзаро келишув сифатида амал қилиши тўғрисидаги мазкур ғоя XVIII асрнинг охиригача ҳукм сурди. Пулнинг келиб чиқишига субъектив психологик ёндашув кўплаб ҳозирги замон хорижий иқтисодчиларнинг қарашларида ҳам учраб туради. Уларнинг фикрича, пул категорияси объектив иқтисодий категория бўлмай, кишилар келишувига ёки давлатнинг хоҳишига боғлиқ бўлган юзаки, субъектив категориядир.

Пул келиб чиқишининг эволюцион концепциясига кўра улар ижтимоий меҳнат тақсимоли, айирбошлаш, товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Қиймат шакллари ва айирбошлаш ривожланишининг тарихий жараёнини тадқиқ қилиш орқали товарлар умумий олами ичидан пул ролини бажарувчи алоҳида товарнинг ажралиб чиқишини тушуниш мумкин.

Бир товарнинг қиймати уни бошқа бир товарга айирбошлаш орқали аниқланади (Т-Т). Бир қарашда айирбошлаш битимида ҳар иккала товар ҳам бир хил роль ўйнайдигандек кўринади. Аслида эса уларнинг роли турличадир. Бир товар ўз қийматини бошқа товарга нисбатан ифодалайди. Иккинчи товар эса биринчи товарнинг қийматини ўзида ифодалаб, эквивалент ролини бажаради, яъни қийматнинг эквивалент шаклини ташкил этади. Худди мана шу ерда пулнинг дастлабки куртаги пайдо бўлади.

Пулнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида қиймат шакллари ривожланиш босқичлари муҳим ўрин тутаяди. Умуман олганда қийматнинг оддий ёки тасодифий, кенгайтирилган, умумий ва пул шакллари мавжуд.


Айирбошлаш жараёнининг тарихан узоқ давом этган даври мобайнида эквивалент ролини ўйновчи кўплаб товарлар ичидан баъзи бирлари ўзининг барча томонидан тан олинishi туфайли ажралиб чиқа бошлади (масалан, нодир металллар). Чунки, эквивалент ролини ўйновчи товарларнинг барчаси ҳам айирбошлаш жараёнида воситачилик вазифасини бир хилда муваффақиятли бажара олмас эди. Натижада, барча товарларнинг қийматини бир хил товар қиймати орқали таққослаш мумкин бўлган қийматнинг умумий шакли вужудга келди.

Умумий эквивалент ролининг нодир металлларга, жумладан олтинга юклатилиш сабаблари қуйидагилар орқали изоҳланади:

- сифат жиҳатдан бир хил ўлчамга келтириш мумкинлиги;
- зангламаслиги ва узоқ муддат сақлаш мумкинлиги;
- бўлинувчанлиги ва бўлгандан кейин яна яхлит ҳолга келтириш мумкинлиги;
- бўлингандан ҳам ўз қийматини сақлаб қола олиши;
- табиатда нисбатан камёблиги;
- озгина миқдордаги ва оғирликдаги нодир металлнинг қиймати анча юқорилиги.

Кейинчалик умумий эквивалент ролини ўйновчи товарлар ичидан махсус товар – пул ажралиб чиқди. Шундай қилиб, пул – бу умумий эквивалент ролини ўйновчи махсус товардир.

Энди товарлар дунёси иккига – бир томондан, нафлиликнинг ифодаси бўлган товарларга ва, иккинчи томондан, қийматнинг моддийлашган ифодаси бўлган пулга ажралади



Пулнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг қуйидаги асосий вазифаларини кўриб чиқамиз: 1) қиймат ўлчови; 2) муомала воситаси; 3) бойлик тўплаш воситаси; 4) тўлов воситаси.

Пулнинг қиймат ўлчови вазифасини идеал пул бажаради. Товар эгаси фикран идеал равишда шу товарнинг алмашув қийматини пул билан ифодалайди. Товарнинг нархи талаб ва таклиф мувофиқ келган тақдирдагина унинг қийматига мувофиқ келади. Акс ҳолда, нарх қийматдан фарқ қилади. Демак, товарларнинг нархи уларнинг қиймати, пулнинг қиймати, талаб ва таклифнинг нисбати ва бошқа омилларга боғлиқ.

Товар алмашув қийматининг пул билан ифодаланиши унинг нархини англатади. Товарнинг алмашув қийматини ўлчаш учун муайян миқдордаги пул материални бирлик қилиб олиш зарур. Бундай бирлик нархлар ўлчови (масштаби) деб аталади. Бир томондан нархлар ўлчови ҳар қандай ўлчов бирлиги каби шартлидир.

Товар муомаласи жараёнида нақд пул бўлиши керак, чунки товарларни олди-сотди пайтида уларнинг рамзий нархлари реал пулга айланмоғи лозим. Бу жараёнда пул муомала воситаси вазифасини бажаради.

Узлуксиз муомалада бўлиш натижасида олтин тангалар ейилиб кетиши, ўз вазнининг бир қисмини йўқотиши сабабли муомалага тўла қийматли бўлмаган қиймат белгилари чиқарилган.

Пул муомаладан чиқарилганда бойлик тўплаш вазифасини бажара бошлайди. Натурал хўжалик шароитида бойлик тўплаш, жамғариш маҳсулот жамғариш шаклида амалга оширилган. Товар хўжалигининг ривожланиши бойлик жамғаришнинг пул жамғариш шаклини келтириб чиқаради.

Товар хўжалиги тараққиётининг дастлабки даврларида пул жамғариш уни муомаладан чиқариб олиш йўли билан амалга оширилган. Кейинчалик фойда кетидан қувиш ҳукмрон аҳамият касб этиб, бўш ётган пул фойда келтирмаслиги сабабли пул эгалари уни ҳаракатга солишга, уни фойдали жойда ишлатиш йўлини топишга интилдилар.

Товарлар насияга тўлов муддати кечиктириб сотилганда, пул тўлов воситаси вазифасини бажаради. Харидорлар товарнинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Пулнинг бу вазифаси товар муомаласи доираси билан чекланмай, пул қарз берилганда, рента ва солиқларни тўлашда ҳам тўлов воситаси вазифасини бажаради. Қоғоз пуллар, вексел ва банкнотлар – пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифасидан келиб чиққан.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул фақатгина умумий эквивалент бўлиб эмас, балки ўз эгасининг қўлида фойда, даромад олиш воситаси бўлиб хизмат қилади, ўзидан-ўзи ўсувчи қийматга, бир сўз билан айтганда капиталга айланади. Бунинг натижасида қоғоз пуллар иккита таркибий қисмга ажралади: нақд пуллар (қоғоз пул, танга-чақалар) ва кредит пуллар (чек, вексел, сертификат, тўлов талабномалари ва ҳ.к.).